O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **21** сентябрь, жума № **38** (2217).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **21** сентября, **2007** год, № **38** (2217).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу - цена договорная

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Ислом КАРИМОВ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 20 сентябрь куни Оқсаройда Тожикистон Республикаси, Италия Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги янги фавқулодда ва мухтор элчилари — Бобохон Маҳмадов, Жованни Риччулли ва Ричард Норланд ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари дўстлик ва яхши қўшничилик анъаналари асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ташрифлар, ШҲТ, ЕврАзЭС, МДҲ каби халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида мунтазам учрашиб, ўзаро ҳамкорликка, минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиб турадилар.

Икки томонлама муносабатларга доир 150 дан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида 2000 йили имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик ана шу ҳужжат руҳида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Тожикистон қўшма комиссияси тузилган. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19,8 фоиз ўсди.

– Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи минг йилларга бориб тақалади, – деди Тожикистон элчиси Б.Маҳмадов. – Ўзбекистон бизнинг асосий савдо шеригимиздир. Мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтиришни ўз миссиям давридаги асосий вазифам, деб ҳисоблайман.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йилда Италияга расмий ташрифи олий даражадаги икки томонлама сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. 1997 йили Тошкентда, 2000 йили Римда Ўзбекистон-Италия саммитлари бўлиб ўтди. Парламентлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ташрифлари уюштирилди.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик савдо алоқаларидан ташқари турли форумларни ҳам қамраб олган. Тошкентда ташкил қилинган Италия технологиялари ҳафталиги, Рим ва Миланда ўтказилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти шулар жумласидандир. Савдо-иқтисодий алоқаларни, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган. Мамлакатимизда Италия билан ҳамкорликда тузилган 49 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Италиянинг 7 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар соҳада икки мамлакатнинг олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасида изчил алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ва италиялик олимлар, тадқиқотчилар Қуёш физикаси соҳасидан археологик қазишмаларгача бўлган кўплаб йўналишда изланишлар олиб бормоқда.

Ўзаро муносабатларимиз ривожланиш йўлидан бормоқда, – деди Италия элчиси Ж.Риччулли. – Яқинда Италияда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд ва биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Мана шу мақсад йўлида хизмат қилишни ўзим учун шараф, деб биламан.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари кенг қамровли бўлиб, кўплаб соҳаларни ўз ичига олади. Мамлакатларимизнинг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва трансмиллий таҳдидларни бартараф этиш борасидаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий алоқалар борасида АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шериклари сафидан жой олганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистондаги саноат билан боғлиқ йигирмадан зиёд лойиҳага АҚШнинг 1,4 миллиард долларлик сармояси жалб этилган.

Элчи Р.Норланд Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини аямаслигини, Ўзбекистондаги фаолияти давомида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, интеграция масалаларига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

ЎзА.



Замину осмонинг асраймиз, Ватан!

Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Тошкентда 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

●

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябргача, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябргача тузилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси – 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.

3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 18 сентябрь.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Фармон аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек, пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб боришдек устувор мақсадга хизмат қилади.

●

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжат соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни кўзда тутади.

●

Пойтахтимиздаги "Ренессанс" санъат галереясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган "Буюк шаҳар ҳақидаги достонлар" мавзуида бадиий кўргазма очилди. Унда мамлакатимиз мўйқалам соҳибларининг қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарга бағишланган асарлари намойиш этилмоқда.

●

Андижон вилоятидаги бир қатор умумтаълим муассасалари "Исузу" русумли янги автобусларга эга бўлди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ Андижон шаҳридаги 2-сонли Меҳрибонлик уйи ҳамда 9 та махсус мактабга Самарқандда ишлаб чиқарилган "Исузу" автобуслари туҳфа қилинди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



БАРКАМОЛ АВЛОД – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мустақиллик йиллардаги чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Халқимизнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга интилиш ўз тақдирини ўзи белгилашга азму-қарори мана шундай ўзгаришларга туртки бўлди. Шу ўринда миллий истиқлол ғоясини яратишимиз, уни кишилар онгига сингдириш долзарб вазифа эканлигини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 11-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



УЛКАН МАҚСАД САМАРАСИ

Тинчлик, осойишталик бўлган мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилади. Истиқлолимиз сабаб эришган ютуқларимизга назар ташлар эканмиз, табиийки, улар замирида мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик, хотиржамлик, миллатлараро тотувлик, юртимиз хавфсизлигини сақлаш борасидаги чора-тадбирлар ётишини англаймиз.

(Давоми 3-бетда).



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳияти юксак даражада ошди. Такомиллашган қурол-яроғ, жанговар техника, бир йилга қисқартирилган муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақирув резерви хизмати, шартнома-контракт асосида хизмат қилаётган профессионал посбонлар, замонавий ҳарб илмининг зукко билимдони бўлган офицерлар – буларнинг барчаси бугунги миллий армиямизнинг қиёфасини белгилайди. Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар қисқа фурсатларда миллий армиямиз нуфузини янада оширди.

(Давоми 6-бетда).



4 ЁШ ОФИЦЕРЛАР – ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

МАҚСАДИДА ҚАТЪИЙЛИК БОР



8 ФАХР

ДУНЁГА ТАНИТГАЙ САНЪАТИМИЗНИ

9 ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ЖАҲОНДА – ЕТАКЧИ ЎРИНДА



11 МК «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

БЎЛАЖАК ПОСБОНЛАР ШАКЛЛАНАР БУНДА

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

Кузги чақирув – 2007

АСКАР БЎЛАР ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан жойлардаги мудофаа ишлари бошқармаси, бўлимлари томонидан чақирув ёшига етган фуқаролар октябрь – ноябрь ойларида Қуролли Кучлар сафига чақирилади.

Она Ватанни ҳимоя қилиш азал-азалдан эр йигит учун катта шараф ҳисобланган. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар сабаб, бугун армиянинг нуфузи ошди, ҳарбийда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг эзгу орзусига айланиб улгурди. Ҳеч бир ота-она йўққи, фарзандини ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда хизмат қилиб, ҳар томонлама чиниқиб, тобланиб, билаклари кучга тўлиб, баркамол инсон бўлиб етишишини истамаса. Ҳа, армияда хизмат қилиш ёшларимиз қалбида фахр ва ғурур туйғусини уйғотаётганини кўриб, қувонасан киши.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлимида ҳам чақирилувчиларни навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга чақириш, саралаш босқичларини амалга ошириш ишлари қизғин паллага кирган.

– Шаҳар ҳокимининг буйруғига мувофиқ июнь ойиданоқ чақирув комиссияси аъзолари билан биргаликда кузги чақирувга тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз, – дейди мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Самандар Бозоров. – Шу кунларда муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган йигитларимиз тиббий кўрикдан, жисмоний ва руҳий тайёргарлик ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтишмоқда. Шуниси қувонарлики, йилдан-йилга аскар бўламан, юрт посбони бўламан, деб мурожаат қилаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Айниқса, ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу ишга жиддий ёндашаётганлари чақирилувчилар ичидан энг сара ўғлонларни танлаб олишимизга катта ёрдам бермоқда.

Мудофаа ишлари бўлими биносига кирар эканмиз, у ерда ташкиллаштирилган шароитлар бизни анча қувонтирди. Чақирилувчилар учун мўлжалланган тушунтириш ишлари олиб бориш хонаси, ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказиш хоналари, Қуролли Кучларимиз тарихи, бугунги куни акс эттирилган плакат ҳамда чақирилувчиларга керак бўлган маълумотлар, ахборотлар билан жиҳозланган.

Чақирув тиббий комиссияси шифокорлари учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, зарур тиббиёт анжомлари ва асбоб-ускуналари билан таъминланган. Бўлимда бир қатор мутахассисликлар бўйича тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатишмоқда.

– Чақирилувчиларнинг аксарияти муддатли ҳарбий хизматга боришни хоҳлашади, – дейди чақирув комиссияси бош шифокори Нурия Асилова. – Йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида уларнинг шу кунгача оғриган хасталиклари билан тўлиқ танишиб чиқамиз. Бунда жойлардаги оилавий шифохоналарнинг ёрдами жуда катта бўлмоқда. Шунингдек, шаҳар марказий шифохонаси, Республика ва вилоят ўсмирлар маркази билан ҳам яхши алоқаларни ўрнатганмиз. Чақирилувчиларни шу ернинг ўзида руҳшунос, ички касалликлар, асаб касалликлари, кўз, жарроҳ, қулоқ-бурун-томоқ, тиш каби касалликлар бўйича малакали, бир неча йиллардан буён чақирув тиббий комиссиясида ишлаб, юқори тажрибага эга бўлган шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатлар бериб, зарур чоралар кўрилмоқда.


Ўғлонларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашда мактаб, лицей, коллежларда олиб борилаётган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанлари билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаолларининг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган суҳбатлар ва тушунтириш ишларининг ҳам ўрни каттадир. Мудофаа ишлари бўлимида бу борада сезиларли ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

– Шаҳар ҳокимининг буйруғига асосан, – дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари, чақирув комиссиясининг раиси Шоҳида Ирисметова, – маҳалла раислари чақирув ёшига етган йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан домий алоқада бўлиб, ҳарбий хизматга доир тушунтириш ишлари, суҳбатлар ташкиллаштириб, ёшларга армия, ҳарбий билим юртлари ва у ерда яратилган шарт-шароитлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларга берилаётган имконият имтиёзлар ҳақида маълумотларни етказишмоқда. Чақирилувчиларнинг ўз вақтида мудофаа ишлари бўлимига келишини ҳам айнан маҳалла раислари таъминлаб беради.

Шунингдек, чақирув комиссияси таркибига шаҳар ички ишлар бўлими масъул ходими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси, «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари вакиллари, шаҳар болалар спортини ривожлантириш бўлими мутахассислари ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари жалб қилинган. Улар йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар олиб боришади. Жамоат ташкилотлари билан йўлга қўйилган бундай алоқалар ўз самарасини бермоқда.

Шаҳарда фаолият юритаётган маҳаллаларда бу борада бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мудофаа ишлари бўлими ходимлари иштирокида маҳалла гузарларида чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан доимий алоқалар ўрнатилган бўлиб, учрашувлар ўтказилиб борилмоқда. Уларга Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар ва янгиликлар тўғрисида маълумотлар берилмоқдаки, бу ўз ўрнида ёшлар қалбида ҳарбий хизматга нисбатан янада қизиқишни орттирмоқда.

– Менда ҳарбий хизматга қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларимда пайдо бўлган, – дейди чақирилувчи Умид Нормўминов. – Она Ватанни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Армияда аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлардан матбуот, шунингдек, мудофаа ишлари бўлими ва маҳаллаларда ташкиллаштирилаётган чақирувга оид учрашувлар, суҳбатлар орқали кўпгина маълумотларга эга бўляпмиз. Шахсан мен бу ҳақда кўп маълумотга эгаман. Чунки акам Ўктам Нормўминов Қуролли Кучлар сафида шартнома асосида бир неча йиллардан буён хизмат қилиб келади. Унга ҳавас қилиб, мен ҳам шу соҳани танлашга қарор қилганман. Шу мақсадда жорий йилда юртимиздаги нуфузли Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжат топширгандим, аммо омадим келмади ёки тайёргарликларим бўш бўлган эканми, тест синовида етарли балл тўплай олмадим. Энди муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсияномага эга бўлиб, яна ушбу билим юртига ўқишга киришга қатъий қарорга келдим. Шунинг учун ҳам эл-юрт корига камарбаста бўлиб, ҳаёт мактабида ҳар томонлама чиниқиб, тобланишга ҳамда ўз конституциявий бурчимни ўташга бел боғладим.



Ўктам ака Алимов раислик қилаётган Мир Алишер номли фуқаролар йиғини идорасига кирганимизда, тартиб-интизоми ва намунали хизмати туфайли хизмат таътилига чиққан оддий аскар Равшан Алиев маҳаллада уюштирилган суҳбатга таклиф қилинган экан. У ёшларга ва уларнинг ота-оналарига ўтаётган хизмати, қисмда яратилган шароитлар, кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар ҳақида гапириб берди.

– Мен ҳам шу йигитлар каби кечагина мудофаа ишлари бўлимига келиб, хизматга катта ҳаяжонлар билан тайёргарлик кўриб юрган эдим, – дейди оддий аскар. – Мана хизматимнинг ҳам ярмидан кўпини ўтаб бўлдим. Армиядан жуда кўп нарсани ўргандим. Турли вилоятлардан келган йигитлар билан дўстлашдим, тартиб-интизомга, қатъий режага амал қилишга, саботли, матонатли бўлишга ўргатди мени, армия. Машғулотлар жараёнида ҳарбий билимлар билан бир қаторда жисмонан, руҳан ва маънан етилдим. Умуман, келажакда ўз ҳаёт йўлимни топиб олишимда бу хизматим муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.



Дарҳақиқат, армия кўрган йигитнинг ўз оғзидан эшитилган гаплар маҳалла идорасига йиғилганларни бефарқ қолдирмагани шубҳасиз, албатта.

– Тиббий кўрикдан ўтган йигитлар, – дейди мудофаа ишлари бўлими масъул ходими майор Саъдулло Ваҳобов, – кейинги босқичлар асосида сараланиб олинмоқда. Уларнинг биринчи навбатда жисмоний тайёргарликлари текширилади. Бунда ўғлонлар 100 ва 1000 метрга югуриш, турникда тортилиш каби синовлардан ўтишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан тақдим этилган тест саволлари асосида чақирилувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва билим даражаси имтиҳон қилинади. Унда йигитлар математика, она тили ва адабиёт ҳамда Ўзбекистон тарихи бўйича тузилган тест саволларига жавоб беришади. Етарли балл тўплай олмаганларга иккинчи имконият ҳам берилади. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилмай қолганлар, яъни тест синовларидан юқори баллни қўлга кирита олмаганлар сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтайдилар.



Ҳа, шу кунларда барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бўлган киши ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришга тайёргарлик ишлари кенг кўламда амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Ишончимиз комилки, ўз олдига эзгу мақсадни қўйган бугунги чақирилувчилар ҳам мустақил юртимизни шараф билан ҳимоя қилиб, масъулиятли вазифаларни бажаришади ва билдирилаётган юксак ишончни ёруғ юз ила оқлашади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Реформы в действии

КАЖДЫЙ ТРЕТИЙ – ОТЛИЧНИК

Одной из основных задач создания Высших курсов подготовки штабных офицеров (ВКПШО) при Академии Вооруженных Сил была определена подготовка штабных офицеров с учетом целей, задач и основных направлений реформирования Вооруженных Сил. За короткое время здесь налажено обучение офицеров, обладающих необходимыми профессиональными знаниями и тактическим мышлением, штабной культурой, исполнительностью, инициативой и творческим подходом к выполнению поставленных задач.





Выступая на торжественной церемонии очередного выпуска слушателей ВКПШО, первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан генерал-майор В. Махмудов подчеркнул, что сегодня все большее число офицеров понимают настоятельную необходимость постоянного повышения уровня своих знаний. Почти каждый третий выпускник этого года – отличник учебы.

Генерал-майор В. Махмудов выразил благодарность командованию и профессорско-преподавательскому составу за успехи, достигнутые в деле обучения и воспитания офицеров батальонного звена. Высокой оценкой их деятельности явилось награждение Академии Вооруженных Сил Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

По итогам учебы данной награды были также удостоены получившие отличные оценки при сдаче выпускных экзаменов подполковник А.Буриев, майоры Ш. Касымов и И. Маликов, капитаны И.Зайнуддинов, Т.Богаров и Д.Ачилов. Среди поощренных по итогам выпуска преподавателей полковник в отставке К.Турдалиев, полковник резерва Э. Бабаджанов, майор Д.Атарбаев и капитан Б. Турсунов, умело передающие слушателям свой большой опыт и методическое мастерство.

– В ходе учебы мы получили навыки штабной работы, моделирования действий частей, разработки боевых текстовых и графических документов, а также документов, регламентирующих повседневную деятельность войск, – рассказывает капитан Мангуберды Хамраев. – У каждого повысился уровень тактического мышления, расширился кругозор в области применения различных форм и методов организации боевых действий.

Опыт деятельности курсов и отзывы слушателей подтверждают необходимость и обоснованность осуществления такого вида обучения. Анализ проведенных зачетов, командно-штабных учений и выпускных экзаменов показал, что в ходе отработки тактических задач и командно-штабных учений слушатели получили твердые навыки в планировании и организации боевых действий штатных, приданных и поддерживающих подразделений в различных видах боя, в проведении анализа боевой обстановки.


– За время учебы мы получили хорошую базу знаний, – говорит выпускник майор Дильшод Бердыев. – Они очень помогут нам в дальнейшей повседневной служебной деятельности.

Выпускники курсов убыли к месту службы. Но со многими из них преподаватели Академии Вооруженных Сил надеются встретиться вновь. Как показала практика предыдущих выпусков, большинство отлично завершивших учебу на курсах ставят своей целью поступление в Академию Вооруженных Сил.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **Сергея СПИРИДОНОВА.**

«Энг илғор мутахассис»

МАРДЛАР МАЙДОНГА ЧИҚҚАНЛАРИДА



Чирчиқ гарнизонида Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмалари ўртасида иккинчи маротаба ўтказилаётган «Энг илғор таъмирлаш гуруҳи», «Энг илғор таъмирлаш гуруҳи командири», «Энг илғор мутахассис» йўналиши бўйича танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Бу йилги танлов аввалгисидан фарқли ўлароқ, амалий машғулотларга бой бўлди. Унда нафақат ҳарбий автомобиллар, балки барча русумдаги қудратли жанговар техникалар ҳамда қурол-аслаҳаларни таъмирлаш бўйича нормативлар кенгайтирилди.

Танлов иштирокчилари икки кун давомида ўзларининг соҳага оид билим ва тажрибаларини текширувчи ҳайъат аъзоларига муносиб намойиш этдилар. Офицер ва мураббийлар ўз шогирдларининг саъй-ҳаракатларини синчковлик ила кузатиб бордилар.

– Ушбу танловнинг анъанага айланиб бораётгани бизни беҳад қувонтирмоқда, – дейди Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи полковник Александр Мокеев. – Ҳамма округлардан ташриф буюрган таъмирлаш гуруҳлари шахсий таркиби танловга пухта ҳозирлик кўришган. Илк дақиқаларданоқ уларнинг пешқадамлик учун курашга чоғланишгани шундоққина сезилиб турди. Уларнинг ҳозиржавоблигидан ҳам соҳага нисбатан меҳр-муҳаббати юқори эканлигини фаҳмлаш мумкин. Биз танловнинг адолатли тарзда давом этиши ва натижалар холисона баҳоланишига эътиборни кучайтирдик.

Танловнинг очилишига бағишланган тантанали табирдан сўнг дастлаб хавфсизлик чора-тадбирларига доир машғулот ўтказилди. Кейин иштирокчилар жанговар, ижтимоий-сиёсий ва касбий тайёргарлик машғулотлари режасига тааллуқли тест синовидан ўтказилди. Бунда илмга чанқоқ ҳарбий хизматчилар саволларга тегишли жавоблар қайтариб, интеллектуал салоҳиятларининг юқори эканликларини исботладилар. Тест синовларидан айниқса, Шимоли-ғарбий ҳарбий округининг офицер Дилшод Алибоев командирлик қилаётган таъмирлаш гуруҳи вакиллари муваффақиятли ўтдилар. Жумладан, катта механик ҳайдовчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Розметов, эвакуация секцияси командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Сакен Токполатов, аккумуляторчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ўнғар Садиковлар ушбу имтиҳондан юқори баҳолар билан ўтдилар.

Сўнгра иштирокчилар жанговар машина ва қурол-аслаҳаларда мавжуд техник носозликларни белгиланган маълум бир муддатда аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллашга киришдилар. Мутахассис посбонларнинг бири биридан билимдон, бири биридан чаққон. Бу борада офицер Шуҳратжон Орифжонов бошқараётган Шарқий ҳарбий округи таъмирлаш гуруҳи вакилларининг уюшқоқли саъй-ҳаракатлари барчага манзур бўлди.

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи таъмирлаш гуруҳи мутахассисларининг ЗИЛ-131 автомобили базасида жойлаштирилган қуролларга техник хизмат кўрсатиш устахонасидан фойдаланиш бўйича нормативларни қойилмақом бажаришлари барчани лол қолдирди. Бунда уларнинг аҳиллигию абжир эканликлари кўл келди. Айниқса, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – У. Очилов, Ш. Фозилов, Б. Абдусаматовларнинг электрпайвандлаш, пармалаш, сиқиқлаш, юк кўтариш, генератор ва заряд бериш қурилмаларини ишга туширишга доир берилган топшириқларни аъло даражада бажаришга муваффақ бўлиши таҳсинга лойиқ топилди.



Машғулот раҳбарларининг берган кўрсатмалари ҳамда текширувчи ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи гуруҳи биринчи ўринни, Тошкент ҳарбий округи гуруҳи иккинчи ўринни, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи гуруҳи учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга танлов кубоги, ғолиблик нишонлари, эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Ўтган йилги танловнинг мутлоқ ғолиби Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи таъмирлаш гуруҳи командири офицер Ойбек Бўриев энг илғор таъмирлаш гуруҳи командири йўналиши бўйича ҳам ғолиблик шоҳсупасини эгаллади.

Майор Алишер СОБИТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

УЛКАН МАҚСАД САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарих сабоқларидан шуни яхши биламизки, давлат ўзини-ўзи, мавжуд тузумни ҳимоя қила олмас экан, ички ва ташқи сиёсатда яхши натижага эриша олмайди. Шу маънода истиқлолнинг илк одимлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни тузишга, шакллантиришга ҳаракат қилинди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида бу хусусда сўз юритиб, жумладан шундай дейди: «Бу даврда амалга оширган ишларимиз қаторида мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган шароитда, Қуролли кучларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудофаа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яккаю ягона тўғри қарор бўлди».

Келинг, шу ўринда яқин ўтмишимизга назар ташлаб, ўша долғали даврни кўз олдимизга келтирайлик. 1992 йилнинг 20 марти. Киев шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг навбатдаги саммитида яна ҳарбий масала ўртага ташланади. Унда собиқ иттифоқ тизимидаги ҳаво-десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари 1992 йилнинг 1 майидан маблағ билан таъминланмаслиги билдирилади. Бу нимадан далолат? Кўриниб турибдики, бу Президентимиз таъкидлаганидек, бошқарув, интизом, тартиб амалда ўз кучини йўқотганидан. Демак, ўзўзидан равшанки, қатъий қарор қабул қилишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганди. Юртбошимизнинг 1992 йилнинг 18 майида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари тўғрисида» ги Фармони ана шундай қатъиятнинг, аниқ ва тўғри қарорнинг самараси бўлди. Бу эса мамлакатимиз ҳудудидаги бундайин қўшинларнинг тасарруфимизга олинишига ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилишига сабаб бўлди.

Шунингдек, маърузада кадрлар масаласига, армиямиз сафларини миллий кадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш масалаларига ҳам аввалбошданоқ улкан эътибор қаратилгани ҳақида сўз боради. Хўш, бу жараёнда аввало нималарга эътибор қаратилди?

Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида шундай ёзилган: «...Бу борада биз дуч келган энг мураккаб муаммо – армиядаги кадрлар масаласи эди. У пайтда ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлаб турибди». Шундан ҳам кўриниб турибдики, посбонларнинг профессионал даражасини шакллантирувчи, уларнинг жисмонан ва маънан ривожланишини таъмин этувчи кадрларни, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топган ҳарбийларни тайёрлаш зарурати энг долзарб вазифаларимиздан эди. Жиззахда ҳарбий учувчиларни тайёрловчи билим юрти, пойтахтда алоқачиларни тайёрловчи махсус факультет ташкил топгани, шунингдек, мавжуд олий ҳарбий ўқув масканларимизда хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизими барпо қилингани бу муаммони ечишга қаратилди. Истиқлолимиз меваси бўлган Қуролли Кучларимиз Академиясини эса фахр, ғурур билан таъкидлашимиз мумкин. Эътироф этиш керакки,бугун соҳада давр билан қадамба-қадам ўқув тарбиявий жараёни шакллантирилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан сабоқлар олишмоқда, онаюрт ҳимоячилари. Шунингдек, бир нарса маълумки, минтақамиз дунёга машҳур саркардалар билан донг таратган. Ахир, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизни, саркардаларни ким билмайди, дейсиз?! Уларнинг саркардалик қобилиятларидан, ҳарбий санъатларидан ўрганиб, сабоқ олиб келмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган бундайин мутлақ принципиал ўзгаришлар натижасида миллий армиямизда соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат-эътибор шаклланди. Ҳа, биз шакллантирган армиянинг олдингисидан фарқи ҳам ана шунда – юрт ҳимояси йўлидаги масъулиятни, машаққатни елкаларида кўтариб юрган ўғлонларимизга бўлган эътибор ва эҳтиромда.

Ҳа, биз шакллантирган армиянинг олдингисидан фарқи ҳам ана шунда – юрт ҳимояси йўлидаги масъулиятни, машаққатни елкаларида кўтариб юрган ўғлонларимизга бўлган эътибор ва эҳтиромда.

Дарвоқе, эътибор, эҳтиром, ғамхўрлик... Ислоҳотлар жараёнида бу тушунчаларни амалда кўп бора ҳис қилдик. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу хусусда ҳам тўхталиб, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур турар-жой ва маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилинганини таъкидлайди. Мазкур йўналишда қанчалар қатъият билан иш олиб борилганини сезиш учун яна ўша мураккаб даврга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Аниқроғи ўтган асрнинг 90-йилларидаги иқтисодий қийинчиликларимизни кўз олдингизга бир келтиринг. Ана шундайин оғир шароитда ҳам давлатимиз раҳбарияти ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур моддий ва молиявий манбаларни излаб топди. Хўш, бу нимадан далолат?

Таъкидлаш жоизки, армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу армиямиз сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Шунинг учун ҳам ислоҳотлар жараёнида ўзгаришлар, янгиланишлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги инсонларнинг манфаатига қаратилди. Айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳимоя муҳим мезон сифатида кун тартибида турди. Айниқса, кейинги йилларда замон талабларига жавоб берувчи кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, қурол-аслаҳа, техникалар, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмалари учун муайян бюджет маблағлари сарфланаётганини кўриб буни янада яқкол ҳис қиласиз. Демакки, бу она Ватанни кўз қорачиғидек асрашга интилиб, сарҳадларимизда мардонавор турган мардларимиз давлатимизнинг, халқимизнинг доимо эътиборида, ардоғида, эканлигидан.

Қолаверса, биз илк қадамларимизданоқ ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган экан-миз, моддий-техник, ижтимоий-маиший таъминотга улкан эътибор қаратилиши турган гап. Негаки, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масала миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишдаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Хуллас, истиқлолнинг 16 йиллик залворли қадамлари замирида халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам эта оладиган миллий армиямизни шакллантиришдек улкан мақсадимизнинг самараларини кўрамиз.

Майор Алижон САФАРОВ.

Твои герои, Узбекистан!

НАСТАВНИКОВ ДОСТОЙНЫЙ УЧЕНИК



Эти слова с полным правом можно отнести к кавалеру ордена «Дустлик» полковнику Борису Пленкову, удостоенному Указом главы нашего государства такой высокой награды. Есть глубокий символический смысл в данной оценке его ратного труда, ведь офицером Пленковым внесен большой вклад в укрепление обороноспособности нашей Отчизны.

Впервые мы встретились с нашим героем в 2000 году. Тогда офицеру Б.Пленкову приходилось буквально днями и ночами не покидать здания оперативного штаба войсковой группировки Вооруженных Сил. Работоспособность офицера, умение быстро и точно оценивать обстановку, хладнокровие и самообладание придавали сил и уверенности его подчиненным, бравшим с него пример.

У Бориса Леонидовича за плечами солидный опыт службы в нестандартных условиях. Например, когда селевые потоки хлынули в Шахимардан Ферганской области, он тоже был в числе военнослужащих, первыми пришедших на помощь.

Вся военная служба офицера Б.Пленкова (а в этом году исполняется ровно тридцать лет после окончания им военного училища) прошла в Центральной Азии. Служил сначала во Внутренних войсках МВД, позже стал проходить службу в подразделении Министерства обороны Республики Узбекистан. Опыт службы помогал быстро налаживать взаимоотношения с местными органами власти, четко координировать взаимодействие военнослужащих и гражданских тружеников в работе по налаживанию нормальной жизни в зонах стихийных бедствий.

В настоящее время у него несколько иной характер задач, больше приходится работать с документацией. Однако вопросы каждодневного контроля за постоянным поддержанием высокой боевой готовности частей и подразделений не решаются только в кабинетах. Поэтому офицер Б.Пленков всегда готов выехать в служебную командировку для оказания практической помощи офицерам, младшим коллегам в обеспечении их действий по предназначению.

Достойный наставников ученик и команду своих подчиненных сформировал из настоящих профессионалов, неустанно повышающих свой уровень. Это офицеры Науфаль Юсупов, Олег Ким, Ильдар Кабиров. Как видно, коллектив подобрался интернациональный, сплоченный и дружный.

– От полковника Пленкова многому учатся и наши офицеры органов воспитательной работы, – отзывается о коллеге офицер Курбан Аминжонов. – Ведь он является настоящим профессионалом не только по части оформления штабных документов, но и обладает большим опытом формирования здорового микроклимата в подразделении, доверительного общения с младшими офицерами и сержантами, солдатами срочной службы.

Возможно, именно из-за этой открытости души и честности, порядочности и обратила внимание на своего избранника спутница жизни Бориса Леонидовича. Уже двадцать девять лет живут они душа в душу с Ольгой Михайловной, которая, как истинная офицерская жена, неизменно ездила с мужем по всем отдаленным гарнизонам, куда забрасывала их офицерская судьба. Понимая, как нелегка и ответственна служба офицера штаба, члены семьи стремятся дома согреть его теплом участия и заботы в те редкие моменты, когда удается побыть вместе.

Так уж учили офицера Б.Пленкова его наставники – сначала служба Родине. Так он теперь учит своих преемников, личным примером увлекая их преданно, самоотверженно и инициативно служить Отечеству.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Новые традиции – в жизнь

ПРИЗНАТЕЛЬНОСТЬ И БЛАГОДАРНОСТЬ

В торжественной обстановке в Управлении по делам обороны Ферганской области были вручены благодарственные письма министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан родителям военнослужащих, внесших большой личный вклад в повышение боевой готовности и добившихся высоких показателей в боевой и общественно-политической подготовке.



Принявшие участие в торжестве заместитель хокима Ферганской области, председатель женского комитета М.Ходжаева, представители Общественного движения молодежи «Камолот», областных фондов «Махалля» и «Нуроний» выразили гордость за военнослужащих из Ферганской области, самоотверженно выполняющих свой воинский долг в Вооруженных Силах. Они от души поздравили родителей отличившихся военнослужащих с высокой оценкой их вклада в воспитание достойных защитников независимого Узбекистана, призвали всех жителей Ферганской области брать с них пример.

Состоялось чествование родителей, чьи сыновья отличились в ходе воинской службы. В дни празднования 16-й годовщины независимости Узбекистана им были вручены благодарственные письма министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, а также памятные подарки.

Свою признательность и благодарность за столь высокое внимание и честь выразили в своих выступлениях отец капитана С. Юлдашева, Рашид Юлдашев, и мать военнослужащего срочной службы рядового И. Данакулова, Кимёхон Данакулова. Родители военнослужащих поблагодарили Руководство страны, Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил за огромную заботу о проходящих военную службу молодых гражданах Узбекистана.

Это событие было широко освещено в местных средствах массовой информации, став хорошим стимулом для дальнейшей активизации военно-патриотической работы с допризывной молодежью и их родителями.

М. КОДИРОВ.

Ифтихор

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БАҒИШЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасини ўқиб, биз аскарларнинг қалбимизда эртанги кунимизга бўлган ишонч туйғулари янада жўш урди. Келажак биз ёшларники, буни чуқур ҳис қилиб, мен ҳам ўз конституциявий бурчимни аъло тарзда ўташга ҳаракат қилаяпман. Маърузада айтилган фикрларни мушоҳада қилиб, юртимиз, халқимиз қисқа вақт ичида эришган ва эришаётган ютуқларининг ҳаётимизнинг янада фаровон ва обод бўлишида қанчалик аҳамият касб этишини теран англадим.

Мазкур маърузани ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари давомида сафдошларимиз билан чуқур ва пухта ўрганяпмиз. Юртбошимизнинг мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши ғоят муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида айтган фикрлари биз посбонларни бефарқ қолдирмади. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимдан, она Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши йўлида камарбаста бўлаётганимдан фахрланаман. Мамлакатимизда эркин ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётган эканмиз, биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришишимиз аниқ.

Оддий аскар Фахриддин Исмоилов.

ҚУВОНЧДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

Истиқлолнинг 16 йиллик айёмида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёнларида, тартиб-интизомда ўзини кўрсатган ҳарбий хизматчилар ота-оналари номига самимий тилаклар битилган Ташаккурномалар жўнатилганидан хабарингиз бор. Буни ота-оналар катта қувонч билан кутиб олишди ва ўз миннатдорчиликларини йўллашмоқда.

Мана шундай тадбирлардан бири Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар истиқлол туфайли ҳарбий хизматнинг нуфузи ошганлиги, ҳар бир ёш йигит ҳаёт мактаби деб аталмиш армияда хизмат қилишни нафақат конституциявий ва йигитлик бурчи, балки шарафли вазифа деб билаётганлиги, ҳукуматимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида тўхталиб ўтдилар. Юборилган Ташаккурномалар ҳам ёшларни ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда катта хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб, Ташаккурнома соҳибларининг ота-оналарига миннатдорчилик билдирилиб, уларнинг фарзандлари ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатилди.

Бундан руҳланган ота-оналардан: капитан Суҳроб Юлдошевнинг отаси Рашид Юлдошев, капитан Зафар Саломовнинг онаси Иноятхон Саломова, лейтенант Ҳамдамали Умаровнинг отаси Холдарали Умаров, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Ёқуб Бекматовнинг отаси Мамасоли Бекматов, Ҳасанбой Отабоевнинг отаси Холмаджон Отабоев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Холмурод Зокировнинг онаси Роҳилахон Зокирова, Жўрабек Қурбоновнинг отаси Неъматжон Қурбонов, шунингдек, муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари Билолиддин Ашуровнинг онаси Зуҳрахон Ашурова ва Иқбол Эгамбердиевнинг отаси Илҳом Эгамбердиевлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдиришди. Улар эл-юрт корига камарбаста бўлиб, Ватанни ишончли ҳимоя қилаётган ўғилларини билан фахрланишларини, ота-она учун фарзандининг муваффақияти ва унинг хизматлари туфайли раҳмат эшитишданда, ортиқ бахт бўлмаслигини айтиб ўтдилар.

Тадбир сўнггида вилоят ҳокимлиги ва мудофаа ишлари бошқармасининг махсус совғалари ота-оналарга топширилди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ГОРДИМСЯ СВОЕЙ СТРАНОЙ

С большим интересом вчитывался в строки доклада Президента Ислама Каримова на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященного 16-летию независимости.

Это поистине программный документ, в котором не только подведены итоги реформирования и модернизации страны за все прошедшие годы, но и определены дальнейшие шаги в строительстве свободного демократического государства с развитой рыночной экономикой и сильным гражданским обществом.

Только благодаря обретению независимости узбекские спортсмены получили возможность самостоятельного выхода на мировую арену, чтобы продемонстрировать всему человечеству неисчерпаемые таланты нашей молодежи. Впечатляющие успехи, достигнутые нашими единоборцами на самых престижных состязаниях, во многом определяются достижениями страны, ее поступательным развитием вперед. Благодаря целенаправленной работе по поддержке тысячелетних традиций нашей национальной борьбы кураш, огромной заботе, которая проявляется на всех уровнях по вовлечению молодежи в спортивные секции, авторитет узбекской школы борьбы в мире необычайно высок. Хочется от души поблагодарить Руководство страны за современные спортзалы, тренажеры, инвентарь, экипировку, за то, что у нас есть возможность участвовать и побеждать на самых высоких спортивных форумах.

Как и всех наших граждан, меня переполняет чувство огромной благодарности и гордости за нашу страну, за наш народ, за все, что за эти годы создано под руководством первого Президента нашего государства Ислама Абдуганиевича Каримова. Благодаря проводимому им курсу мы обязательно построим прекрасное будущее.

Фазлиддин ПУЛАТОВ,
президент Федерации самбо Узбекистана.

ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасини ўқиб мамлакатимизнинг порлоқ келажагига бўлган ишончим янада ортди.

Ушбу маърузада Президентимиз миллий армиямиз истиқболи ҳақида ҳам алоҳида тўхталган.

Юртбошимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасида олиб борилган ижобий ишлар самараси ўлароқ, миллий армиямиз ҳар томонлама шаклланмоқда.

Ўз ўрнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур турар жой ва маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилаётгани кишини қувонтиради. Буларнинг барчаси Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор намунасидир.

Кичик сержант Фазлиддин БЕГИЕВ.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Сборы специалистов воздушно-десантных служб

БЕЗОПАСНОСТИ ПРЫЖКОВ – МАКСИМУМ ВНИМАНИЯ

На проводимых в эти дни в одном из военных округов сборах специалистов по воздушно-десантной подготовке, воздушно-десантных и поисково-спасательных служб особый акцент был сделан на безопасность прыжков.

– Особенностью нынешних сборов стало то, что незадолго до них нашими Вооруженными Силами были приобретены парашюты новых модификаций, прибыли из капитального ремонта летательные аппараты, – рассказывает офицер Александр Кочедыков. – Ведь в Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова была также поставлена задача «обратить особое внимание на дальнейшее улучшение оснащения войск современным вооружением и техникой».

В ходе первой недели сборов с участниками проведены теоретические занятия по изучению нормативной базы организации воздушно-десантной подготовки (ВДП) личного состава. О проведенных мероприятиях по совершенствованию ВДП собравшихся специалистов информировал офицер Джалолитдин Атабуллаев, о задачах, стоящих перед специалистами воздушно-десантных служб, – офицер Александр Кочедыков, с новыми требованиями руководящих документов министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил ознакомил офицер Шавкат Магдиев.

– Главной ценностью данного мероприятия, на мой взгляд, является выработка единой схемы организации занятий и прыжков с парашютом, изучение материальной части новых парашютных систем, поступивших на вооружение нашей армии, – делится своими впечатлениями доцент кафедры ВДП ЧВТКИУ подполковник Олег Грошев.

Опытному офицеру, долгие годы занимающемуся подготовкой десантников, было доверено проводить проверку парашютов «в козлах». В качестве дежурного офицера ВДС на стартовой площадке Олег Васильевич внимательно осматривает уже уложенные парашюты. Вот и помощники у него подобрались очень высокой квалификации: например, у майора Андрея Фетисова за плечами немало прыжков с различных типов летательных аппаратов разной степени сложности.

О степени внимания к безопасности совершения прыжков говорит и тот факт, что после осмотра парашютов на стартовой площадке организован и поэтапный осмотр военнослужащих. На первом этапе проверку парашютов, обмундирования осуществляет командир группы, на втором эту же работу выполняет уже командир взвода, на третьем – специалист по приборам, и на четвертом – офицер воздушно-десантной службы. Это отнюдь не технический процесс, немаловажно и изучение, что называется, человеческого фактора.

– Бывает, что отстраняете от прыжка?

– Крайне редко, – говорит офицер Алишер Саидов, – но если вижу неуверенность или хоть небольшой страх во взгляде, поведении, то лучше перестраховаться. Во власти воздушных потоков в таком состоянии человек может растеряться. Конечно, система принудительного раскрытия парашюта все равно сработает, но ведь и на стадии приземления надо правильно сгруппироваться и удачно встретиться с землей.

Командир экипажа майор Тоир Мирзаахмедов и его помощник старший лейтенант Айдер Имадинов также тщательно инструктируют десантников, как им предстоит действовать на борту воздушного судна. Трап-команда подает сходни к задней рампе самолета, с двух сторон осуществляя посадку парашютистов. И вот они уже на борту. Сверкающий свежей краской транспортник АН-12 выруливает на взлетную полосу.

Пока воздушное судно разворачивается и заходит на боевой курс, беседуем на борту с парашютистами. Рядовой по контракту Абдулазиз Рузибаев служит инструктором в спасательной группе, срочную службу проходил в десантном подразделении. Однако с большого самолета прыгает впервые. Поэтому молодой человек рад соседству с сержантом Алишером Исаковым, у которого в активе свыше 2400 прыжков. Опытный товарищ подает советы, поддерживает примером.

...Наш разговор прерывает оглушительный звон сирены. Над рампой включается красный свет, подавая сигнал готовности. Открываются створки, в салон самолета врываются струи забортного воздуха. По зеленому свету парашютисты один за другим прыгают в объятия «пятого океана», а вслед за самолетом вскоре тянется длинный шлейф белых куполов.

После второго захода на выброску десанта опустевший самолет идет на посадку. Старший бортовой техник по авиационному десантному оборудованию капитан Акмаль Уракбаев доволен: все работало точно, как часы. Испытание выдержано с честью! А для штурмана капитана Равшанбека Ортикова здешний аэродром уже стал как родной, поэтому в прокладывании маршрута воздушного корабля абсолютно не было проблем.

Начало положено, теперь экипажу надо выполнить за световой день еще несколько подъемов. Ведь участникам сборов, помимо первого ознакомительного прыжка, по программе надо выполнить еще прыжки с оружием, с грузовым контейнером, различной степени сложности. Борт вновь принимает новых парашютистов, чтобы снова устремиться в синеву неба. А на стартовой площадке идет занятие по наземной отработке элементов прыжка. Конечно, здесь собрались, в основном, опытные специалисты, но правильная методика проведения занятий по освоению новых парашютных систем и для них очень важна. Поэтому к словам офицера Шухрата Куранова все участники прислушиваются внимательно. Ведь им предстоит в дальнейшем учить подчиненных правильно укладывать и надевать парашют, размещать оружие и боеприпасы, отделяться от самолета или вертолета, действовать в воздухе, готовиться к приземлению.

...Поднимаемся вверх по крутым ступенькам винтовой лестницы, чтобы познакомиться с местом, откуда производится руководство полетами. Майор Адхам Мамадиев руководит полетами совместно с диспетчером управления воздушным движением НАК «Узбекистон хаво йуллари» Джахонгиром Шергазиевым. Помощник РП капитан Камолиддин Эгамназаров уверенно выполняет свои функции, направляя в отведенную часть аэродрома прилетевший борт. А совсем скоро по рации звучит запрос командира экипажа:

– Вышка, я «Сокол», разрешите взлет.

– «Сокол», взлет разрешаю.

Тем временем на площадке приземления рядом с дежурным автобусом идет работа специалистов: здесь представители командования военного округа, медики, авиаторы. Офицер Рустам Бойназаров показывает примерный район приземления парашютистов. До боли в глазах ищем в синеве силуэт нашего борта. И, наконец, по приближающемуся гулу мощных двигателей находим в небе стальную птицу. Точно над нами после положенного радиообмена и разрешения с земли начинается десантирование. Специалисты считают количество раскрывшихся куполов.

Младший сержант Халимжон Эгамбердиев привычными движениями гасит купол, успевая при этом вести наблюдение за тем, как совершают приземление товарищи. За плечами у десантника свыше 1600 прыжков самой высокой степени сложности, поэтому он не только сноровисто укладывает в рюкзак купол, но и готов при первой необходимости прийти на помощь сослуживцам. Отслужив здесь же срочную службу, он настолько полюбил эти полеты под куполом, что написал рапорт, попросив оставить на контракт.

– У меня был несколько иной путь в парашютисты, – делится впечатлениями от полета с парашютом младший сержант Баходир Жиянов. – Я на срочной службе был танкистом. Но за шесть лет службы на контракте совершил более 600 прыжков с парашютом. На этих сборах получил много ценной и полезной информации об организации десантирования личного состава. Сам-то я прыгать умею, но надо еще методически грамотно обучать своих подчиненных.

Представитель управления Войск ПВО и ВВС офицер Рустем Рустемов оказался очень интересным собеседником. Он рассказал, что обычно десантирование с вертолета осуществляется сбоку из дверцы, но на данных сборах впервые будет применено десантирование «по-самолетному», из специально оборудованной задней рампы.

– Кроме прыжков с парашютом, наши спасательные команды раз в год проходят обучение в Центре медицинской подготовки ТашМИ под руководством профессора Вячеслава Авакова, – рассказывает он. – Поэтому они готовы оказать первую медицинскую помощь на месте происшествия, до доставки потерпевшего в госпиталь. В деле обеспечения безопасности прохождения военной службы это очень важный момент.

Авиационные спасатели не только учатся находить «потерпевших катастрофу» летчиков, но и выживать в условиях горно-пустынной местности. Поэтому для участников сборов из подразделений Сухопутных войск их ценный опыт оказался весьма кстати.

– Проведение столь важного мероприятия в масштабах Вооруженных Сил полезно и тем, что именно в такой обстановке неформального общения происходит живой обмен накопленным опытом, – убежден офицер Владимир Бегматов. – Мне было очень интересно заниматься боевой работой со своими коллегами.

Мы уже покидали гостеприимный аэродром, когда над ним в высокой синеве показались вертолеты Ми-8, за которыми также стали распускаться белоснежные купола парашютов. Значит, боевая работа продолжалась в заданном темпе.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

МАҚСАДИДА ҚАТЪИЙЛИК БОР

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар ёшларимиз қалбида ҳарбийликка бўлган ҳавас ва қизиқишни уйғотмоқда. Ёш офицер Умед Назаров ҳам ёшлигидан ҳарбий бўлишни, юрт ҳимоясидек ўта масъулиятли ва шарафли касбда камол топишни орзу қилган, кейинчалик буни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугун у ўз ниятига эришди, яъни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битириб, офицерлик фаолиятини взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида муваффақиятли бошлади.



– Лейтенант Умед Назаров, – дейди офицер Акмал Ошиқов, – хизматининг илк кунлариданоқ тиришқоқ, изланувчан, ўз устида тинмай ишловчи офицер сифатида менда яхши таассурот қолдирди. Унга билдирилган ишонч ўзини оқлаяпти, дейишимга тўла асос бор. Қўл остидаги посбонларнинг ҳар томонлама баркамол, мард ва жасур, жанговар ҳамда ижтимоий билимларга етарли эга эканликлари, уларнинг иноқлиги, уюшқоқлиги айтилган фикримнинг исботидир.

– Қариндошларимиз орасида ҳарбийлар борлиги учунми, офицер бўлиш болаликдан орзуим эди, – дейди Умед. – Амакимнинг ўғли офицер Шуҳрат Назаров менда ҳарбийликка ҳавас уйғотган. Шунингдек, отамнинг ҳам бу борада ҳиссалари жуда катта. Кўп нарсани, сабр-тоқатни, матонату мардликни отамнинг тарбияларидан олганман.

Олий ҳарбий билим юртида таълим берган офицерлардан Акбар Жабборов, Шарофиддин Гаппаров каби устозларидан олган билим ва кўникмалар Умедга хизмати давомида жуда асқотмоқда. Ўз хизматини, вазифасини бошлаши билан, бой тажриба ва билимга эга бўлган офицерлардан соҳага тегишли маслаҳатларни олди. Уларнинг ёрдамида назарий ва амалий машғулотларни юқори савияда, қизиқарли ўтказиш, маъруза қилиш услубларини чуқур ўзлаштирди. Шунингдек, ёш лейтенант сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, суяги ҳарбийликда қотган кичик командирларга таянди. Буларнинг барчаси бугун ижобий натижа бермоқда. Қисқа вақт ичида ёш офицер ҳарбий жамоада ўз ўрнини топиб, шаклланмоқда.

– Лейтенант У.Назаров, – дейди офицер Акмал Ортиқов, – ташкилотчи, етакчи, устоз ва тарбиячи сифатида сабоқлар берган аскарлар бу ҳаёт мактабида ҳар томонлама шаклланиб, ватанпарварлик руҳида камол топишларига ишончим комил. Умед спортнинг миллий кураш, енгил атлетика, футбол, волейбол, синхрон сузиш каби турлари билан ҳам мунтазам шуғулланади. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти давомида қўл остидаги посбонларга юртимиз тарихи, Қуроллли Кучларимиз ҳақида, буюк саркардаларимиз, мамлакатимизнинг дунёда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида етарли билимлар бериб, уларнинг қалбида она юртга, миллий қадриятларимизга, довруғи оламга достон алломаларимизга нисбатан фахр туйғусини уйғотиб келмоқда.

– Офицерлик хизматимнинг илк кунлари сермазмун ўтаяпти, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ҳарбий жамоада мени яхши кутиб олишди. Яқинда ёш офицерлар йиғинида бўлдик. Унда билим юртида олган билимларимизни амалий машғулотлар билан янада мустаҳкамладик. Йиғин давомида саф, ўқ отиш, тактик, муҳандислик, шахсий таркиб билан ишлаш, техник, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик каби машғулотлардан етук малакали офицерлар – Шокир Жўраев, Владик Раҳматов, Саид Ибрагимовлар мукаммал сабоқ беришди. Бу амалий машғулотлардан олган билимларим хизматим мобайнида катта ёрдам бермоқда. Қўл остимдаги аскарлар билимга, ҳарбий кўникмага чанқоқ йигитлар. Биздан талаб қилинадиган нарса фақатгина сидқидилдан хизмат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш, аскарларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Оддий аскарлардан – Элмурод Маликов, Муҳиддин Салоҳиддинов, Дониёр Қўчқоров, Нодир Қобиловлар ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг энг фаолларидир. Шунингдек, улар ёзги мавсум ўқув машғулотларида ҳам юқори натижаларни қайд этишиб, сафдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Мақсадим, шу шарафли касбда камол топиб, элюрт корига камарбаста бўлишдир.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар сафлари мана шундай билимли, мард ва жасур ўғлонлар билан кенгайиб, мустаҳкамланиши Ватанимизнинг тинчлиги, халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ВОСЬМОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Определить срединные ошибки дальности и направления по реперу, вызываемые ошибками в координатах пунктов сопряженного наблюдения, при следующих условиях. Ошибки в координатах пунктов сопряженного наблюдения независимые и характеризуются для обоих пунктов круговой ошибкой радиуса 15 м. Приборы на пунктах ориентированы в общий ориентир. Дальности наблюдения с обоих пунктов до ориентира 4100 м, дальность наблюдения до репера с правого пункта 3100 м, с левого 3400 м. Угол между ориентиром и репером с правого пункта 1–80, с левого 2–23. Углы при репере: α_1=1–80, α_2=2–80, α_3=4–60. Топографическая дальность до репера 6000 м.

ЗАДАЧА № 2

Определить исходные установки, подать команду для открытия огня и рассчитать Ку и Шу, если на огневой позиции батарея 122-мм ГД-30, база 2400 м, отметка с НП по основному орудию при ОН 57–00. Угол НКЦ + 5–10. Дальность командира 3700 м. Цель 101-я, наблюдательный пункт противника.

ЗАДАЧА № 3

Штурман вертолета разведал батарею противника, определил и доложил ее координаты:

X=31375, У=56615.

Командир батареи подал команду: «Стрелять батарее, по батарее противника, X=31375, У=56615, высота 150, веер сосредоточенный, пристрелка последовательными контролями по сторонам света, корректуры на ПУО, батарее один снаряд залпом зарядить».

Вычислитель подготовил прибор к работе (координаты ОП X=21350, У=51630, H=150 м, ОН=60–00), определил исчисленные установки для стрельбы и передал их старшему офицеру батареи.

Командир батареи после доклада штурмана об отклонении разрывов от цели подал команду: «Север 350, запад 210, зарядить».

Определить корректуры по первому залпу батареи.

ЗАДАЧА № 4

Определить дирекционный угол на ориентир при помощи гирокомпаса 1Г 17, если известно:

– 1 отсчет 3° 18' 40''
– 2 отсчет 358° 43' 15''
– 3 отсчет 3° 18' 20''
– поправка формуляра гирокомпаса 270° 00' 14''
– сближение меридианов минус 2° 17' 18''.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 7-й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

«Бургут». Репер второй. 18.00. ОФ-462. Взрыватель РГМ-2. Партия 6–80–04. Заряд второй, температура зарядов +6 град. Пристрелянные установки по реперу: шкала тысячных, прицел 325, уровень 30–09, основное направление, левее 1–60. Координаты репера: X=48340, У=94245, высота 188 м. Топографические данные: дальность 7835, основное направление, левее 1–88, превышение +38 м. Пристрелянные дальность 7100, поправки дальности минус 735 м, направления правее 0–15. Я «Шамол».

ЗАДАЧА № 2

Вероятное положение средней траектории относительно цели по дальности для:

1-го орудия: –0,4 Вд;
2-го орудия: +1Вд;
3-го орудия: –0,65 Вд.

ЗАДАЧА № 3

Поправки на разнобой орудий батареи относительно основного для:

1ор.=+0,3 %Vор
2ор.=–0,4 %Vо
4ор.=-0,9 %Vо
5ор.=+0,7 %Vо
6ор.=–0,6 %:Vо

ЗАДАЧА № 4

Высота КНП 672 м.

МАШҒУЛОТДА ТОБЛАНАДИ МАҲОРАТИ

Шартли душман аҳоли пунктларидан бирини эгаллаб олганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Бундай масъулиятли вазифани бартараф этиш офицер Тоҳир Азимов етакчилик қилаётган жамоага топширилди. Доимо ўқув машғулотларида маҳоратини шакллантириб келаётган жамоа сардори ўз тажрибасидан келиб чиқиб, ишга киришди. Бундай вазиятда ҳар бир нарсага эътибор қаратмоқ лозим. Ахир арзимаган кичкина хатолик ҳам катта талафотга сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан аввало, у қўл остидагиларни атрофига йиғиб, ҳар бир мутахассиснинг жанговар ҳаракатдаги ўрнини белгилаб берди. Профессионаллардан ташкил топган гуруҳ шунқорлари ким қайси позицияда туриб, қандай ҳаракат қилиши лозимлигини яхши билишарди. Белгиланган ҳудудга яқин қолганда командир дарҳол кузатув постини ташкил қилишга буйруқ берди. Унга кўра тажрибали снайпер ҳудуддан 7-8 километр узоқликдаги масофада қулай маррани эгаллаб, муҳим ахборотлардан командирни воқиф қилиб турди. Шартли душман эгаллаб олган ҳудуд батафсил ўрганилгач, шунқорлар ўз позицияларини эгаллаган ҳолда жангга киришишди. Посбонлар ўз вазифаларини яхши билганлиги боис, шартли душманнинг асосий кучлари қўпга чўзилмай яксон этилди. Ушбу муваффақиятдан юзи ёришган офицер Азимов, жанговар операцияда муваффақиятли иштирок этган пулемётчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Эрали Шарипов ва унинг сафдошлари Хуршид Эрназаров ҳамда Моҳиддин Камоловларнинг маҳоратини юқори баҳолади.

Бу ёзги ўқув мавсумидан бир лавҳа эди. Мунтазам жанговар салоҳиятини синовларда сайқаллаб келаётган профессионаллар навбатдаги машғулотда ҳам дадил ҳаракат қилиб ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Айниқса, ушбу жанговар машқда жамоани етарли ўқ-дори билан таъминлаб, ўз вазифасини аъло уддалаган кичик командир Эрали Шариповнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ лозим. 2002 йилда сержантлар тайёрлаш мактабини тугатган бу шунқор мана беш йилдирки, жамоада етук мутахассис сифатида хизмат қилиб келмоқда. Дала-ўқув машғулотларида тобланган посбонни бугун ҳақли равишда ўз касбининг етук мутахассиси, десак хато қилмаган бўламиз. Айни дамда «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир» шиори остида кечаётган ўқув машғулотларида посбон ўз жамоадошлари билан юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилган.

– Мен касбимни ниҳоятда қадрлайман, – дейди биз билан суҳбатда посбон Шарипов. – Шу боисдан ҳам берилган топшириқларни, олдимизда турган ҳар бир вазифани ҳамиша чин кўнгилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Ўз ўрнида хизматимни ижобий баҳолашларидан хурсанд бўлиб, руҳланаман. Тўғри, бошқа соҳаларга қараганда ҳарбийликнинг ўзига яраша қийинчилик томонлари жуда кўп. Лекин касбингизга чин дилдан меҳр қўйсангиз, бу қийинчиликлар кўзга кўринмас экан.

Эрали кўплаб қишлоқ йигитлари сингари меҳнаткашлиги, қийинчиликлардан чўчимаслиги ҳамда ўзгалар ташвишига шерик бўлиш керак пайтда улардан ёрдамини аямаслиги туфайли ҳам ҳар қандай жамоада ўз ўрнини топа олади. Унинг бундай ижобий хислатларида ота-онаси Ислом ака ва Нургул опаларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Мана шундай бағрикенг, оқкўнгил инсонлар тарбиясидан камол топган Эрали эл хизматида бўлиб, ҳурмат қозонмоқда.

Мамлакатимиз кўплаб полвонларни вояга етказиб берган кўҳна замин. Эрали ҳам ёшлигидан курашга бўлакча меҳр қўйди. Тўйларда ва байрамларда бел олишиб чиниққан йигит айни пайтда ҳам севимли спорт турини ташлаб қўйгани йўқ. Аксинча кураш билан бир қаторда бокс, енгил атлетика билан ҳам шуғулланиб туради. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришиб келаётган йигит қисм қўмондонлиги томонидан бир неча маротаба ташаккурнома ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Қишги ўқув мавсумида эришган ютуқлари учун округ қўмондонлиги томонидан тақдирланиши уни ниҳоятда хурсанд қилиб, янгиянги чўққиларни забт қилишга ундади, десак янглишмаймиз.

Жанговар шайлигини ошириш йўлида тинимсиз машқ қилиб, маҳоратини тоблаб бораётган кичик командир Эрали Шарипов ва унинг сафдошлари ўзларининг эришаётган ютуқларини энг азиз ва энг улуғ айёмимиз бўлган Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига туҳфа деб билишади.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

ERTANING MUSTAHKAM POYDEVORI



Oddiy askar Ramziddin Toshevning muddatli harbiy xizmatdan qaytishiga ham sanoqli kunlar qoldi. U G‘ijduvon tumanining Ko‘krabot qishlog‘ida ishchi oilasida voyaga yetgan. Bolaligidan mehnatsevar, aqlli, yaqinlari va do‘stlari uchun yordamini ayamaydigan bo‘lib ulg‘aydi. Ana shu fazilatlari harbiy xizmatda ham o‘z o‘rnini munosib egallashiga sabab bo‘ldi.

Harbiy xizmatning dastlabki kunlaridanoq epchil, g‘ayratli yigit komandirlarining e’tiboriga tushdi. O‘zining bilimdonligi, berilgan topshiriqlarni o’z vaqtida, bekamu ko‘st uddalashi tufayli barchaga o‘rnak bo‘la boshladi. Ana shunday kunlarning birida qism qo‘mondonligi tomonidan oddiy askarning ota-onasi nomiga minnatdorchilik maktubi bordi.

Mazkur maktub kimga qanday ta’sir qilganligini bilmaymiz. Ammo bir insonni behad shodlantirgani shubhasiz. U ham bo‘lsa askarning onasi Risolat opadir. Onalar farzandlarining eng kichik yutuqlaridan ham benihoya quvonadilar. Posbon o‘g‘lonning a’lo xizmatlari e’tirof etilgan minnatdorchilik maktubi esa har bir oila, qolaversa, mahalla-ko‘y uchun kichkina hodisa hisoblanmaydi. Bu maktub ham egalariga bir olam quvonch keltirgani, qalblarini faxr hislariga to‘ldirgani shubhasizdir.

Ramziddinda harbiylikka havas bolalikdan uyg‘ongan edi. Bunda amakilari harbiylar – Fazliddin, Faxriddin, Najmiddin, Furqatlarning ta’siri katta bo‘lgan, albatta. Dastlabki qadam mudofaaga ko‘maklashuvchi “Vatanparvar” tashkilotining haydovchilar tayyorlash kursida tahsil olishdan boshlandi. U bu yerda ham kursant safdoshlari orasida eng iqtidorli, bilimdon ekanligi bilan ajralib turar edi.

Ayni kunda u xizmat qilayotgan harbiy jamoa barcha ko‘rsatkichlar bo‘yicha yetakchilardan hisoblanadi. Ular eng ulug‘, eng aziz bayram – Mustaqillik kunini xizmatda erishilgan muvaffaqiyatlari bilan munosib ravishda kutib oldilar. Shu kunlarda jamoa mavsumiy sinov mashg‘ulotlarini ko‘tarinki ruh bilan o‘tkazmoqdalar. Bunda albatta, oddiy askar Ramziddin Toshevning ham salmoqli hissasi bo‘ladi.

– U guruhimizning eng mohir o‘qchisi hisoblanadi, – deydi shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti Kamol Erkaboyev. – O‘quv mashqlarida faolligi bilan ajralib turadi. Mashg‘ulotlar jarayonida ham safdoshlaridan o‘z yordamini ayamaydi. Ko‘pchilikning hurmatiga sazovor ekanligi ham ehtimol shundandir. Oldimizda turgan jiddiy sinov mashg‘ulotlarida ham u yetakchilar safida bo‘lishiga ishonaman.

Posbon yigit yaqinda jiddiy qaror qabul qilganini bildirdi. Bu aslida ham uning hayotidagi mas’uliyatli, jiddiy, mustaqil qarordir. Ramziddin hayotini armiya bilan bog‘lashga ahd qilgan. Yigitlik burchini namunali tarzda o‘tashi bolalik orzularining ushalishiga zamin yaratdi. Sharafli vazifaga sinovlarda sinalgan, toblangan, sara o‘g‘lonlar munosib. Ramziddin juda ko‘plab ana shunday yurt o‘g‘lonlarining biridir.

– Harbiy xizmatning o‘ziga xos unutilmas, taassurotlarga boy lahzalari ko‘p, – deydi oddiy askar Ramziddin Toshev. – Bayramlar, turli tantanalar, uchrashuvlar armiyada o‘zgacha bir shukuhda o‘tadi. Bu yerda sportga katta e’tibor beriladi. Turli sport musobaqalari qizg‘in, bayramona kayfiyatda o‘tadi. Sport turlaridan voleybolga qiziqaman. Jamoamiz ko‘p bora g‘oliblikni qo‘lga kiritib kelgan. Bunday lahzalarda safdoshlar bilan yanada yaqin bo‘lgandek, yanada ahillashgandek bo‘lamiz. Xizmat davomida Sherzod Ramazonov, Sanjar Qodirov kabi sadoqatli do‘stlar orttirdim. Eng muhimi, hayotimni armiya bilan bog‘layotganimdan juda xursandman. Kelajak rejalarim ulkan. Oliy harbiy o‘quv muassasasida o‘qishni niyat qilganman. Milliy armiyamiz saflarida xizmat qilayotgan yigitlarga bu borada omad kulib boqqan, kelajakning mustahkam poydevorini bugundan qurishga barcha imkoniyatlar yetarli. Bizning vazifamiz esa ona Vatan oldidagi muqaddas vazifamizni sharaf bilan oqlashdir.

Inobat IBROHIMOVA,
“Vatanparvar” muxbiri.

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotida

MA’NAN YETUK POSBON YENGILMASDIR

Yurtboshimizning «Milliy armiyamiz – mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir» risolasida: «Armiya saflarida o‘g‘lonlarimiz nafaqat jismonan baquvvat, eng zamonaviy harbiy texnika va texnologiyalarning sir-asrorlarini puxta egallagan bo‘lishi, ayni vaqtda yuksak aql-zakovati, intellektual salohiyati, mustahkam irodasi, o‘z xalqiga sadoqati kabi olijanob xususiyat va fazilatlari bilan ham ajralib turishi lozim», deyiladi. Darhaqiqat, Qurolli Kuchlarimiz saflarida xizmat qilayotgan har bir er yigit o‘zini yurt taqdiri uchun mas’ul deb bilsa va uning ma’naviy tarbiyasi ham yuksak darajada shakllangan bo‘lib, bevosita xizmat qilayotgan jamoasida ham bu ishlar to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilgan bo‘lsa, bu narsa ko‘zlangan maqsadga g‘oyat muvofiqdir. Bu kabi tadbirlarni hayotga keng tatbiq etish va yanada rivojlantirishda esa ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari salmoqli o‘rin tutadi.

Bugun yurtimizda Prezidentimiz rahbarligida uzoqni ko‘zlangan islohotlar izchil amalga oshirilyapti. Jumladan, barcha sohalarda bo‘lgani kabi Qurolli Kuchlarni isloh etish borasida ham muhim ishlar qilindi. Ya’ni armiyani takomillashtirish, qurol-yarog‘ va texnika bilan ta’minlash barobarida posbonlarning jangovar mahorati, intellektual salohiyatini yuksaltirish, ta’lim-tarbiyani tubdan yaxshilashga qaratilgan tadbirlar ana shunday ezgu sa’y-harakatlar sirasidandir. Mana, ulug‘ istiqlolning o‘n olti yillik shodiyonalarini keng nishonladik. Istiqlol tufayli yurtimiz yanada ko‘rk, chiroy ochdi. Hamma joyda yaratuvchanlik tuyg‘usi, bunyodkorlik hissi baralla seziladi. Betakror go‘zalliklar yaratayotgan xalqimizni, muqaddas ona Vatanimizni yot nigohlardan asrash har bir O‘zbekiston fuqarosi, avvalo harbiylarning muqaddas burchidir. Buni har bir harbiy xizmatchi ongli ravishda tushunib yetishi, qalban his etishi shart. Ana shunda uning qalbida chinakam vatanparvarlik tuyg‘usi shakllanadi, yurtga mehr, sadoqat hislari yuragida jo‘sh uradi. Bu holat uning kuchiga kuch, g‘ayratiga g‘ayrat qo‘shadi. Bunday posbonni esa aslo yengib bo‘lmaydi. Posbonlarimizni ana shunday darajaga yetkazishda ularga beriladigan ma’naviy-ma’rifiy bilimlar, tarbiyaviy soatlardagi mashg‘ulotlar hamda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarining o‘rni beqiyosdir. Shu bois mashg‘ulotlarda bunga alohida e’tibor beriladi.

– Ta’kidlash joizki, bugun yigitlar armiyaga adolatli ko‘rik-tanlovlar asosida puxta saralab olinayotgani bois ular bilimdon va kuchli, intiluvchan va tirishqoqdirlar. Ya’ni eng munosiblari saflarga kelishmoqda. Shu bois ularda vatanparvarlik tuyg‘usi shakllanib ulgurgan, ma’nan yetuk hamda intellektual salohiyatlari yuqori bo‘lib, xizmatda yanada toblanishmoqda, – deydi ofitser Akbar Qodirov.

– Men mustaqil O‘zbekiston farzandiman. Bu bilan har doim g‘ururlanaman, – deydi oddiy askar Sobir Oripov. – Mustaqillik – eng aziz, eng ulug‘ ne’mat. U xalqimizning azaliy orzusi bo‘lib, bunga yetguncha ozmuncha kuch sarflanmagan. Uni himoya qilish murakkab va sharafli vazifadir. Buni biz askarlar sharaf bilan uddalashimiz zarur. Vatan bizga ishonch bildirgan. Ana shu ishonchni oqlashimiz, Vatan osoyishtaligini ko‘z qorachig‘iday asrashimiz kerak. Buning uchun har tomonlama bilim va malakamizni oshirib borishimiz taqozo etiladi.

– Ma’lumki, bugun murakkab va tahlikali zamonda yashayapmiz. Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida bu borada ancha ma’lumotga ega bo‘ldik. Dunyoning goh u, goh bu nuqtasida turli ko‘rinishlarda bosh ko‘tarishga urinayotgan manfur terrorizm balosining xurujidan hech kim va hech bir davlat kafolatlanmagan. Demak, biz posbonlar yuksak hushyorlikda Vatanni himoya qilish uchun bilimli bo‘lishimiz shart, – deydi oddiy askar Shoir Yusupov.

Ko‘rinib turibdiki, bilim-salohiyat va ogohlikni yanada oshirishni vaziyatning o‘zi taqozo etmoqda. Harbiy qism va bo‘linmalarda jangovar tayyorgarliklar bilan birga ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘uloti ham izchil olib borilishi ana shu maqsadga xizmat qilmoqda.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Shunqorlardan biri

MASHG‘ULOTDA PESHQADAMLAR KASHF QILINAR

Ayni paytda qizg‘in pallaga kirgan o‘quv mavsumi mashg‘ulotlarida posbonlar yangi-yangi marralarni zabt etish maqsadida ilg‘orlikka intilishi tabiiy. Axir «Hushyorlikni saqlash, jangovar malaka va kasbiy mahoratni oshirish, vaziyatning har qanday sharoitida Vatanni, O‘zbekiston xalqining tinchligi va osoyishtaligini ishonchli himoya qilishga tayyor turish – eng muhim vazifamizdir» shiori ostida kechayotgan o‘quv yili mashg‘ulotlarida ofitser Yahyo Abdurahmonov yetakchilik qilayotgan vzvodning shunqorlari yuqori natijalarni qo‘lga kiritishga ahd qilishgan.

Avvalgi o‘quv mavsumlarida ham doimo peshqadamlar safidan joy olib kelgan posbonlar ayni damda ham o‘zlaridagi mavjud imkoniyatlarni ishga solib, yetakchilikka intilishmoqda. Ular yaqinda o‘tkazilgan dala-o‘quv mashg‘ulotida yuqori natijalarni qayd etib, o‘zlariga bildirilgan ishonchni yana bir bora oqlashdi. Ushbu o‘quv mashg‘ulotida oddiy askar Alisher Dilmurodov dadil va ishonchli harakat qilib, o‘z kasbining ustasi ekanligini ko‘rsata oldi. Alisherning belgilangan vazifalarni o‘z vaqtida ado etishida safdoshlari shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjantlari – Anvar Boltayev hamda Xurshid Uzoqovlarning o‘ziga xos hissasi bor. Mas’uliyatli damda bir-birini tushunib, aniq harakat qila olgan ahil jamoa hamisha safdoshlariga namuna bo‘lib kelyapti, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

– Harb ilmini o‘zlashtirishimda kichik komandirlar Anvar Boltayev va Xurshid Uzoqovlarning katta hissasi bor, – deydi posbon. – Ular xizmatimning dastlabki kunlaridan boshlab, texnika xavfsizligiga rioya qilgan holda jangovar texnika bilan qanday tillashish lozimligini puxta o‘rgatishdi.

Jangovar va texnik tayyorgarlik bo‘yicha yuqori pog‘onalarni zabt etib kelayotgan oddiy askar Dilmurodov jismoniy tayyorgarlik bo‘yicha ham a’lochilardan hisoblanadi. Kichik serjant Akrom Ibragimov qo‘l ostida jismoniy mahoratini shakllantirib kelayotgan o‘g‘lon yengil atletika va kurash sporti bo‘yicha bir qator muvaffaqiyatlarni qo‘lga kiritib kelmoqda. Dam olish kunlari harbiy qism posbonlari o‘rtasida uyushtiriladigan sport musobaqalarida yuqori ko‘rsatkichlarni qayd etib kelayotgan yigit o‘zining intizomi bilan ham komandirlarining e’tiboriga tushgan.

Samarqand viloyatidagi Paxtachi tumani Qishloq xo‘jaligi kasb-hunar kollejini namunali baholarga tugatgan Alisher o‘zining zukkoligi bilan ham harbiy qismda e’tibor qozongan. Mashg‘ulotlarda hamisha ilg‘orlikka intilib kelayotgan posbon ayni paytda tavsiyanomaga talabgorlardan biri sifatida tilga olinadi. Kelajakda Pedagogika universitetida tahsil olib, mamlakatimiz taraqqiyotiga o‘z hissasini qo‘shishga intilayotgan Alisherning oldidagi dovonlarni sabot bilan yengib o‘tishiga ishonamiz.

Komiljon HASANOV,
«Vatanparvar» muxbiri.

Sarkardalar sabog‘i

SIPOHIYLARNI ENG QUYI DARAJADAN OLIY MARTABAGACHA KO‘TARISH TUZUGI

Qilich chopishda o‘zini ko‘rsatgan bahodirlarni, birinchi martaba bo‘lsa – o‘nboshi, ikkinchi martaba botirlik qilsa – yuzboshi, uchinchi martabasida esa mingboshi qilib tayinlasinlar. O‘nboshi qo‘li ostidagilardan biri botirlik ko‘rsatsa, birinchi galda uni o‘nboshi qilsinlar. Qilich chopishda o‘zini himoya qila turib ko‘zga tashlangan askarlar bundan istisnodir, chunki ho‘kiz ham suzishganda shoxini niqtaydi. Shunday ekan, sipohiyning aslu nasabiga ham qarash lozim. Agar mingboshi qilich zarbi bilan g‘animning bir favj lashkarini sindirsa, uni birinchi amir etib tayinlasinlar. Birinchi amir yov lashkari safini buzib, ularni tarqatib, bahodirlik ko‘rsatsa, uni ikkinchi amirlik darajasiga ko‘tarsinlar. Shunga o‘xshash, qaysi amir yov lashkari to‘pini to‘zdirib, ish ko‘rsatar ekan, uni o‘z martabasidan yuqori ko‘tarsinlar. Sipohiylardan kimki astoydil shamshir chopgudek bo‘lsa, maoshini oshirsinlar. Qaysi bir sipohiy urushdan yuz o‘girib qochadigan bo‘lsa, uni dargohimga kiritmasinlar. Agar nochorlikdan majbur bo‘lib chekingan bo‘lsa, uzrini qabul qilsinlar. Agarda vahima bosib, qo‘rquvdan shunday qilgan bo‘lsa, uyiga qaytarsinlar. Qaysi sipohiy, dushman qarshisida qilich chopib, yarador bo‘lgan bo‘lsa, uni taqdirlab in’om bersinlar, bordiyu yaralangandan keyin qochgan bo‘lsa, unga tahsin o‘qib, yaralanganligini e’tiborga olsinlar. Chunki u g‘animga hujum qilolmay, yov hamlasi vaqtida jarohatlangandir, yarasi uning qochmaganligiga guvohdir. Shuning uchun ham sipohiylik haqini saqlasinlar. Qaysi bir sipohiy xizmatda yurib qarilik yoshiga yetarkan, uni ulufadan mahrum etmaslik va martabasidan tushirmaslik kerak. Hech bir sipohiyning xizmati nazardan chetda qolmasin, chunki ular davlat xizmatida bo‘lib, boqiy hayotlarini foniy dunyo naqdi uchun ayamaganliklarining o‘zigagina ham in’omga va moddiy ta’minotda bo‘lishga haqli va loyiqdirlar. Uni in’omidan mahrum qilib, xizmatlarini ko‘rsatmasalar, noinsoflik qilgan bo‘lurlar.

Yana amr qildimki, qaysi bir amir yoki sipohiyning mening davlatim uchun xizmati singgani aniq bo‘lsa – g‘anim lashkarini sindirgan biror mamlakatni zabt etgan yoki (ko‘zga ko‘ringudek) qilich chopqilashgan bo‘lsa, uning xizmatini taqdirlab, haqini ado qilsinlar. Yoshi ulug‘, keksa sipohiylarni hurmatlab, aziz tutsinlar. Ulardan foydali maslahatlar olsinlar, chunki ular aytadigan gaplar o‘z tajribalarida ko‘rib, bilganlaridir. Ularni saltanat korxonasining ustunlari deb bilsinlar. Ulardan keyin o‘g‘illarini o‘rinlariga o‘tkazsinlar.

“Temur tuzuklari”dan.
(Davomi bor).

Ijodkor askar

KELAJAKKA INTILIB

Muddatli xizmat oddiy askari Oybek Mo‘minov armiyaga qaynoq shijoat, qalbi to‘la orzu-umidlar bilan kelgan olovqalb yoshlardan. U ayni paytda o‘z sharafli burchini desantchilar qismida o‘tamoqda. Soha sirlarini Sardor Botirov, Talant Salayev kabi tajribali ofitser va serjantlardan qunt bilan o‘rganib borarkan, safdoshlari oddiy askarlar – Firdavs Shodmonov, Jamshid Abdulazizov va Nabi Fayziyevlar bilan o‘zaro musobaqadoshdir.

Oybek askarlik xizmatini tugatgach, harbiy uchuvchi bo‘lishni maqsad qilgan. Shu bois tinmay bilim va mahoratini oshirib kelmoqda. Posbondagi yana bir o‘ziga xos jihat – u badiiy adabiyotga havas qo‘ygan bo‘lib, o‘zi ham she’r yozishni mashq qilib turadi. Ayniqsa, posbonlar o‘rtasida uning hazil aralash tanqidiy tarzda yozilgan she’rlari mashhur. Chunki qism hayotida yuz bergan oddiy kamchiliklar ham Oybekning ziyrak nigohidan qochib qutulolmaydi va darrov navbatdagi hazil nishoniga aylanadi. Bundan tashqari uning ijodida Vatan, sevgi va go‘zallik kabi mavzular ham keng o‘rin egallaydi.

Turli kitoblar o‘qib bilimini, dunyoqarashini boyitib borayotgan Oybek san’at va she’riyatdan alohida zavq olishini aytib o‘tarkan, «bu holat meni yuksakliklarga olib chiqadi, go‘yo», deydi. U xalq shoirlari– Abdulla Oripov, Sirojiddin Sayyid va Muhammad Yusuf she’rlarini sevib o‘qiydi.

– Voqea-hodisalardan ta’sirlanish har bir ijodkorga xos holat bo‘lsa kerak, – deydi Oybek. – Men ham biror narsadan chuqur ta’sirlansam, u albatta she’rga ko‘chadi. To‘g‘ri, yozganlarim hali u qadar mukammal darajada emas. Hali bilim va tajriba yetishmas, balki. Ammo kelajakdan umidim katta.

Posbon yaqinda bo‘lib o‘tgan muborak istiqlolning 16 yillik shodiyonalaridan ilhomlanib, yana bir she’r yozgan ekan. Quyida oddiy askar Oybek Mo‘minovning ana shu she’rini sizning e’tiboringizga havola etmoqdamiz.

O‘N OLTI BAHORING MUBORAK

O‘n olti bahoring muborak, o‘lkam,
Erku istiqloling abadiy bo‘lsin.
Ta’rifing ulug‘dir, jamoling ko‘rkam,
Bag‘ring nurga, qalbing quvonchga to‘lsin.
O‘n olti bahoring muborak, o‘lkam.

O‘zbekka o‘zligin berdi istiqlol,
O‘z gerbimiz bordir, o‘z qomusimiz.
Nurli kelajakka ishonch, istiqbol,
Bayrog‘imiz bo‘ldi or-nomusimiz.
O‘n olti bahoring muborak, o‘lkam.

To‘qson birida ekilgan nihol,
Bugun o‘sib yetildi, mevaga kirdi.
Shukuhli ayyomning shodiyonasi ham,
Moziyga bitildi, tarixga kirdi.
O‘n olti bahoring muborak, o‘lkam.

Harbiy texnika yangiliklari

HAMKORLIK SAMARASI

Germaniyaning «Fennek» rusumli jangovar razvedka mashinasi (suratda) mahalliy «Krauss-Maffey Vegmann» firmasi tomonidan Gollandiyaning «SP Aerospeys end vehikl sistems» kompaniyasi bilan hamkorlikda yaratilgan. Mazkur jangovar mashina front yaqinidagi joylarda 100 km.gacha uzoqlikda mustaqil ravishda yoki razvedkachi bo‘linmalar tarkibida taktik razvedka vazifalarini bajarish uchun mo‘ljallangan. Ekipaj (3 kishidan iborat) 5 sutka mobaynida mustaqil ravishda qo‘yilgan vazifalarni bajarishi mumkin. Dushmanni aniqlash va topish borasidagi topshiriqlarni bajarish uchun xizmat qiladigan asosiy texnik moslamalar OPHELIOS rusumli teplovizion kamera, MOLEM lazer masofa o‘lchagichi, raqamli oq-qora SSD-kameralar bo‘lib, ular kunduzi va tunda harakatlangan holatda ham, bir joyda turgan vaziyatda ham 10, 3 va 2 km. uzoqlikdagi nishonlarni topish, aniqlash va *identitsikafiyalash* (tenglashtirish) imkonini beradi. Zarurat tug‘ilganda, mazkur moslamalar zirhli avtomobildan 40 km.gacha uzoqlikka olib borilishi mumkin va bunda boshqaruv kabel orqali masofadan amalga oshiriladi. Periskopik modul mashina korpusi ustidan 1,5 m. balandlikka ko‘tarilishi mumkin; ko‘rish burchagi gorizontal tekislikda 360 C ni, qiyalik burchagi vertikal tekislikda +30 C ni tashkil qiladi.

Jangovar razvedka mashinasining asosiy texnik-taktik tavsiflari: jangovar og‘irligi 10,25 t., maksimal yurish tezligi shosse bo‘ylab soatiga 112 km., yurish zaxirasi shosse bo‘ylab 1000 km., past-balandlik joylarda 46 km. Korpus



bo‘yicha geometrik o‘lchamlari: uzunligi 5,58 m., eni 2,55 m., balandligi 1,79 m (ko‘tarilgan periskopik moslama bilan 3,29 m.). Dushman o‘t ochishidan yashirincha ketish uchun mashinaning quyruq qismidagi oltita granatomyot yordamida tutun pardasi yaratish imkoniyati mavjud. Jangovar razvedka mashinasining asosiy quroli masofadan boshqariluvchi 12,7 mm. kalibrli pulemyot yoki 40 mm.li avtomatik granatomyot (maksimal otish uzoqligi 2 km.). 2007 yilgacha bundesver (Germaniya) armiyasi uchun ana shu rusumdagi mashinalardan 338 ta, Gollandiya armiyasining quruqlikdagi qo‘shinlari uchun 410 ta yetkazib berilgan.

(«Zarubejnoye voyennoye obozreniye» jurnali asosida tayyorlangan).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ФИДОЙИ ҲАРБИЙНИНГ ОТАШҚАЛБ ҚИЗИ

Биз ҳарбий хизматчи шахсига баҳо берар эканмиз, одатда унинг фаолиятидаги эришган ютуқлари, намунали хизматини таърифлаш билан чегараланамиз. Аммо ҳарбий хизматчининг шахс сифатидаги фаолияти шу билангина чегараланиб қолмайди. У халқимиз тинч-тотувлиги учун умрини бахшида этган фидойи инсон бўлиши билан бир қаторда бир оиланинг бошлиғи, фарзандларининг тарбиячиси ва меҳрибон отаси ҳамдир.

Хизмат давомида кўплаб инсонлар билан учрашишимизга, мулоқатда бўлишимизга тўғри келади. Шундай инсонлардан бири сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий тиббий тайёргарлик цикли ўқитувчиси, тиббий хизмат офицери Мирзоқул Баҳроновдир.

Бу инсон билан суҳбатлашсангиз Ватанга садоқат, фидоийлик, ўз касбига ҳурмат, инсонпарварлик, оилапарварлик, фарзандлар тарбияси каби тушунчалар сиз ва биз тасаввур этганимиздан анчагина теран маъноларни англатишини ҳис эта бошлайсиз.

Ўз касбининг устаси бўлган офицер юртимизнинг исталган гўшасида шу касби орқали умргузаронлик қилиши, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб яшаши мумкин эди. Аммо, бу инсон юртимиз корига ярашнинг бошқача, машаққатлироқ йўлидан борди. У мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, Ватан чақириғига лаббай деб жавоб бериб, ҳарбий шифокорлик соҳасини танлади ва шу кунгача жуда кўплаб ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари жонига оро кириб, фидойиларча хизмат қилиб келмоқда.

У нафақат тиббиёт соҳасида мутахассис, балки шахсий ҳаётда ҳам ишончли дўст, маслаҳатчи, ҳаётий тажрибага эга чин маънодаги инсон сифатида ҳам кўпчилик томонидан эътироф этилган.

Унинг фидойиларча фаолияти ҳарбий ҳаётда аллақачон тан олинган бўлса, оиласи, фарзандлари камолида дастлабки натижаларини бера бошлади. Бош фарзанди Феруzжоннинг ота касбини танлаб, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришининг ўзиёқ, офицер бўлиб, эл-юрт хизматига бел боғлаши, Мирзоқул аканинг турмуш тарзи, дунёқарашининг фарзандлари тарбиясига ижобий таъсирини кўрсатиб турибди. Бундай ижобий ҳолат унинг қизи Шохидахоннинг шеърият бўстонига ташлаган илк қадамларидаёқ яна бўй кўрсатди. Куни кеча Шохидахоннинг «Эзгулик» деб номланган биринчи шеърий китоби нашрдан чиқди. Мирзоқул ака ва унинг оиласи билан яқин барча инсонлар шу жумладан, биз ҳарбийлар ҳам ушбу китобни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Шохидахоннинг Ватанга муҳаббат, ота ва онага, устозларга, юрт посбонларига ҳурмат, инсонпарварлик, камтарлик каби туйғуларга йўғрилган шеърлари ҳарбий хизматчи оиласида ижод булоғи кўз очганидан дарак бериб турибди. Ёш ҳаваскор шоиранинг ҳар бир шеърида бизга таниш бўлган оила тарбияси уфуриб тургандек, гўё. Унинг «Отамга» шеърини мутолаа қилсангиз, камолотида Мирзоқул аканинг қанчалик катта ўрни бор эканлигини ҳис этасиз. Бу шеърда шоира шундай ижод қилади:

Қадрдоним бу дунёда сендан улуғ кимим бор,
Сенинг каби меҳрга ҳам, кучга тўлиқ кимим бор?
Ҳар бир сўзинг ҳикмат менга, ҳар ўгитинг-шамчироқ,
Улар ила дилим ёруғ, йўлим ҳам порлоқ.

Мирзоқул ака ўзининг Ватанга муҳаббатини фарзандининг шуурига ҳам сингдирибди. Қизи Ватан ҳақида шундай куйлайди:

Ватан десанг тилингдан,
Бол томсин, боллар томсин.
Кўксингда-ю дилингда
Меҳр деган чўғ ёнсин.

Ватан десанг қўлларинг
Қанотларга айлансин.
Ҳатто оддий сўзларинг
Баётларга айлансин.

Биз ҳарбий хизматчилар офицер М.Баҳр новни фарзандлари эришаётган ютуқлари б лан чин юракдан табриклаймиз. Барча ҳарбі хизматчиларни бу оилага ҳавас билан қарашг улардан ибрат олишга чорлаймиз.

Подполковник Бахтиёр ЧОРИЕ
майор Фазлиддин НАРЗУЛЛАЕВ,
Сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчилари.

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кун армияларининг замонавий қурол-аслаҳалари, жанговар техникалари инсон ақлини шошириб қўйиши шубҳасиз. Шунга қарамай армия қудрати унда хизмат қилаётган инсонлар, яъни қалби юксак инсоний фазилатлар билан покланган, қутлуғ туйғу ҳисобланмиш ватанпарварлик қон-қонига сингиб кетган, Ватан ҳимоясини муқаддас билган юртпарвар фарзандлар билан белгиланишини инкор этиб бўлмайди. Миллий армиямизда посбонларнинг маънавий тарбиясига улкан аҳамият қаратилаётганининг боиси ҳам шундадир. Маънавияти бой, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, ҳар томонлама комил инсонлар Ватан ҳимоячиси бўлишдек юксак шарафга муносиб бўла оладилар.

Республикамиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маиший шарт-шароитларини яхшилашга, ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да бу ҳақда шундай таъкидлаган эди:

«... ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.»

Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган кенг миқёсли маънавий-маърифий ишлар жараёнида мамлакатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрлари ўз аксини топмоқда. Миллий армиямиз нуфузини янада юксакларга кўтариш ғоят мураккаб бўлган ана шу тарбиявий ишлар жараёнига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази — Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи олиб бораётган кўпдан кўп эзгу ишлар таҳсинга сазавордир. Пойтахтда жойлашган Марказий офицерлар саройини ҳақли равишда маърифат ва маънавият ўчоғи дейиш мумкин. Бу ерда фаолият юритаётган кутубхона Тошкент шаҳридаги саноқли бўлган нуфузли маънавият сарчашмаларидан бири ҳисобланади. У ўзида XIX ва XX аср адабиётининг энг сара намуналарини жамлаган етмиш мингдан зиёд китоб фондига эга. Кутубхона мунтазам равишда энг янги бадиий нашрлар билан мунтазам бойитиб борилади.

Бу ерда турли-туман курслар қизғин фаолият кўрсатади. Булардан компьютер саводхонлиги курси ёшларни кўплаб жалб этиши билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари ўнга яқин йўналишни ўз ичига олган бичиш-тикиш курси ҳам ҳамиша гавжум. Шунингдек, даволовчи- косметология курсига ҳам қизиқиш катта.

Маҳоратли мураббий Ирэк Хабибулининг фидойиларча саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда бир неча йиллардан буён «Родник» спорт рақслари студияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шуни ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки, тиниб-тинчимас мураббийнинг иқтидорли шогирдлари халқаро саҳналарда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб келмоқдалар.

Марказий офицерлар саройида бир неча йиллардан буён ёш шахматчилар мусобақаси ўтказиб келинади. Яқиндан бошлаб бу ерда спорт устаси, олий тоифали мураббий Константин Малиничев раҳбарлигида шахмат секцияси ўз ишини бошлади.

Маънавият маскани фаолият кўлами ва сифат даражасини ошириш мақсадида бу ерга ўз касбининг моҳир билимдони бўлган кучли мутахассисларни жалб қилган. Жумладан, инглиз тилидан сўзлашув нутқини ўргатувчи устоз Алия Аблаева ана шундай мутахассисларнинг биридир. Бундан ташқари, эл ардоғидаги таниқли санъаткорлар Мансур Тошматов, Лариса Москалёвалар ҳам бу ерда кичкинтойларга санъат сирларидан сабоқ беришади.

Еттита ўйин столига эга кенг, ёруғ ва шинам бильярдхона ҳам кўпчилик ҳарбийларимизнинг хизматдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига хизмат қилади.

Газетанинг ўтган сонида яна бир савобли ва эзгу иш ҳақида мақола эълон қилинган эди. Бу Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг имтиёзли абонементлар ҳақидаги янгилигидир. Кенг тарғиб қилишга арзийдиган бу эзгу иш ҳарбийларимиз ва уларнинг оилалари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур абонементлар хизматда алоҳида ютуқларга эришган аълочи посбонларга тақдим этилади.

– Мақсадимиз маънавият гўшасига ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини янада кўпроқ жалб этишга қаратилган, — дейди Марказий офицерлар саройининг бошлиғи майор Дилявер Аблаев. – Бу ерда фаолият юритаётган барча курсларда улар учун имтиёзлар мавжуд. Улар учун 50 фоиз чегирма белгиланган. Худди шундай имтиёз Қуролли Кучлар Марказий музейи ҳамда кинозалига ҳам тааллуқли. Яқиндагина иш бошлаган мазкур кинозал қисқа фурсатда кўплаб мухлисларга эга бўлди. Мазкур ташаббус, янгилик пойтахтдан ташқарида ҳам кенг қулоч ёйишига шубҳа йўқ. Кутубхонамиз пойтахтнинг йирик қироатхоналаридан саналади. Яқин келажакда мазкур маънавият хазинасини компьютерлаштирилган, интернет тармоғига уланган замонавий ахборот марказига айлантиришни режалаштирганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Зеро маънавияти юксак, комил инсонларгина мамлакатнинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратадилар, уни қурадилар.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ота-оналар мактаби

БОЛА ТАРБИЯСИ ХУСУСИДА

Ўзбеклар «Омин» деб дуо қилганида, уй эгасига ўғил-қизлари кўп бўлишини, уларнинг соғлом, оқибатли, ақлли, бахтли бўлишини, тўй-томошалар қилишини, фарзандларининг роҳатини кўриш насиб этишини Яратгандан сўрайдилар. Лекин, «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деганларидек, фарзандларнинг оқил, хушхулқ, тарбияли бўлиб ўсиб-улғайишлари, албатта, ҳар томондан ота-онага боғлиқ. Арпа экиб, буғдой кутиб бўлмайди. Айниқса, тарбия масаласида. Бола вақтнинг кўп қисмини оилада ўтказади. Демакки, унинг тарбияси масаласида кўпроқ ота-оналар масъулдир. Хўш, шундай экан, ўзингизни бир тафтиш қилиб кўрингчи, бу масалага қанчалик эътибор қаратаяпсиз? Фарзандларни боқиш учун қанча вақт ажратаяпсиз-у, тарбияси билан шуғулланиш учун қанча вақт сарфлаяпсиз?

Қуйидаги педагогик диалог бу борада сизга бироз ёрдам берса, ажаб эмас. Марҳамат, танишинг:

1. **Фарзандингизнинг кучли, чиниққан, чидамли бўлишини истайсизми?**

Ҳа!

У билан бирга кўпроқ жисмоний машқлар қилинг.

Ҳар куни!

2.Фарзандингизнинг ақлли, зиёли бўлишини-чи?

Ҳа!

Унда кичкинтойлик даврида эртаклар айтиб беринг, ҳикоялар ўқиб беринг, каттароқ бўлганда эса китоб ўқишга ўргатинг, қизиқарли китоб ва журналлар олиб беринг, дунёқарашини бойитиш устида ҳар куни аниқ бир иш қилиб боринг.

3. Фарзандингизнинг доим хушчақчақ, ғайратли, бардам бўлишини хоҳлайсизми?

Албатта!

Унда болангиздан эринчоқлик ва ялқовликни ҳайдаб чиқаринг. Доимо бирон юмуш билан овора бўлишига эътибор қаратинг.

4. Фарзандингизнинг иродали, кучли характер эгаси бўлишини истайсизми?

Жон дердим!

Унинг олдига қизиқарли, қийин масалаларни қўйиб, бор кучини бир нуқтага жамлаб, узоқ давом этадиган қийинчиликларни енгишга жалб этинг.

5. Фарзандингизнинг ҳозиржавоб, зийрак, вафодор дўст бўлишини истайсизми?

Бўлмасам-чи!

Унда бошқалар билан тил топишга, ҳазил-мутойибага, бирга ишлашга, бировга ёрдам беришга, ҳамдард бўлишга ўргатинг.

6. Фарзандингиз ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишини хоҳлайсизми?

Қанийди!

Унда фарзандингизни ҳар хил ишларга жалб қилинг, меҳнатсеварликка ва ўз иши натижаси учун жавоб беришга ўргатинг.

7. Фарзандингизнинг кимлигини билишни истайсизми?

Ҳа!

Унда унинг ўқитувчилари, психологлар билан дўст бўлинг. Болангизнинг дўстлари ким, кимларга қўшилиб юради, кўчада, маҳаллада, бўш вақтида нималар қилаётганидан хабардор бўлиб боринг.


Бахтли хонадонда файз-тароват бор.

Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ОЗОДА ХОНАДОН – САРИШТА БЕКА

Оила бекаларига бундай мавзу ҳеч қандай янгилик айтмаслиги мумкин. Аммо хонадонлари ва ундаги ҳолатга бироз танқидий кўз билан қарашга ундаса нур устига аъло нур бўлар эди. Бекалар табиатан гўзалликни хуш кўрадилар. Гўзалликнинг асосида эса озодалик ва батартиблик ётади. Бугун ана шу озодалик ҳақида яна бир бор сўз юритмоқчимиз.

Хоналарда мебель ва жиҳозларнинг кўп бўлиши шинамликни йўқотиши билан бирга чангнинг ҳам кўпайишига сабаб бўлади. Тозаликни сақлаш учун ҳар куни чангларни, полни нам латта билан артиб туриш керак. Албатта зукко бекаларга нам билан ҳўлнинг фарқини айтиб ўтириш ортиқчалик қилади.

Дераза ойналарининг тозалиги ҳам диққат-эътиборингизда эканлигига шубҳа йўқ. Уй хоналарини шамоллатиб туриш ҳам кайфиятнинг яхшиланишига хизмат қилишини эҳтимол ҳамма ҳам билавермаса керак.

Ошхона, ҳаммом, ҳожатхоналарнинг ҳавоси мунтазам тозаланиб туриши учун у ерларга ҳаво сўрувчи махсус қурилмалар ўрнатилса саришта бекаларнинг кўнглидаги иш бўлади. Совитиш учун деразага ўрнатилган кондиционерлар хонадоннинг қулай ва керакли буюми бўлиши билан бирга ҳавони чанг ва захдан холи этади.

Агар уйингизни зах босишини истамасангиз уни яхши иситилишига, ўз вақтида шамоллатиб турилишига, ичкарида кўп кир ювмасликка (бунинг учун ваннахона ёки ҳаммом ҳар бир хонадонда мавжуд) алоҳида эътибор беринг. Зах ва нам девор, мебелларга зарар етказиши билан бирга совуққа чидамсизликни, шамоллаш ва зотилжам каби кўплаб касалликларни келтириб чиқаришини унутманг.

Умумий фойдаланиш жойларининг озодалиги ва батартиблиги ҳам беканинг саришталиги ва оиласи учун ғамхўрлигининг бир нишонасидир. Ошхонанинг ҳолатига қараб беканинг нечоғли саришта ва батартиблигини билиш мумкин. Бу ернинг озодалиги суварак ва турли ҳашарот ва кемирувчилар кўпайиб кетишининг олдини олади.

Тозалаш ва артишда хўжалик моллари дўконларида сотиладиган махсус ювиш воситаларидан фойдаланиш кутилган ижобий натижани беради.

Юқоридагиларни ўқиб, биладиган нарсаларимиз экан-ку, дея ажабланишингиз мумкин. Шундай бўлсада озодалик ҳақида такрор бўлса-да айтгимиз келди. Озодалик ҳақида билиш яхши, амал қилиш эса ундан ҳам яхши.

Инобат Нодиршоҳова тайёрлади.

Шифобахш неъматлар

АНОРНИНГ ХОСИЯТИ

Анор меваси таркибида иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи лимон ва олма кислоталари, фруктоза, глюкоза, В1, В2, С дармондорилари кўп.

Абу Али ибн Сино анор пўсти қайнатмасини қон туфлаш, милклар қонаши каби ҳолатлар ҳамда меъданинг бошқа турли касалликларини даволовчи, шунингдек, гижжа туширувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Халқ табобатида анор новдаси пўстлоғи билан мева пўстининг қайнатмаси, гулининг дамламаси, мева шарбати ичкетар, сариқ касаллиги, йўтал ва қўтирни даволашда ишлатилган. Нордон анор безгак хуружини бартараф этувчи, меъда тузатувчи малҳам ҳисобланган. Анор шарбати зангила (лавша, цинга) хасталигининг олдини олиш ва даволашда яхши фойда беради.

Керакли маслаҳатлар:

1. Анор пўстида қайнатма тайёрлаш учун оғзи зич ёпилувчи сирланган ёки юқори ҳароратга чидамли идишга бир стакан (200 гр) сув қуйиб, устидан қуритиб майдаланган пўстлоқ аралаштириб қайнатилади. Малҳам 200 гр.дан камайиб кетмаслиги учун унга қайнаб турган сувдан яна бир оз қўшиш мумкин. Сўнгра икки соат давомида тиндириб қўйилади. Докада сузиб олинган қайнатмадан кунига уч маҳал, овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб турилади. Ундан оғиз бўшлиғини чайишда ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Ширин анор илдизининг пўстидан шарбат тайёрлаш учун 20 мисқол илдизни тўрт коса сувга солиб, бир коса қолгунига қадар қайнатилади ва сузиб олинади. Олдин ярим мисқол қанд истеъмол қилиниб, устидан шу қайнатма ичилади. Бир неча соат ҳеч нарса емаслик керак. Шу йўл билан қовуқ уруғисимон гижжаларни тушириш мумкин.

3. Анор, олма, беҳи, лимон, отқулоқ, ошқовоқ, нилуфар ва кашничдан тенг миқдорда аралаштиргач, қайнатилиб, ҳосил бўлган қуюқ шарбатга асал қўшиб истеъмол қилинса, сафро қусиш, кўнгил айниши ва мадорсизликка даво бўлади.

4. Анорнинг уруғини янчиб, асалга аралаштириб, суртилса, тиш, бурун ва оғиз бўшлиғи хасталикларида яхши фойда беради.

Эслатмалар:

Сурункали қабзият ва бавосил хасталигида анор истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Анорни кўп истеъмол қилиш меъдани заифлаштиради.

Шамоллашда кўкрак ва томоқни юмшатиш учун нордон анор ейиш мумкин эмас.

М.МИРКАМОЛОВА тайёрлади.



24 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
8.55 «Минг бир ривоят».
9.00 «Қуёши ботмайдиган юрт». «Болалар сайёраси»:
9.35 «Покахонтас». Мультсериал.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Одами эрсанг».
11.35 «Нон қадри».
11.55 ТВ анонс.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бог». А. Навоий номидаги Наманган мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.20 «Ҳаёт манзаралари».
15.30 «Бог». Спектакль. 2-қисм.
16.20 «Обод манзиллар». «Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Оҳанглар оғушида».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Олтин мерос».
18.55 «Бир кун».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея)
23.10 «Довюрак самурай». Телесериал премьераси (Япония)
24.00-00.05 Тунги наволар.
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Судув заминим Зомин».
00.20 «Чемпион сирлари».
00.40 «Бир ўлка-ки»
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Улуғбек буржи». Рақс-спектакль.
03.20 «Нон қадри».
03.40 «Обод манзиллар».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.

ЁШЛАР

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 «Нафосат олами». Мусаввир Владимир Ким ижодидан.
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу қунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «UzEX хабарлари».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
21.45 «ТВ-банк».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Фурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино: «Гордость и предубеждение».
1-қисм

СПОРТ

Профилактика 18.00 гача.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Сатисфакция». Сериал.
20.45 «Спортимиз малика-лари».
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал. Заключительная-серия.
22.45 ПрофРИНГ.
23.35 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира. Мужчины.
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

25 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Покахонтас». Мультсериал.
10.25 «Бир ўлка-ки»
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Бу мениng Ватаним!» Тошкент вилояти.
15.40 «Шарқ тароналари».
15.55 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Буни умр дерлар».
16.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 Эски альбом.
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.55 «Икки дарё оралиғида». 1-қисм.
19.15 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Довюрак самурай».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».
00.40 «Бир ўлка-ки»
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Мисли гавҳар».
02.40 «Истеъдод».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.40 «Икки дарё оралиғида». 1-қисм.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий».
9.50 «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «ТВ-банк».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.15 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
17.00 «Истиқбол тимсоллари».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу қунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Ватаним!»
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
20.35 «Телетуҳфа».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Фурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.35 «Аёл қалби».
10.20 «Ўйларим».
10.40 «ТВ-юрист» (рус.).
10.50 «Мисс Марпл».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж».
22.10 «Гуллар жозибаси».
22.50 Кино: «Гордость и предубеждение». 2-қисм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус.).
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00, 21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 «Мониторинг».
10.40 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины.
11.20 Автоспорт. Гран-при.
18.00 «Болалар спорти».
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Кўп яшанг».
20.00 «Сатисфакция». Сериал.
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира. Мужчины.
21.50 «Большая прогулка». Сериал.
23.15 Еврофутбол.

26 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». «Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Покахонтас». Мультсериал.
10.10 «Бир ўлка-ки»
10.30 «Замонавий ўзбек мусиқаси».
10.50 «Ифтихор».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она ер яшашни истайди».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси». .
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Бу мениng Ватаним!» Фарғона вилояти.
15.40 «Дунё манзаралари».
16.00 «Ақл ва идрок».
16.20 «Яхшилар ёди».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.45 «Олтин мерос».
18.50 «Икки дарё оралиғида». 2-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Довюрак самурай».
00.15 «Чустга хуш келибсиз».
00.45 «Шарқ тароналари».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Орзулар ортида». Бадиий фильм.
03.40 «Икки дарё оралиғида». 2-қисм.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий».
9.50 «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «KINOMANIYA».
11.10 «Чемпион сирлари».
11.30 «Journal» (инглиз тилида)
11.50 «Таълим ва тараққиёт».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу қунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Ватаним!»
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.50 «Фурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Ҳимоя».
9.45 «Биласизми?»
10.15 «Ўйларим».
10.20 «Биласизми?»
10.40«Мисс Марпл».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Хожа Аҳрор Валий».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.50 Кино:«Игры разума».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00, 21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Енгил атлетика. Гран-при. Финал.
11.10 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
16.30 Футбол. «Пахтакор» – «Нефтчи».
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Иқтидор».
19.45 «Гейм-Сет-Матч».
20.00 «Сатисфакция».
20.45 «Новая экономика».
21.10 «Баркамол авлод».
21.50 «Большая прогулка». Сериал.
23.15 Еврофутбол.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». «Болалар сайёраси»:
9.25 «Покахонтас». Мультсериал.
9.50 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.05 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одамлардан бири».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Бу мениng Ватаним!» Хоразм вилояти.
15.30 «Ҳаёт манзаралари».
15.40 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Болалар дунёси».
2.«Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Шифокор қабулида».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.45 «Олтин мерос».
18.50 «Икки дарё оралиғида». 3-қисм.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Бекат».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Довюрак самурай».
00.15 «Қулоп меҳри».
00.40 «Спорт – менинг ҳаётим».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Сеҳрли қўллар».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
03.15 «Рангин дунё».
03.35 «Икки дарё оралиғида».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий».
9.50 «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «ВАТАНПАРВАР».
11.40 «Автопатруль».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Истиқбол тимсоллари».
13.10 «Телетуҳфа».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами»..
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу қунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Ватаним!»
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Эълонлар».
22.50 «Фурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.35 «Муқаддас қадамжолар».
10.15 «Ўйларим».
10.45 «Мисс Марпл».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00, «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.45 «Ўйларим».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Игры разума».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00, 21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины.
11.00 Тяжелая атлетика.
11.30 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
18.00 Болалар спорти.
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.15 «Эфирда «Машъал».
19.35 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Старые дела».
20.45 «Халқ ўйинлари».
21.00 Эркин ва юнон-рум кураши. Жаҳон чемпионати.
21.50 «Большая прогулка».
23.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Машъал» – «Курувчи».

28 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт».
9.25 «Болалар сайёраси»
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хаёл».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 ТВ анонс.
15.10 «Бу мениng Ватаним!» Қашқадарё вилояти.
15.40 «Шарқ тароналари».
15.55 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
16.15 «Қорақалпоқнома».
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Эртаклар –яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
17.20 «Турмуш чорраҳаларида».
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Олтин мерос».
18.45 «Икки дарё оралиғида». 4-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.10 «Довюрак самурай».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Замонавий ўзбек миниатюраси».
00.35 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.30 «Янги кун».
02.20 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
03.35 «Икки дарё оралиғида». 4-қисм.
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий».
9.50 «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Муруввят».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.10 «Телетуҳфа».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Эрта сўнган юлдузлар».
17.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
17.30 «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
17.45 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Телетуҳфа».
18.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу қунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Ватаним!»
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Парламент вақти».
22.50 «Фурур». Телесериал.
23.45 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
10.05 «Ўйларим».
10.15 «Интервью» (рус.).
10.25 «Иқтисод - ревю» (рус.).
10.45 «Мисс Марпл».
18.30 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Памятная прогулка». (Премьера).

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00, 21.30 «Хабарлар» (узб тилида).
10.20 Футбол. Германия чемпионати шарҳи.
11.05 Кураш. Республика турнири.
11.35 «Спорт салтанати».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Старые дела». Сериал.
20 45 «Олимп сари йўл».
21.00 Эркин ва юнон-рум кураши. Жаҳон чемпионати.
21.50 «Большая прогулка».
23.15 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира. Мужчины.

29 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.55 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.45 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
10.20 1.«Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Ватанимни куйлайман».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Назм ва наво».
«Болалар сайёраси»:
15.15 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.25 ТВ анонс.
16.30 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Умр мазмуни».
16.50 «Саломатлик сирлари».
17.10 «Оҳанглар оғушида».
17.20 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Меҳр кўзда».
19.20 «Суғурта оламида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.55 «КИНОТАҚДИМ».
22.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.30 ТВ анонс.
22.35 «Қочоқлар». Бадиий фильм.
00.05-00.15 Тунги наволар. «Uzbekistan».
00.15 Кўрсатувлар дастури.
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».
00.30 «Назм ва наво».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.40 «Янги кун».
02.55 «Таранnум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.40 «Болалар табассуми».
8.45 «Имом Бухорий».
9.35 «Мулки мумтоз».
9.50 «Устозим!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 Мультфильм.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Тафаккур нури».
13.50 «Кўргилик».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Айланай»
17.20 «Чемпион сирлари».
17.40 «Парламент вақти».
18.00 «Камолот» хабарлари.
18.10 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.20 «Мулки мумтоз».
18.35 «Сифат белгиси».
18.45 «Каталог».
18.55 «Телетуҳфа».
19.30 «Дунё таомлари».
19.55 «Устозим!»
20.00 «Дилроз».
20.30 «Оқшом қўнғироқлари».
20.35 «Телетуҳфа».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Менинг мактабим».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.50 Жаҳон киноси: «Сеҳрли диёр».
00.30 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!» .
8.35 «Эгизаклар».
9.35 «Маърифат фидойилари».
10.20 «Ўйларим».
10.30 «Репортаж» (рус.).
10.50 «ТВ юрист» (рус.).
11.00 «Мисс Марпл».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.15 «Мысли вслух» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «На колесах»

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50, 18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом она».
10.25 Кураш. Республика турнири.
10.55 Волейбол.
11.35 «Жаҳон спорти юлдузлари».
11.55 «Спорт – менинг ҳаётим».
12.10 Дневной сеанс: «Назад в будущее-3».
16.30 Футбол. «Локомотив» – «Трактор».
19.10 «Файзли ошхона».
19.30 «Фото-ревю».
19.50 «Юлдузли матч».
20.10 «Спортколлекция».
20.30, 21.50 «Ледниковый период».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
23.15 Еврофутбол.

30 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.25 «Саломатлик сирлари».
9.45 «Азизим».
10.15 «Заковат».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ҳаёт манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «КиноТеатр».
13.25 «Кичик устоз». Бадиий фильм.
15.15 ТВ анонс.
15.20 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
15.35 «Музиклар даври». Мультфильм.
16.55 ТВ анонс.
17.00 «Устоз». Видеофильм.
17.20 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.10 «Минг бир ривоят».
18.15 «Рамазон туҳфаси».
18.40 «Олтин мерос».
18.50 ТВ анонс.
18.55 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. «Одами эрсанг»
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 ТВ анонс.
20.10 «Оҳанрабо».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.20 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Тонгги наволар. «Uzbekistan».
00.55 Кўрсатувлар дастури.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус)
01.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сулола давомчилари».
02.00 «Оҳанрабо».
02.40 «Заковат».
03.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ анонс.
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40-05.55 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Ы» операцияси ёки Шурикнинг янги саргузаштлари». Кинокомедия.
8.30 «Рўзғор мактаби».
9.00 «Мўйқалам сеҳри». Леким Иброҳимов ижодига бағишланади.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглиз тилида)
11.20 «Акс». Ток-шоу.
12.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
12.05 «Телетуҳфа».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
13.00 Ҳинд киноси: «Девона қалб». 1-қисм.
14.15 «Телетуҳфа».
14.20 Ҳинд киноси: «Девона қалб». 2-қисм.
16.00 «Чемпион сирлари».
16.20 «Ринг қироллари».
17.00 «Йўлбарсвойнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.10 «Телетуҳфа».
18.15 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
18.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
19.35 «Телетуҳфа».
19.40 «ТАРАННУМ». Дам олиш дастури.
20.20 «Тақдир». Ток-шоу.
21.10 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 Жаҳон киноси: «Бахт изидан».
23.40 «ТУНГИ ПАРВОЗ».
00.10 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.30 Мультфильм.
10.10 «Истеъдод».
10.30 Кино: «Бензоколонка маликаси».
12.35 «Нима учун?»
13.20 Мультфильм.
14.45 Слово об учителе.
14.55 Кино: «На колесах».
16.40 «Жозиба».
17.05 «Саргузаштлар ороли».
17.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
18.05 Кино: «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Ҳиндистон. 1-2-сериялар.
20.10 «Телекурьер - маркет».
21.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.35 Кино-SMS со звездами: «Фан-фан тюльпан», «Скалолаз», «Легенда Зорро».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.10 Воскресный «Ералаш».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Файзли ошхона».
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.40 «Аптека слушает».
13.25 Футбол. «Нефтчи» – «Қизилқум».
14.10 ПрофРИН

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

«БАХТИМ ШУЛ: ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН...»



Оқшом соат тўққизлар чамаси эди. Ўртоғим – шоира Муҳтарама Улуғова қўнғироқ қилди:

– Табриклайман, рамазон биз учун жуда файзли бошланди...

Муҳтарама унча-мунча нарсага бунақа қаттиқ суюнавермайди.

– Нима гап? Худойим доим суюнтирсин.

– Тошкентда Зулфия опага ҳайкал ўрнатиладиган бўлибди. Ҳозир «Ахборот» да эълон қилишди, Президентимиз Қарорга имзо чекибди.

Энди ўртоғимнинг ҳаяжони менга ўтади...Тасаввур қиламан: гўзал бир хиёбон ...(Зулфия опам гул-гулзорли жойларни жуда яхши кўрардилар) қоматлари адл, бўйинларида нафис шарф, шамолда ҳилпирайди, бир даста гул қучоқлаб турибдилар...нега қалам эмас, нега гулдаста-билмайман, ҳар ҳолда ҳайкални шундай тасаввур қилдим, кўзларимга ёш келди, Зулфия опамни қаттиқ соғинганимни ҳис этдим.

Бундан ўн-ўн беш кунча олдин туш кўргандим. Чимкент кўчасидаги уйларига борганмишман, лифтга чиқибман. (Лифт йўқ аслида ўша уйда) учинчи қаватни босармишман, лифт тўхтамас эмиш, қайтишда ҳам шу аҳвол. Ҳайрон бўлиб турсам, баланддан овози келармиш:

– Мен тепадаман, аста-аста эҳтиёт бўлиб чиқ. Айланма зиналардан кўтарилаяпман, баландда Зулфия опам турибдилар, қўлларида гулдаста, ним пушти шарф...

Холида Аҳроровнинг юбилей куни Ҳулкар опамга эди айта бошлагандим, кимдир келиб, суҳбат бўлинди... Демак, тушим бежиз эмас экан-да...

Мана, Президентимиз Қарори эълон қилингандан сўнг, худди Тошкентга ҳайкал эмас, Зулфия опамнинг ўзлари келаётгандай бир кайфиятдамиз.

Ҳар йил 8 март арафасида Зулфияхоним қизлари сафи кенгайганда, юртимизнинг истеъдодли қизларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилганда шундай бир кайфиятни қалбдан кечирардик. Бу кайфият ўткинчи эмас. Биз Зулфияхонимни шунчаки номига ёдлаб қўя қолмаймиз. Уларнинг қўлёзмаларимизни меҳр билан ўқиганларини, «қалам теккизсам, майлими?» дея сўраганларини, бирор туркумимиз ё китобимиз чоп этилганда чин дилдан қувониб табриклаганларини эслаймиз. Оила қурганимизда онадай ташвиш тортганлари, фарзандлар кўрганимизда онадай йўқлаганларини ёдлаймиз. Ҳар бир даврага кирганимизда, сўз айтганимизда «Зулфия опам нима дер экан?» деган қалбимиздан кечадиган ҳаяжонларни ёдлаймиз. Биз Зулфия опамдан ҳайиқардик, айни дамда жуда яхши кўрардик. Ҳар хотирлаганимизда ўша кечинмаларда қайта яшаймиз. Зулфия аталган дарёда поклангандай (Муҳтараманинг таъбири), Зулфия аталган дунёда қайта уйғонгандай бўламиз.

Зулфияхоним дунё минбарларида ўзбек аёли номидан сўз айтди, унинг гўзал суврати, сийратини жуда катта давлатлар фуқаролари нигоҳига чизди. Ўзимизда Зулфияхонимни «опа » дея қанча эъзозлашсалар, хорижда, дунёнинг энг забардаст шоирлари, ёзувчилари даврасида ҳам шундай эъзозладилар. Ойдин опам бир хотираларида ёзган эдилар, машҳур ёзувчилардан бири:

– Кўкда қуёш, ерда Зулфия нур сочмоқда, – деган экан бир анжуманда.

Бу шуҳрат, бу иззатларнинг ҳаммасининг илдизи – ўша бизга қилган меҳр-мурувватларида. Зулфия опам истеъдодларнинг юзага чиқишини ростдан истардилар, чиндан шу юрт, халқни яхши кўрар, қадрлардилар. Танбеҳлари, койишларида ҳам меҳр бор эди.

Шунинг учун одамлар Зулфияхонимга дардлари, бахтларини ишонардилар. Унга суянар эдилар. Хат ёзардилар, эшигига ташвишларини айтиб келардилар.

Устоз эса уларга имконида бор ёрдамни берарди. Айнан ана шу одамлар меҳри, ишончи Зулфияхонимга шуҳрат тожини кийдирди. Зулфияхонимнинг унвонлари кўп. Истиқлол даврида ҳам Президентимиз Фармонлари билан сийловлари кўпайган. Аммо Зулфия опамнинг энг катта мукофоти бу – одамлар меҳри. Бу мукофотга эришиш қийин, эришганлар эса фидойи, бағрикенг, саховатли, жонкуяр, адолатли инсонлардир...

Зулфия опам табиатни ниҳоятда севардилар, миттигина гунафшадан тортиб, кузда гулханга ўхшаб кўринган дарахтларгача... Баҳордан тортиб («Баҳор бўлмаса, одамзод ўзи баҳор яратади», деб ёзгандилар) укпар қорли қишгача ...мана, энди муҳтарам Юртбошимиз ҳимматлари билан доим табиат бағрида турадиган бўлибди, жаннатмакон устозимиз ... Баҳор гуллари, ёз офтоблари ичида...

Азиз устозимизнинг кўзимиздан, қалбимиздан кетмаган, кетмайдиган сиймосига яна бир умр бахшида этганлари учун шогирдлик эҳтироми билан юртимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирамиз.

Тошкентда Зулфияхоним ҳайкалининг ўрнатилиши шоир ўзи севган, ўзи бутун куч-қувватини бахш этган элдан ҳеч қачон кетмайди, дегани. Турли кўринишларда қайтиб келаверади, дегани.

Зулфия опа, азиз тупроғингизга хуш келибсиз, ташрифингиз кўзимиз, жонимиз устига!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА, шоира.

Фахр

ДУНЁГА ТАНИТГАЙ САНЪАТИМИЗНИ

Санъатни кўнгил мулки, дея бежиз айтишмайди. У чегара билмайди, миллат танламайди. Халқларни бирлаштиради. Инсонларни эзгуликка, ўзаро меҳр-оқибатга чорлайди. Ҳақиқий ижод намунаси эса ошуфта қалб тўридан сўзсиз жой олади, ихлосманднинг маънавий мулкига айланади.



Мудофаа вазирлигининг Алоҳида намунали ва кўргазмали ҳарбий оркестри шахсий таркиби ҳам ўз санъат асарлари билан неча-неча мусиқасеварларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган ижодий жамоалар жумласидан. Айни кунларда оркестр Германия шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ҳарбий оркестрлар фестивали»га тараддуд кўрмоқда. Ҳозирлик ишларига Мудофаа вазирлиги оркестрлик хизмати бошлиғи, бош ҳарбий дирижёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби полковник Павел Макаров раҳбарлик қилмоқда.

– Тайёргарликка оид тадбирларни фестивалга таклифнома олган кунимиздан бошлаб юборганмиз, – дейди полковник П. Макаров. – Ушбу нуфузли санъат байрамида ҳарбий оркестримизнинг иштироки бизни беҳад қувонтиради. Ахир кўплаб ривожланган мамлакатларнинг моҳир санъат усталари қатнашадиган фестивалда шахсий таркибимизнинг миллий санъат асарларимизни нечоғли намойиш этиши биз учун ҳам шараф, ҳам масъулиятлидир. Шу боис ҳар бир ижрочи махсус машқлардан сўнг ҳам мустақил равишда тайёргарлик кўрмоқда, ўз устида ишламоқда.

Ҳарбий оркестр аввал ҳам хорижий давлатларга қилган ижодий сафарлари чоғида қатор ютуқларни қўлга киритган. Аҳил жамоа аъзолари бу гал ҳам ўз репертуарларини муносиб намойиш этиш орқали фестивал иштирокчиларига ажойиб санъат асарларини алоҳида фахр билан кўрсатишга аҳд қилишди.

Оркестр таркибида карнай, сурнай, доира сингари миллий мусиқа асбобларининг борлиги эътиборлидир. Аслида айнан мазкур асбоблар ёрдамида куй-наволарни янгича услубларда, ўзгача жозиба билан ижро этиш орқали хорижлик томошабинга Ўзбекистонимиз миллий руҳини намоён этиш назарда тутилган. Жумладан, «Ўзбекистоним», «Ватанпарвар» каби маршларнинг ижроси тингловчи дил торларини сўзсиз черта билса, «Андижон полкаси»нинг оркестр жўрлигидаги садоси ҳар қандай миллат вакили қалбига ором бағишлашига шубҳа йўқ.

«Дефилей» ва «плац концерт» туридаги чиқишларга Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали ва кўргазмали ҳарбий оркестри бошлиғи капитан Қосимжон Отамирзаев қўл остидаги йигитлар пухта тайёргарлик кўришмоқда. Бунда, шартнома бўйича хизмат сержанти Баҳодир Файзиев (трамбон), шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдуқаюм Муҳаммедов (саксафон), шартнома бўйича хизмат оддий аскари Инар Асфандияров (труба) каби ижрочиларнинг сайй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Дарвоқе, оркестрчиларнинг чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг балет гуруҳи раққосалари ҳам қатнашадилар. Ишончимиз комилки, ватандошларимиз Германиянинг Берлин ва Кёльн шаҳарларида бўлиб ўтадиган навбатдаги фестивалда ҳам ёруғ юз билан қатнашиб, бебаҳо санъатимиз довруғини бутун дунёга таратадилар.

Майор Жавоҳир МАҲКАМОВ.

ЎЗ СОЗИ, ХОНИШИ БОР АНСАМБЛНИНГ

Халқимизнинг ҳар бир байрамлари кўтаринки руҳда ўтишида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг алоҳида ўрни бор. Ижодини янги-янги композициялар билан бойитиб бораётган ансамбль жамоаси ҳар бир концерт дастури учун алоҳида тайёргарлик кўради. Гоҳида тинимсиз концерт дастурларини намойиш қилишга тўғри келганда ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор майор Шуҳрат Дадажонов бадиий раҳбарлик қилаётган ансамбль ижодкорлари дастурга янгилик киритиш учун бир он бўлса-да изланишдан тўхташмайди.

– Ҳар йили мустақиллик байрами бизнинг ансамбль учун синовдай бир гап, – дейди биз билан суҳбатда ансамбль бошлиғи ва бадиий раҳбари. – Асосий байрам – мустақиллик тантаналарида чиқиш қилишдан ташқари, яна кўплаб жойларда концерт дастуримизни намойиш қилишга тўғри келади. Шу боисдан уч ой олдиндан байрам режасини тузиб олиб, унга тайёргарлик кўра бошлаймиз. Бундай пайтда эса эски дастурни намойиш қилиш ярамайди. Бу йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйида ҳам иштирок этишимиз лозим эди. Ўз ўрнида бу дастурлар ансамблдан ниҳоятда катта масъулият талаб қиларди.

Дарвоқе, мустақиллик байрами тантаналаридаги ҳарбий блок ҳар йили ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу йилги чиқишларига Анатолий Голешапов режиссёрлик қилган бўлса-да, бадиий раҳбарликнинг асосий масъулияти майор Дадажонов зиммасида бўлди. Мазкур шодиёнада «Ўзбекистон ҳарбийлари» қўшиғининг куйланиши эса дастурнинг сифатини янада оширди. Кўплаб қўшиқлар ичидан айнан ушбу ижод намунасининг танланиши ҳам буни исботлаб турибди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи ҳамда Шарқ тароналари мусиқа фестивалдаги ҳарбий блокнинг чиқишини эса майор Дадажонов саҳналаштирди. Мазкур тантанада ансамбль хонандасидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист подполковник Марат Ҳакимов томонидан куйланган «Муқаддас туйғу» қўшиғи ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Бундан ташқари, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли жамоаси Мустақиллик байрами арафасида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Қуролли Кучлар музейи, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда гарнизон бўйлаб кўплаб ҳарбий шаҳарчаларда ўз дастурларини намойиш қилишди. Ансамбль ижодкорлари томонидан яратилган ватанпарварлик мавзуидаги «Жоним элим» (Бобур Бобомурод шеъри), «Арзанда қиз» (Дониёр Мирзо шеъри), «Ёқасиз» (Дониёр Мирзо шеъри), «Аскар мактуби» (Бобур Бобомурод шеъри) сингари кўплаб янги композициялар мухлисларга тақдим этилди. Хонанда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шерзод Имомбердиев ўзининг бетакрор хонишлари билан мухлислар қалбини ром этган бўлса, раққосалар шартнома бўйича хизмат сержанти Камола Атаева ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиси Нафиса Раҳматова гўзал рақслари билан ҳар бир томошабин қалбига олам-олам қувонч бахш этган бўлса ажабмас.

Ўз меҳнати ва изланишлари орқасидан кўплаб мухлислар эътирофига сазовор бўлиб келаётган ансамбль ижодкорлари гарнизонлар бўйлаб гастроль сафарларини уюштиришни мўлжаллашмоқда. Қолаверса, октябрь ойида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ва Мудофаа вазирлигининг алоҳида ҳарбий намунали ва кўргазмали оркестри жамоалари Германиядаги мусиқа фестивалида иштирок этиши ҳам мўлжалланган.

Ижод оламига шўнғиган ансамбль жамоасининг кейинги фаолиятида ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Киноижодкорлар – ҳарбийлар ҳузурида

ФИЛЬМ ИЛИҚ ҚАРШИЛАНДИ

Ўзбек киноси оламида ватанпарварлик, хусусан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини яхши биламиз. Табиийки, бунинг замирида санъатнинг бу оммабоп тури орқали кишиларимиз онгига миллий истиқлол ғояларини янада чуқурроқ сингдириш, Ватанга садоқат, фахр-ифтихор, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришдек устувор мақсад бор. Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилаётган янги фильм – «18-квадрат» хусусида ҳам бемалол шундайин фикрларни айтиш мумкин. Аниқроғи ҳарбийларимизнинг жанговар ҳаётини, мардлик, матонатда ҳеч кимдан қолишмаслигини ўзига хос тарзда кўрсатиб берувчи мазкур кинокартина бугун мухлислар томонидан илиқ қаршиланмоқда.

Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйига муносиб совға бўлган мазкур киноасар «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган бўлиб, унга таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст, режиссёр Жаҳонгир Қосимов муаллифлик қилган.

Табиийки, киноасарнинг яратилиши, суратга олинишдаги ўзига хосликлар, актёрларнинг хатти-ҳаракати кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Хусусан, она-юрт ҳимоячиларини. Буни яқинда Мудофаа вазирлигида фильм ижодкорлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам яққол ҳис қилдик. Таъкидлаш лозимки, учрашув саволжавобларга бой, ғоят қизиқарли руҳда кечди.

Учрашув давомида фильм намойиши ҳам бўлиб ўтди.

– Юртимиз ҳимоячиларининг мардлигини, матонатини, посбоннинг ҳар қандай шароитда ҳам Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга шай эканлигини акс эттирувчи фильмдан бир олам таассурот олдим. Фильмни томоша қилган юртдошларимизда, айниқса ёшларда ватанпарварлик туйғулари янада жўш уради. Айниқса, Тоҳир Саидов, Саид Мухторовларнинг ижроси менга жудаям маъқул бўлди. Кино санъатимиз намояндалари ҳарбийларимиз – Ватан посбонлари ҳаётини, уларнинг машаққатли, масъулиятли хизматларини акс эттирувчи яна янги-янги асарлар яратишса, мақсадга мувофиқ бўларди, –дейди офицер Мақсуд Абилов.

Ўз мухбиримиз.



Мушоҳада

БОРЛИҚ, ОНГ, ҲАЁТ

Ҳозир ҳамма нарса ҳаёт билан бақамти равишда ўзгариб бораяпти. Зеро ўзгариш ва ривожланиш — биз яшаётган дунёнинг энг асосий қонунияти. Бундай эврилишлардан фанлар ҳам мустасно эмас.

Масалан, бир вақтлар дастлаб фалсафа фан сифатида шаклланган ва бошқа ҳамма фанлар аста-секинлик билан ундан ажралиб, мустақил фанларга айланишган. Ҳозир фан тармоқлари шунчалик кўпайиб ва майдалашиб кетдики, уларнинг номларини эслаб қолиш ва фарқлаш ҳам амримаҳол бўлиб қолди. Ҳатто баъзан шундай бўладики, бир фан намоёндаси шу фанга тегишли бўлган биттагина илмий йўналишни зўрға ўзлаштира олади. Натижада муайян бир нарса ва ҳодисаларни ҳар томонлама ўрганишда турлитуман қийинчиликлар юзага келмоқда. Борлиқдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодиса бир бутунликни ташкил этади, яъни уни бошқа нарса ва ҳодисалардан алоҳида ҳолда ўрганиб бўлмайди. Зеро борлиқ бир бутундир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, борлиқ тушунчаси реаллик ва материя тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ маънони англатади: борлиқ бизни ўраб турган оламнинг ҳозирги ҳолатинигина эмас, унинг ўтмиши ва келажагини ҳам ўзида ифода этади.

Сирасини айтганда, бундай ёндашув бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ – у фаннинг ўзи каби анча узоқ тарихга эга. Масалан, қадимги давр мутаффакирлари бўлган Аристотел ва Пифагорлардан тортиб, ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб цивилизацияларига асос солган алломалар – Хоразмий, Фаробий, Беруний, до Винчи ва Галилейларгача бўлган олимларнинг ҳаммаси моҳият эътибори билан қомусий алломалар бўлишган – замонасининг ҳамма билимларини ўзларида мужассамлаштиришган. Улар ёзиб қолдирган асарлар бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Фақат кейинги юз йилликлардагина фан соҳасида ихтисослашув жараёнлари кучайди ва бугунги кунга келиб фанлар классификацияси – таснифи шу даражада мураккаблашдики, табиат ва жамиятдаги у ёки бу жараёнларни изоҳлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Альберт Эйнштейн ўзининг «Физика эволюцияси» китобида фанларнинг, айниқса табиатшунослик фанларининг ҳаддан ташқари тармоқланишига нисбатан эътироз билдирган, унинг фан ривожига тўсиқ бўлишини башорат қилганди. Бундай ёндашувни ўтган йигирманчи юз йилликнинг яна иккита улкан олимлари – энг сўнгги универсаллар Владимир Вернадский ва Анри Пуанкаре асарларида ҳам учратамиз. Ноосфера ҳақидаги таълимот асосчиси В.Вернадский инсон ва табиатни ўрганишда бир хил тамойилларга асосланиш кераклигини таъкидлайди. Ўзининг математика ва физика соҳасидаги кашфиётлари билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшган машҳур француз мутафаккири Анри Пуанкаренинг «Фан ҳақида» деган салмоқли монографик асари айнан мазкур муаммонинг фалсафий-илмий таҳлилига бағишланган бўлиб, унда муаллиф жуда кўп илғор фикрларни илгари суради. Масалан, онг – борлиқдаги энг мураккаб моддий тузилма бўлган инсон миясининг хусусияти сифатида ўз - ўзини ва шу орқали ўз соҳиби бўлган инсон фаолиятини бошқаришдек мўъжизавий қудратга эга. Онгнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, борлиқ – табиат ва жамиятни, инсондаги ўзликни чуқурроқ англаб боргани сари ўзи ҳам такомиллашиб, камол топиб боради. Демак, онг Яратувчининг ўзи каби ўз-ўзини бошқарувчи ва яратувчи субстанция ҳисобланади. Шу маънода у – энг улкан мўъжизалардан бири. Жилла қурса, мазкур жумбоқни англаб етиш зарурати ҳам фанларнинг ўзаро синтезлашувини тақозо қилади. Маълумки, борлиқдаги бундай муаммолар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қолаверса, тириклик, яъни ҳаётнинг ўзи ҳам бир мўъжиза эмасми?! Шунинг учун ҳам ҳозир фанларни ўзаро бирлаштиришга нисбатан кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Ўтган асрда юз берган илмий-техник инқилоб шароитида аниқ фанларга нисбатан эътибор кучайиб, ижтимоий фанларнинг роли бироз пасайгандек бўлган эди. Постиндустриал деб ном олган ҳозирги давр эса, бу иккала гуруҳ фанлар тенг ва ўзаро ҳамкорликда ривожланишлари мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ҳамма соҳаларда глобаллашув авж олаётган вақтда ижтимоий ва гуманитар фанлар ҳал қилувчи аҳамият касб этса, ажаб эмас. Машҳур олим Альберт Эйнштейн ўз вақтида давлатлар ўртасида авж олган қуролланиш пойгасининг ва айниқса, ядровий қуролларнинг инсоният ҳаётига соладиган таҳдидини назарда тутиб, шундай деган эди: «Энди одамзодни ҳеч нарса, ҳатто ернинг остига яшириниш ҳам ҳалокатдан қутқаролмайди. Уни энди ҳалокатдан фақат ахлоқгина қутқариши мумкин». Ҳозирги давр воқеалари бу буюк инсоннинг нақадар ҳақ бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир янги фан – универсал тарих ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. Тарих деганда ижтимоий воқеликни, яъни инсоният тарихини кўз олдимизга келтирамиз. Ҳақиқатан ҳам, биз биладиган тарих фани фақат ижтимоий ҳодисаларни – жамиятнинг «таржиман ҳоли»ни ўрганади. Ваҳоланки, одамзод энг аввало заминий ҳодиса, яъни Ер фарзанди! Шундай экан, уни она сайёрамизнинг шаклланиш тарихи билан қўшиб ўрганиш зарур. Ер эса ўз навбатида бошқа осмон жисмлари – қуёш тизими ва умуман коинот, бутун борлиқ билан, унинг тарихи ҳамда унда кечадиган турли хил кимёвий, физикавий, биологик ва астрономик жараёнлар билан изчил боғлиқликка эга. Демак, биргина инсоният тарихини тўлиқ ўрганиш учун бутун борлиқда кечган ва кечаётган ўзгаришларни билиш зарур экан. Бу нарса инсоннинг моҳиятини англашда ва башарият истиқболини башорат қилишда катта имконият эшигини очади.

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

2007 год – Год социальной защиты

БУДЬТЕ ЗДОРОВЫ, ВЕТЕРАНЫ!

Забота о ветеранах войны и труда является одним из приоритетных направлений проводимой в нашей стране социальной политики. Свой вклад в выполнение Государственной программы Года социальной защиты вносят как государственные, так и общественные, акционерные и частные предприятия и организации. В Наманганской области также особое внимание уделяется охране здоровья старшего поколения.

Группа ветеранов Второй мировой войны, проживающих в Намангане, посетила недавно медицинский центр «Сайдана», оснащенный современным медико-диагностическим оборудованием. Ветераны прошли здесь бесплатное медицинское обследование, диагностику и консультацию у опытных специалистов. В число оказанных услуг вошли различные лабораторные анализы, биохимическое обследование крови, ЭКГ, УЗИ, профилактическая рентгеноскопия грудной клетки, консультации терапевта, кардиолога, невропатолога и уролога.

– Скоро мне исполнится 88 лет, – говорит ветеран войны Саримсок-ата Низомов из махалли «Ишчи». – Я благодарен судьбе, что смог дожить до этих дней, несмотря на фронтовые ранения и последующие болезни. Специалисты «Сайданы» с помощью передовых медицинских технологий помогли не только определить состояние моего здоровья, поставили точный диагноз, но и подсказали наиболее оптимальный путь лечения. Результаты анализов и рентгеновского обследования очень помогут моим лечащим врачам. Мы, ветераны, от души благодарны областному Управлению по делам обороны, медицинскому центру, Фонду «Нуроний» за внимание и заботу о нашем здоровье.

В махалле «Оби хаёт» города Намангана живет восьмидесятичетырехлетний участник Второй мировой войны Михаил Надршин. Он 18-летним юношей ушел на защиту родной земли. Ушел и вернулся с победой. Сегодня его дети и внуки живут под мирным, солнечным небом. Перед медицинским обследованием Михаил Михайлович сказал врачам, что сегодня у всех ветеранов один общий диагноз – это старость. Но рентгеноскопия показала, что у многих участников войны не только старческие недуги: в мягких тканях все еще имеются металлические осколки – последствия боевых ранений.

– Чем дальше удаляются от нас залпы Второй мировой войны, тем дороже становятся для нас наши ветераны, – говорит врач-радиорентгенолог Мирхамид Мирхидоятов. – В наше созидательное время, когда в Узбекистане царит мир и спокойствие, наш священный долг – беречь участников и инвалидов войны, относиться к ним с большим уважением, заботиться об их здоровье и самочувствии.

Ильхом АЗИЗ.

ДОРИШУНОСЛАР ЙИҒИНИ



Мудофаа вазирлиги тизимидаги даволаш муассасалари дорихоналари бошлиқларининг икки кунлик таҳлилий режали ўқув йиғини ўз ишини якунлади. Мазкур йиғин асосий эътиборни таъминот масалаларига қаратди. Бу ҳақда йиғин раҳбари тиббий хизмат подполковниги Очилдин Рўзиев шундай дейди:

– Йиғинда кўпроқ эътибор таъминот масаласига қаратилди. Мудофаа вазирлигига қарашли даволаш муассасалари ва ҳарбий қисмларни керакли ва зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминлаш йилдан-йилга янада яхшиланиб бормоқда. Бу борада жойларда фаолият юритиб келаётган ҳарбий доришуносларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўқув йиғинида таъминотдан ташқари яна кўп олдимизда турган, ечилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқилди.

Бўлиб ўтган йиғин юзасидан иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Тиббий хизмат майори Талғат Маматқулов –Термиз ҳарбий госпитали дорихонаси бошлиғи:

– Бу йиғинни ўзига хос тажриба алмашув дейиш ҳам мумкин. Зарур дори-дармонлар таъминоти, уларни сақлаш ва фойдаланиш ҳам етарли даражада билимли бўлишни талаб этади. Мазкур йиғинда ўз ишининг сир-асрорларини яхши биладиган кўплаб маҳоратли доришунослар тўпланишди. Бундай ўқув жараёнида биз ҳар гал касбимизга доир бир янгилик билан ўртоқлашамиз.

Тиббий хизмат майори Воҳид Мансуров – Самарқанд ҳарбий госпитали дорихонаси бошлиғи:

– Ўқув жараёнининг кўргазмали тарзда ташкиллаштирилганлиги айни муддао бўлди. Бу машғулотларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилди. Касбимизнинг ўзига хос мураккаб қирралари ҳам мавжуд. Мутахассислар машғулотлар давомида ана шундай ҳолатларни атрофлича таҳлил қилиб, батафсил маълумотлар бердилар.

Тиббий хизмат майори Баҳром Абдураҳмонов – Мудофаа вазирлиги марказий тиббиёт омбори бошлиғи:

– Айни кунда дорихоналарни замонавий тиббиёт жиҳозларисиз тасаввур қилиш қийин. Йиғинда янги технологияларнинг кириб келиши, замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланиш, яроқсизларини истеъмолдан чиқариш борасида қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.

Машғулотларни тиббий хизмат офицерлари Очилдин Рўзиев, Ҳусниддин Юлдошевлар олиб бордилар. Сермазмун ўтган ўқув йиғинида келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тадбир ва режалар белгилаб олинди.

Ирода ИБРАГИМОВА.

АДИБ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Кишиларни эзгуликка даъват этиш ва маънавиятини юксалтиришда адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли намояндалар хотирасини эъзозлаш, ёшларни уларнинг асарларида тараннум этилган инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда атоқли адибнинг ҳаёти, фаолияти, адабий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. А.Қаҳҳор асарларининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, фидойилик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ўрни ғоят каттадир. Юртбошимиз фармонига биноан 2000 йилда Абдулла Қаҳҳор "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Адиб таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш арафасида юртимизда унинг серқирра ижодини чуқур ўрганиш, асарлари мазмунмоҳиятини ёшлар қалби ва онгига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Танланган асарлари, замондошларининг хотиралари чоп қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Театрларимизда Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилди. Маҳаллалар, таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳлари, меҳнат жамоаларида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, адабий анжуманлар ўтказилди.

Адибнинг уй-музейи тубдан таъмирланиб, экспозицияси янада бойитилди. Турли ҳужжатлар, нашрлар, фотосуратлар, овозли ва видеоёзувлар, тарихий ашёлардан иборат янгиланган экспозиция адиб ҳаёти, серқирра ижод йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Немис, инглиз, француз, болгар, румин, литва, эстон, хитой, корейс тилларида чоп этилган китоблари, дунё мамлакатларининг юздан зиёд саҳнасида қўйилган пьесалари ҳақидаги маълумотлар Абдулла Қаҳҳор асарларидан жаҳоннинг кўплаб халқлари баҳраманд бўлаётганидан далолатдир.

17 сентябрь – Абдулла Қаҳҳор таваллуд топган куни эрталаб адиблар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт мухлислари унинг хотирасига эҳтиром бажо келтириб, қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Абдуғафур Расулов, адиб уй-музейи директори Нодира Жалолова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимизни равнақ топтириш, унинг ривожи йўлида фидойилик кўрсатган ёзувчи ва шоирлар хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш, меросидан халқимиз, айниқса ёш авлодни баҳраманд этишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар. Абдулла Қаҳҳор каби адабиётимиз, она тилимиз фидойиларининг ўлмас асарлари ёшларда фаол ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, эл-юрт тақдири учун бурч ва масъулиятни астойдил ҳис этиш, эзгулик, ҳалоллик ва поклик руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Кечада санъат усталари ва ёш ижодкорларнинг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Халқаро эътироф

ЖАҲОНДА – ЕТАКЧИ ЎРИНДА

Яқинда пойтахтимизда 111 халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси ўтказилиб, унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан йирик тўқимачилик корхоналари вакиллари ва мутахассислар қатнашишди.

Яхши биламиз, ўзбек пахтасининг дунёда ўзига хос ўрни бор. Аниқроғи, толасининг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари бўйича пахтамиз жаҳонда етакчи ўринларда туради. Шунинг учун ҳам серқуёш заминимизда етиштирилаётган бу бойликнинг харидорлари кўп. 2005 йилдан эътиборан Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган пахта ярмаркаси эса ўзбек пахтасининг талабгорларига улкан имконият яратиб бермоқда. Негаки, бундайин нуфузли анжуман доирасида ҳамкорларимиз истиқлол сабаб шаклланиб бораётган пахтачилик саноатимиз билан танишишади, биржа савдоларида тўғридан-тўғри шартномалар имзолашади. Шу ўринда маълумот учун шуни айтиш лозимки, 2005 йилда мазкур ярмаркада дунёнинг 30 мамлакатидан 169 нафар вакил қатнашган бўлишса, ортда қолган йилда бу кўрсаткич анчайин ўсди. Аниқроғи, 36 мамлакатдан 250 дан зиёд мутахассислар иштирок этишди. Шунинг ўзи ҳам пахтамизнинг жаҳон бозорида харидоргир эканлигини кўрсатади.

Келинг, яхшиси матбуот хабарлари асосида яқинда бўлиб ўтган нуфузли анжуман иштирокчиларнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

– Компаниямиз бир неча йилдан бери Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш ҳамда соҳа юзасидан фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар. Анъанавий Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда пахта ва тўқимачилик конференциясининг халқаро аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳонда юқори сифати билан ажралиб турувчи ўзбек пахтасининг мавқеи жуда баланд. Шу боис у ғоят харидоргир, – дейди россиялик мутахассис Павел МАЙОРОВ.

Хитойлик иштирокчи Шенг ЖИАТАОнинг фикри эса қуйидагича:

– Ўзбекистон пахтачилик саноати соҳасидаги энг ишончли ҳамкорларимиздан. Ўзбек пахтасининг сифати аъло. Тошкентда ўтказилаётган анъанавий халқаро ярмарка нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришга, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

– Ярмаркада биринчи бор иштирок этяпмиз. Бангладешда ҳам пахта етиштирилади, пахтани қайта ишлаш заводларимиз ҳам бор. Шундай бўлса-да, ўзбек пахтасига талаб ниҳоятда юқори. Биз ўзининг юксак сифати ва пишиқлиги билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасини илгари ҳам харид қилар эдик. Аммо шу пайтгача уни воситачилар орқали, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Энди эса бу ишни бевосита ўзбек заминида, пахта ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан харид қилмоқдамиз,– дейди бангладешлик Гази Маҳбубул АЛАМ.

– Ўзининг сифати билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасининг қадри Покистонда ҳам жуда баланд. Мақсадимиз анъанага айланган мазкур конференция ва ярмаркада фаол иштирок этиб, ўзимиз учун янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборат, – дейди покистонлик Носир ЧАУДРИ.

Хуллас, халқаро ярмарка ва конференция ўзбек пахтасининг жаҳондаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлашга, ҳамкорларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ



Ҳарбий қисм маънавий ҳаётида кутубхонанинг ўрни беқиёс. Чунки посбон дунёқарашининг кенгайиши интеллектуал салоҳиятининг юксалиши, билим ва тажрибасининг ошиши қолаверса, унинг мазмунли ҳордиқ чиқариши айни шу зиё маскани билан боғлиқ. Тўғри, замон ўзгармоқда. Тезкор ахборотлар, янгиликлар, ўзгаришлар, кашфиётлар кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Демак, биз ҳарбийларнинг ўз вақтида муҳим хабар ва воқеалардан ўз вақтида огоҳ этиши керак бўлган, инсон қалбини янада гўзаллаштирадиган, некбин туйғуларга ошно этадиган кутубхоналаримиз ҳам қайсидир маънода замон билан мослашиши бугунги талабларга тўла жавоб бериши зарур. Бу эса маънавий-тарбиявий ишларни янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари кутубхона мудираларининг Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган икки кунлик услубий ўқув йиғинида ҳам айни масалаларга эътибор қаратилди.

Анжуман Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази бошлиғи офицер Дилявер Аблаев, марказ бошлиғи ўринбосари офицер Мақсуд Абиловларнинг маърузалари билан бошланди. Маърузачилар ҳарбий қисм ва муассасалардаги маданий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишда кутубхоналарнинг муҳим ўрнига кенг тўхталиб ўтишди. Бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб берилди. Китоб фондини кўпайтириш, келгусида барча қисм кутубхоналарини компьютер билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиш, кутубхоначиларни компьютер саводхонлигига бепул ўқитиш борасида ҳам мулоҳазалар юритилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Республика ахборот кутубхона маркази бош кутубхоначиси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси Зуҳра Бердиева, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бош кутубхоначиси Ободбой Қиличбоевларнинг ахборотлаштирилган кутубхона марказларининг фаолияти, кутубхоналарни замонавий адабиётлар, электрон ресурслар билан бойитиш, кутубхонада ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш жараёни ва услублари ҳақидаги сермазмун чиқишлари йиғин иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Назарий ва амалий машғулотлар қизғин савол-жавобларга уланиб кетди. Кутубхоналар фаолиятини ташкиллаштириш, кундалик ишларни режалаштириш, кутубхоналар билан ишлаш услублари ҳақида кутубхона мудираларининг ўзлари чиқишлар қилиб, тажриба алмашганлари ҳам барча учун фойдали бўлди. Йиғин доирасида иштирокчиларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиладиган, мазмунли ҳордиқ олишларига ҳиссса қўшадиган кенг қамровли маданий тадбирлар анжуман кун тартибидан жой олди. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қуролли Кучлар Марказий музейи, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасига саёҳатлар ҳам барчага манзур бўлди. Муқимий номидаги мусиқали драма театридаги янги спектакль намойиши, Марказий офицерлар саройи кинозалидаги қизиқарли фильмларни ҳам анжуман қатнашчилари мириқиб томоша қилдилар.

Бўлиб ўтган тадбир юзасидан Мудофаа вазирлиги маънавият ва маърифат маркази кутубхоначилик бўйича бош мутахассиси Хонзода Холматова ўз мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, шундай деди:

– Кутубхоначиларнинг бу йилги анжумани ўзига хос тарзда кечди. Мавзуларнинг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги иштирокчиларнинг янада фаоллигини таъминлади. Назарий ва амалий машғулотлар дам олиш тадбирлари билан мутаносибликда олиб борилгани ҳам йиғиннинг сифатини, сермазмунлигини таъминлашда бевосита ҳисса қўшди, дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, округ ва гарнизонлардан келган кутубхоначиларимиз билим, тажрибаларини оширган ҳолда янгича куч ва ғайрат билан иш бошлайдилар, ҳарбийларнинг, посбонларнинг маънавий эҳтиёжлари йўлида беминнат ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Успешные испытания

Иранские военные провели успешные испытания двух истребителей нового поколения, созданных военно-промышленным комплексом Исламской республики, сообщает ИТАР – ТАСС со ссылкой на местные СМИ. Самолеты, получившие название «Sa'qeh» («Удар молнии»), являются следующей версией истребителей «Azarakhsh» («Молния»).



Президентские выборы

Избирательная комиссия Пакистана назначила президентские выборы на 6 октября. До 27 сентября должны быть внесены все кандидатуры, а окончательный список претендентов на пост главы государства будет опубликован 1 октября, сообщает Интерфакс. Нынешний президент Пакистана Первез Мушарраф ранее пообещал, что в случае переизбрания покинет пост главнокомандующего вооруженными силами страны.



Сложная ситуация в Судане

Мировое сообщество обеспокоено ситуацией, сложившейся в Судане. Вооруженный конфликт между этническими группами в Дарфуре выродился в жестокую свалку в борьбе за власть и ресурсы. Мирные жители, покинувшие свои дома, оказались в ловушке в лагерях беженцев, за пределами которых им грозит насилие. В то же время на их место уже пришли другие люди, что помешает беженцам вернуться домой в будущем.



Пожар на АЭС

Небольшой пожар на территории японской АЭС «Касивадзаки-Карива» в префектуре Ниигата не вызвал угрозы радиоактивного заражения. Специалисты МАГАТЭ подтвердили это. Открытое пламя вырвалось из кабеля временной установки для кондиционирования помещений. Справиться с огнем удалось силами сотрудников АЭС в течение получаса.



Свой курс валюты

Преодолевший обменный курсовой рубеж в 1,4 доллара евро продолжает укреплять свои позиции на мировых валютных рынках. Как стало известно Интерфаксу, Центральный банк Саудовской Аравии отказался последовать за ФРС США и не стал снижать ставку по своей национальной валюте, курс которой привязан к доллару.




Возобновлен экспорт нефти

После четырехлетнего перерыва Ирак возобновил экспорт нефти в Иорданию. Как сообщил официальный представитель иракского правительства Али ад-Дабах, первое время в Иорданию будут поставляться 10 тысяч баррелей в сутки по цене 4 доллара за баррель.



Воцарилось двоевластие

После шестого тура на чемпионате мира по шахматам, который проходит в Мексике, в турнирной таблице воцарилось двоевластие. Единственную победу в ходе тура одержал израильский гроссмейстер Борис Гельфанд, заставивший капитулировать россиянина Александра Морозевича, а лидер соревнований индиец Вишванатан Ананд поделил очки с венгром Петером Леко. В итоге у Ананда и Гельфанда стало по 4 очка, и они вдвоем расположились на вершине турнирной таблицы.



Арестованы преступники

В Дании арестованы четверо подозреваемых в похищении знаменитой копии «Золотых рогов» из музея города Еллинг, древней столицы викингов. Среди задержанных – две женщины. Задержание стало возможным благодаря информации о местонахождении грабителей, которая поступила в полицию, сообщает ИТАР – ТАСС. Кроме рогов, у преступников изъяты другие ценные музейные экспонаты, включая старинные ювелирные изделия из янтаря, пишет «Bloomberg».

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Легкая атлетика

«СМОТРИНЫ» ПЕРЕД ИГРАМИ

На спортивной базе армейского клуба завершился двухдневный открытый чемпионат МХСК по легкой атлетике, где приняли участие сильнейшие атлеты Узбекистана.

Для армейских спортсменов эти соревнования были одновременно и проверкой готовности к предстоящим главным стартам года – IV Всемирным военным играм в Хайдарабаде (Индия) – и смотром растущего резерва. Сразу хочется отметить, открытый чемпионат МХСК показал, что наши атлеты находятся в надлежащей спортивной форме. Об этом говорят и результаты.

Уверенную и красивую победу в беге с барьером (100 м) одержала мастер спорта служащая Вооруженных Сил Анастасия Прошкина. На второй позиции оказалась Зарина Кадырова. И замкнула тройку призеров Наталья Асанова. Затем Анастасия решила испытать себя и в стометровке. Но в этой дисциплине обладательницей золотой медали, показав время 11.88 сек., стала мастер спорта международного класса младший сержант Любовь Перепелова. «Серебро» досталось члену спортактива МХСК мастеру спорта Альбине Сибагатулиной. А Анастасия Прошкина завоевала бронзовую медаль.

Что интересно, в беге на 200 м Любовь Перепелова и Альбина Сибагатулина поменялись местами. «Золото» завоевала Альбина (24.57 сек.), а «серебро» – Любовь.

«Золотыми» на этих соревнованиях также стали члены спортактива МХСК мастера спорта Лилия Дусметова (метание копья, 46 м 43 см), Александра Быстрыгова (прыжки в длину), Надежда Дусанова (прыжки в высоту, 180 см). Кстати, недавно на Международном турнире из серии «Гран-при» в Индии Надежда показала результат 191 см и завоевала лицензию на Олимпиаду-2008 в Пекине, выполнив норматив мастера спорта международного класса.

Две серебряные награды завоевала мастер спорта служащая Вооруженных Сил Александра Котлярова в тройном прыжке и в прыжках в длину. А мастер спорта Анастасия Семибратова (МХСК) по метанию ядра – «бронзу».

Удачно выступили и армейские атлеты-мужчины. В беге на 100 и 200 м не было равных мастеру спорта международного класса служащему Вооруженных Сил Олегу Журавлеву. В его активе сразу два «золота». Спортсмены же МХСК мастера спорта Акбар Умаров (100 м) и Ринат Амиров (200 м) завоевали «серебро» и «бронзу» чемпионата.

О том, что у ведущих армейских спортсменов растет достойная смена, говорит и успешное выступление членов спортактива кандидатов в мастера спорта Ивана Зайцева (метание копья, «золото»), братьев Никиты (прыжки в длину, «серебро») и Павла Холодовых (бег на 800 м, «серебро»).

– Я очень рада, что нас в будущем заменят такие спортсменки, как Севара Кучмурадова, – говорит мастер спорта международного класса Людмила Дмитриади, наблюдавшая за этими соревнованиями. – Нашей воспитаннице Севаре всего 13 лет. Она вне конкурса выступала со взрослыми и установила свой личный рекорд. Это нас только радует.

Что ж, «смотрины» перед IV Всемирными военными играми показали, что наши армейцы успешно выступят и на главных стартах года.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ҲАР ЖАБҲАДА ЕТАКЧИ

Офицер Акбар Усмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда посбонларнинг мунтазам равишда жисмоний тайёргарлик олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги боис бу ерда спортда юқори натижаларни қайд этаётган шунқорлар кўплаб топилади. Мана шундай алпкелбатли ўғлонлардан бири оддий аскар Нодир Рашидов бўлади. Кўплаб нуфузли мусобақаларда юқори поғоналарни эгаллаб келаётган йигит айни пайтда ҳарбий қисмда энг илғор посбонлардан бири сифатида тилга олинади.

Нодирнинг бироз мураккаб спорт турлари бўлган кикбоксинг ва тайбокс турларига қизиқишида илк мураббийи Рустам Алимовнинг кўпроқ ҳиссаси бор десак, тўғрироқ бўлади. Олтинчи синфда ўқиб юрган йигитча бир куни тасофидан ўртоқлари билан спорт клубига келганида Рустам аканинг жанг санъатини кўриб, унга ром бўлиб қолди. Шундан сўнг болакай ҳар куни дарсдан кейин клубга келиб, мураббий ва шогирдлар машғулотларини томоша қиларкан ундан бир олам завқ оларди.

Бир куни мураббий, «сен ҳам ўзингни синаб кўрмайсанми?» деди. Бундан хурсанд бўлган Нодир гиламга чиқди.


У ҳар бир янги сабоқни тезда ўзлаштириб, амалиётда ҳам аниқ ҳаракатларни қўллай олиши билан дўстларидан ажралиб турарди. Ёш шогирдидаги бундай истеъдод албатта устознинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Нодирдан келажакда яхши спортчи етишиб чиқишини англаган Рустам ака шундан сўнг у билан янада кўпроқ машқ олиб бора бошлади. Ўтказилган машғулотлар тезда ўз самарасини бера бошлади. Аввалига кичик мусобақаларда маҳоратини шакллантириб борган Нодир кўп ўтмай рақибларини доғда қолдириб, ўз истеъдодини намойиш қила бошлади. У Кикбоксинг бўйича биринчи ғалабасини Жиззах шаҳрида Республика миқёсида бўлиб ўтган турнирда қўлга киритди. 64 килограмм вазнда гиламга чиққан Нодир иккинчи ўринни қўлга киритди. 2005 йил Бухоро шаҳрида ташкиллаштирилган республика миқёсидаги мусобақа унинг ўз маҳоратини синовдан ўтказиб олиши учун яна бир имкон бўлди. Муросасиз беллашувларда 69 килограмм вазнда гиламга чиққан Нодир бирин-кетин рақибларини мағлуб қилиб, ғалаба нашидасини сурди. 2006 йил касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақасида ҳам унга омад кулиб боқди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган мазкур мусобақада муросасиз баҳс олиб борган йигит рақибларидан устун келиб, тажриба борасида тенгсиз эканлигини амалда кўрсата олди. Шу йилнинг баҳорги чақирувида йигитлик бурчини адо этиш учун армия сафига отланган ўғлон муддатли хизмати давомида ҳам машғулотларни давом эттирди.

– Ҳарбий қисмда барча спорт тури билан шуғулланишимиз учун етарлича қулай имкониятлар яратилган. Айниқса, дам олиш кунлари спорт мусобақаларининг уюштирилиши бизга ниҳоятда манзур бўлмоқда, – дейди биз билан суҳбатда посбон.

Ҳар бир инсоннинг нафақат жисмонан, балки маънан шаклланишида ҳам спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, юрт осойишталиги йўлида жанговар сафларда хизмат қилаётган посбонларнинг ўқув мавсуми машғулотларида юқори чўққиларни забт этишида спортнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис бугун Қуролли Кучлар тизимида посбонларнинг жисмоний тайёргарлигига катта эътибор бериб келинмоқда.

Ҳайдовчи-электрик вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Нодир Рашидов қизғин паллага кирган ўқув мавсуми машғулотларида ҳам илғорликка интилаётган шунқорлардан ҳисобланади. Кикбоксинг бўйича спорт усталигига номзод бўлган йигит ҳарбий қисмда посбонлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларида сафдошларига ўрнак бўлиши билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича ҳам аълочилардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Германияда уюштирилган шахмат фестивали доирасида ташкиллаштирилган тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов муваффақият қозонди.

Дунёнинг энг кучли «ақл гимнастикаси» усталари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада франциялик Этьен Барфо ҳамда Қосимжонов бир хил очко жамғариб, учинчи ўринни эгаллашди.

Финалда арманистонлик Левон Аронян билан беллашган ҳиндистонлик Анандга омад кулиб боқди. Рақибини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этган Ананд тезкор шахмат бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатининг ғолиби бўлди.

●

Таиландда велоспорт (шоссе) бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъамизнинг 23 мамлакатидан 150 нафар велоспортчи иштирок этган чемпионатнинг яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев бронза медалини қўлга киритди. 200 километр масофага гуруҳ пойга беллашувларида эса у маррага тўртинчи бўлиб етиб келди.

Энди ўзбекистонлик велоспортчилар Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

●

Рио-де-Жанейро (Бразилия)да дзюдо бўйича йигирма бешинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Дунёнинг саксонга яқин давлати курашчилар ўртасида ўтган беллашувларда ғолиб ва совриндорлар етти вазн тоифасида аниқланди. Якунда медаллар фақат йигирма олти мамлакат спортчиларига насиб қилди.

Улар орасида машҳур полвонимиз Абдулла Тангриев (мутлақ вазн бўйича)нинг ҳам борлиги қувонарлидир. Ёдингизда бўлса, у шу йилнинг баҳорида Қувайтда ўтган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди. Бразилияда дунёнинг сара дзюдочилари билан муносиб курашган Абдулла Тангриев мутлақ вазн тоифасида бу гал бронза медали билан тақдирланди.

●

Душанба куни Озарбайжон пойтахти Бокуда юнонрум кураши бўйича жаҳон чемпионати бошланди.

Ушбу нуфузли мусобақада Элдор Ҳафизов (55 кг.), Дилшод Орипов (60 кг.), Равшан Рўзиқулов (66 кг.), Жаҳонгир Мўминов (74 кг.), Денис Здориков (84 кг.), Геннадий Чхаидзе (96 кг.) ва Давид Солдатзе (120 кг.) сингари полвонларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

●

Яқинда Япония пойтахти Токио шаҳрида шотакан каратэ-до бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида спортчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар юртимизга қўша-қўша медаллар билан қайтишди. Дунёнинг 40 га яқин мамлакати вакиллари қатнашган мазкур йирик спорт анжуманида каратэчиларимиз 4 та олтин ва 4 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Қувонарлиси, бу шотакан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатидаги дастлабки йирик ютуқдир. Шундай қилиб, мусобақада биринчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Венесуэла мамлакатлари вакилларига насиб этди.

●

Эстониянинг Отопяя шаҳрида ёзги биатлон бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг ёзги биатлон тури ривожланган 21 мамлакатидан 200 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этишди. Шу жумладан, 6 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси ҳам, Сергей Серебряков шогирдлари эстафета машқида тўртинчи бўлишди.

2007 йил июль ойида Қозоғистонда ташкил этилган Осиё чемпионатида учта олтин ва бир кумуш медалларига эришган ҳамюртимиз Руслан Носиров ушбу жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашди. У мусобақанинг кумуш медалига эришди.

Евро-Осиё ўйинлари

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Кеча Белорус Республикасининг Брест шаҳрида биринчи Евро-Осиё Иқтисодий Иттифоқи ўсмирлар ўйинлари бошланди.

Ушбу мусобақада Россия, Белорус, Украина, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Литва, Қирғизистон давлатларининг ёш спортчилари 10 та спорт турида ғолиблик учун курашмоқдалар.

Эслатиб ўтамиз, 36 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон делегацияси самбо, дзюдо, белбоғли кураш, эркин кураш, спорт гимнастикаси ва енгил атлетика турлари бўйича терма жамоалардан иборат.

Биринчи ЕвроОсиё Иқтисодий Иттифоқи ўйинлари 25 сентябргача давом этади.

«БРОНЗОВЫЙ» УСПЕХ УЗБЕКИСТАНЦЕВ

В Казахстане завершился этап Кубка мира по борьбе самбо. В нем, кроме хозяев соревнований, приняли участие более 100 атлетов из таких стран, как Германия, Россия, Беларусь, Узбекистан, Южная Корея и Кыргызстан. Наши соотечественники Шухрат Муродов (57 кг) и Дамир Мухидов (68 кг) в своих весовых категориях завоевали бронзовые медали.

ЎЗБЕК ШАХМАТЧИСИ ОСИЁДА ИККИНЧИ

Ал-Айн (Бирлашган Араб Амирликлари) шаҳрида шахмат бўйича Осиё чемпионати якунланди. «Ақл гимнастикаси» усталари баҳсида ёш шахматчиларимиз яхши кўрсаткичга эришди. Самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов 12 ёшгача бўлган шахматчилар орасида 9 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, кумуш медаль совриндори бўлди. Эронлик Амир Ковзариния 7 очко билан биринчи, ҳиндистонлик Фенил Шаҳ учинчи ўриндан жой олди.

Ўз. мухбиримиз.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

«МАШЪАЛ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Олий лига жамоалари мамлакат чемпионатининг 20-тур учрашувларини ўтказишди. Марра чизиғига яқинлашган сайин жамоалар ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада лиганинг энг ёш жамоаси ҳисобланган Муборакнинг «Машъал» футболчилари ҳавас қиларли натижаларга эришмоқдалар.

Жамоа сўнгги беш ўйинда 13 очко тўплаб, мағлубиятсиз серияни давом эттирмоқда. Сўнгги бўлиб ўтган турда мубораклик лар Бекободда «Металлург» жамоаси меҳмони бўлишса-да, ҳар бир таймда мезбонлар дарвозасига биттадан тўп киритиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса, аксинча, сўнгги турларда кетмакет муҳим очколарни қўлдан бой бериб, чемпионат медаллари учун курашаётган жамоалар сафидан чиқиб бормоқда. Ажабланарли томони шундаки, ўз майдонида енгилмас деб ҳисобланувчи «Нефтчи» айнан Фарғонада очколардан маҳрум бўлмоқда. Улар «Қурувчи» (0:2) ва «Пахтакор» (0:3) дан енгилганларидан сўнг, 20-турда «Навбаҳор» билан дуранг натижага эриша олдилар, холос – 1:1.

Чемпионлик учун асосий даъвогарлик қилаётган «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари ушбу турда навбатдаги ғалабага эришдилар. Қаршининг «Насаф» клуби меҳмони бўлган «Пахтакор» учрашувининг 24-дақиқасида нигериялик легионер Ихероуме Уче киритган ягона гол ҳисобига муҳим уч очко соҳиби бўлди. «Насаф» тошкентликларни енгса, «Қурувчи» учун чемпионлик сари йўл янада яқинлашади, деб кутганларга жавобан «Пахтакор» чиройли, комбинацион ўйин кўрсатиб, пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб олди.

«Қурувчи» эса ўз майдонида Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида йирик ғалабага эришди ва 3-ўринга кўтарилиб олган «Машъал» жамоасидан 4 очкога илгарилаб кетди.


«Шўртан» – «Трактор» учрашуви ҳам гольларга бой бўлди. Учрашувнинг асосий вақти тугаган дақиқаларда 2:3 ҳисобида мағлуб бўлаётган ғузорликлар ҳакам қўшиб берган вақтда рақиблари дарвозасига тўп йўллаб, дуранг натижага эриша олишди – 3:3.

20 турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» – «Қизилқум» – 3:0, «Вобкент» – «Самарқанд-Д» – 2:2, «Андижон» – «Бухоро» – 0:0.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Шахматный мир

НЕ ПРОСТО ИГРА



Шахматы – одна из наиболее распространенных игр современности. В них сочетаются элементы науки, искусства, спорта. Игра в шахматы способствует развитию логики мышления, концентрации внимания, воспитанию воли к победе и других моральных качеств.

Шахматы имеют многовековую историю, в переводе с персидского «шахмат» означает «властитель умер». Родиной шахмат считается Индия, где не позднее V века до нашей эры сложилась древнейшая форма шахмат – чапуранга – истребление фигур противника. Позднее целью игры стал мат.

Народы Средней Азии познакомились с шахматами не позднее VII – VIII вв. Первые упоминания о шахматах в Грузии и Армении относятся к XII веку, в Западной Европе шахматы упоминаются в начале XI века, в Иране шахматы – чатрант (шатранг), в странах Арабского Востока – шатрандж.

Первое официальное соревнование на первенство мира состоялось в США в 1886 году. Его победитель Стейниц был провозглашен первым чемпионом мира по шахматам. С тех пор лишь 12 шахматистов владели этим титулом: Ласкер, Капабланка, Алехин, Эйве, Ботвинник, Смыслов, Таль, Петросян, Спасский, Фишер, Карпов, Каспаров.

Соревнования на первенство мира среди женщин проводятся отдельно. Первоначально титул чемпионки мира разыгрывался только в турнирах, первый турнир состоялся в 1927 году. Первой чемпионкой мира стала В.Менчик. В последующие годы звания чемпионки удостаивались 5 шахматисток: Руденко, Быкова, Рубцова, Гаприндашвили и Чибурданидзе.

После первого Международного турнира в Лондоне (1851 г.) возникла идея создания международной шахматной организации, которая смогла бы руководить шахматным движением в мире. Однако такая организация была создана лишь в 1924 году, когда в Париже была основана ФИДЕ – Международная шахматная федерация. Ныне ФИДЕ проводит множество различных соревнований, в том числе личные и командные соревнования среди взрослых, а также юношей и девушек разных возрастов, чемпионаты континентов и мира.

В 20-х годах XX столетия в Узбекистане усилился интерес к шахматам. В Ташкенте, Самарканде, Коканде и других городах открылись шахматные кружки. В 1930–1935 годах проводились чемпионаты по шахматам в Узбекистане, где 8-кратными чемпионами стали Грушевский и Пинчук. Посетившие Узбекистан знаменитые гроссмейстеры Флор, Петросян, Керес, Котов, Корчной, Карпов проводили лекции, сеансы шахматных игр, результативно влияя на развитие шахмат в Узбекистане.

Первым гроссмейстером Узбекистана по заочной шахматной игре стал Г.Борисенко, а Г.Агзамов – первым международным гроссмейстером.

В начале 90-х годов в Узбекистане начался подъем в шахматном движении. В 1992 году мужская сборная по шахматам завоевала 2-е место на Всемирной шахматной олимпиаде, а на Азиатском чемпионате узбекская сборная стала победителем (1999 г.).

В 1998 году И.Хамракулов стал победителем в юношеском Международном первенстве по шахматам.

Рустам Касымджанов стал первым в Азиатских играх (1998 г.), а в 2004 году стал чемпионом мира.

По инициативе Президента И.А. Каримова в нашей стране большое внимание уделяется развитию шахмат среди детей и юношества.

В программу Универсиады «Умид нихоллари», «Баркамол авлод учун» включены соревнования по шахматам.

Молодые шахматисты, достойно защищая честь Родины, завоевывают на международных турнирах призовые места.

Подполковник Содик ОРТИКОВ.

ВКЛАД АРМЕЙЦЕВ

На чемпионате Азии по гребле на байдарках и каноэ успешно выступили представители Узбекистана. Свой вклад в успех сборной страны внесли и армейские спортсмены.

Служащий Вооруженных Сил Вячеслав Горн в составе байдарки-«двойки» завоевал серебряную награду на дистанции 500 метров, а на 200-метровке нашему дуэту достались бронзовые награды.

Достойно боролся Вячеслав и в состязаниях байдарок-«четверок». На дистанции 1000 метров наш квартет был удостоен «серебра», а на 500-метровке в их активе «бронза».

У служащего Вооруженных Сил Герасима Кочнева в активе «серебро» и две «бронзы».

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.


Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ВЕРХНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

ДВИЖЕНИЯ ГРЕБЦА СО ШТАНГОЙ В НАКЛОНЕ

Движения гребца со штангой в наклоне создают нагрузку преимущественно на широчайшие мышцы верхней части спины, а также на трапециевидные, ромбовидные мышцы; на глубокие длинные мышцы спины (расположены под широчайшей и круглой), которые разгибают позвоночный столб и голову; на задний пучок дельтовидной мышцы, бицепсы и предплечья.

Выполнение движений гребца со штангой в наклоне. Поставьте ноги примерно на ширине плеч. Наклоняйтесь вперед, пока ваш торс не займет параллельное полу положение. Слегка согните колени, чтобы перенести нагрузку на нижнюю часть спины, а ваше положение сделать более устойчивым. Возьмите штангу, расположив руки на ширине плеч ладонями к себе. В начале упражнения руки должны быть свободно опущенными в строго вертикальном положении. Тяните штангу прямо вверх, пока она не коснется верхней линии прямых мышц живота. При этом верхние части рук (плечи) должны проделать путь в стороны от торса. Во время упражнения спина должна оставаться прямой. Верните штангу в исходное положение. При выполнении большей части упражнений со штангой, а особенно в движении гребца в наклоне, полезно периодически изменять ширину захвата. Это поможет создать нагрузки различной степени на мышцы. Чем шире захват, тем эффективнее будут развиваться все задействованные в упражнении мышцы.





ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллат тараққиётини, унинг барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хослиги ва моддий кучга айланишини таъминлайдиган асосий омил миллий истиқлол ғояси эканлигини таъкидламасак ҳам яхши биласиз. Фикримни қуйидагича изоҳлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, миллий истиқлол ғояси мустаҳкам бўлган инсонда ватанпарварлик, она заминимизнинг муқаддаслигини англаш туйғуси устувор бўлиб, уни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш кераклигини тушуниб етади. Иккинчидан, авлод-ждодларимизни бунёдкорона,эзгу ишларга руҳлантиришда шу она заминнинг аҳамияти беқиёс бўлганини, уларнинг амалга оширишган буюк ишларига муносиб бўлишимизни миллий ғоя эслатиб туради. Бу эса ўз навбатида она Ватанга, заминга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди. Учинчидан, миллий ғоя тарихий хотирани мустаҳкамлайди ва унинг тақрорланмас имкониятларидан манба сифатида фойдаланишга кишини руҳлантиради. Тўртинчидан, у бизда миллат тақдири учун масъуллик ва шу миллат вакили бўлганлигимиз билан фахрланиш туйғуларини уйғотади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, миллий истиқлол ғояси фақат бир миллатга хос туйғуларни шакллантирибгина қолмасдан, биз билан ёнма-ён туриб яшайдиган турли миллат ва элат вакилларини, уларнинг манфаатларини ҳурмат қилишга, диний ва инсоний бағрикенглик каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига сингдиришда нималарга эътибор қаратиш лозим? Шу ўринда қуйидаги омилларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш борасида эришаётган ютуқларни аниқ ҳаётий мисоллар орқали кенг тарғиб этиш.

2. Ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатиш, улар иштирокида турли суҳбатлар, учрашувлар уюштириш.

3. Ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги туб ўзгаришларида иштироки, изчил кечаётган ислоҳотларга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатлари тобора шаклланиб бораётганини кўрсатиб бериш.

4. Ёшларга фидойилик – ҳаёт мазмуни эканлигини мисоллар орқали изоҳлаб бериш.

Мустақиллик ғояси ва амалиётни фидойиликсиз тассавур этиб бўлмайди. Тарихга мурожаат этайлик, тарихда аждодларимиз орасида дунё тамаддунида муносиб ўрин эгалловчи шундай инсонлар ўтганки, уларни ҳозирги авлод ғурур ва фахрланиш туйғуси билан хотирлайди.

Уларнинг жасорати, халқнинг дарди билан яшаб, эрки, Ватан, эл-юрт озодлиги учун курашлари бизга ибрат мактабидир. Спарганиз асирликдан, ўлимни афзал кўрди, чўпон йигит Широқ халқини офатдан қутқариш учун ўз жонини фидо қилди. Тўмарис босқинчи Кирга, Спитамен Искандар Зулқарнайн қўшинларига қарши мардонавор курашди. Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби саркардалар ҳаёти, уларнинг ўз юртига, халқига бўлган муҳаббати фидойиликнинг ёрқин намунасидир. Шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразимий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимиз маънавиятимиз, маданиятимиз ривожланишида улкан ҳисса қўшганлар.

Шу ўринда, айтиш жоизки, гўзал тарбия инсонга шон-шараф бағишлайди. Тарбиясиз инсон шараф ва камолотдан маҳрумдир. Ёшларни астойдил тарбиялаб, уларни жамиятимизнинг фойдали аъзолари қилиб вояга етиштиришга ҳар биримиз масъулмиз. «Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади», дейди Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида.

Алишер Навоий айтади:

Инсонга эрур камол матлаб,
Андин дахи дарду ҳол матлаб.

Қадимги юнон файласуфи Суқротдан сўрадилар:

– Сиз катталардан кўра ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият берасиз. Бунинг сабаби нима?

Суқрот шундай деб жавоб беради:

– Ёшлар дарахт ниҳолига ўхшайдилар, қандай эгсанг, шундай эгиладилар, менинг ваъз-насиҳатларимни тошга муҳр ўйгандек кўнгилларига жойлаштириб оладилар. Шунинг учун мен уларнинг тарбиясига кўпроқ эътибор бераман.

Шубҳасиз лозим ўғил, қизга нурафшон тарбият,
Боиси бахту саодат-моҳи тобон, тарбият!

Шундай экан, мустақил Ватанимизга муносиб фарзандларни камол топтириш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, ёш авлодни жисмонан, маънан соғлом, баркамол, Ватанга садоқатли, эътиқодли қилиб тарбиялаш, уларни миллий истиқлол ғоялари билан қуроллантириш куч-қудратимизни янада оширишга, кўзлаган устувор марраларимизга етишишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Подполковник Улуғбек МАМУРОВ

Эътироф

«КЕЛГИНДИ КЕЛИН» ЯЛТАГА БОРДИ

Яқинда Ялта шаҳрида «Биргаликда» («Вместе») деб номланган VIII Халқаро телекино анжумани бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли фестивалга дунёнинг турли бурчакларидан телевидение, кино ва эстрада юлдузлари ташриф буюришди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Terra Group масъулияти чекланган жамияти, Zamin film ва «Марказ ТВ» телеканали анжуманга режиссёр Рустам Саъдиевнинг «Келгинди келин» фильмини тақдим этишди.

Анжуман Қримнинг энг катта концерт зали – «Юбилейний»да очилган бўлса, ижодий танловлар ғолибларига мукофотлар топшириш маросими машҳур Ливадия саройида бўлиб ўтди. Фестивалда биринчи маротаба ўзбек режиссёри – «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан номинацияланган Рустам Саъдиев иштирок этди.

У 2006 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг энг кассабоп фильми бўлган «Келгинди келин» фильмини томошабинлар ва ҳайъат эътиборига ҳавола қилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур фильмнинг илк премьераси Тошкентда 2006 йилнинг 25 августида бўлиб ўтган эди. Ушбу киноасар Zamin film студиясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ёрдамида суратга олинган. Сюжет мавзуси мавжуд бўлган икки хил дунё: пойтахт ҳашамати ва бадавлат ота-оналарнинг эркатой қизи бўлмиш фильм бош қаҳрамони тушиб қолган оддий қишлоқ ҳаётининг қарама-қаршиликларини яққол очиб беради. Фильмда бош ролларни Дилноза Кубаева, Фаррух Соипов ва Жаҳонгир Позилжонов ижро этишган. «Келгинди келин» M&TVA awards миллий мукофотини топшириш маросимида йилнинг энг яхши фильми, деб топилган.

Рустам Саъдиев, шунингдек, мухлислар томонидан олқишларга сазовор бўлган «Муҳаббат синовлари», «Кўзларинг маъюс», «Наҳотки сен», «Келгинди куёв», «Паноҳ» фильмлари, «Вой-дод сумалак» номли телелойиҳа билан ҳам машҳур. Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллик айёми арафасида Р.Саъдиев мамлакатимиз киноси ривожига қўшган ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Ялта анжуманида Россия, Белорусь, Канада, Қозоғистон, Тожикистон, Молдова, Швеция, Венгрия, Эрон, Эстония, Руминия, Латвия ва Болгария каби давлатлардан ташриф буюрган режиссёрлар ўз теледастурлари ва янги фильмларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган Ялта форуми дастлаб МДҲ давлатлари телекиносанъати эришган ютуқларнинг ўзига хос кўргазмаси сифатида ташкил этилган эди.

Бироқ, унинг оммавийлиги ошиб борган сайин узоқ чет эл давлатлари кинематографчилари ҳам «Биргаликда» бўлишни хоҳлаб қолишди. Бугунги кунда ушбу анжуман турли мамлакатлар экран усталарининг муваффақиятларини намойиш этиш ва профессионал мулоқот олиб боришлари учун ноёб ижодий майдончага айланди.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Талабалик – олтин давр

ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИ

Юртбошимиз Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида Ватанимиз тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш борасида истиқлолга эришган биринчи кунларданоқ муҳим қадамлар ташланганини алоҳида таъкидлайди.

1997 йили 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримиз ана шундайин устувор мақсадларимизга хизмат қилаётганини яхши биламиз. Маълумки, мазкур муҳим ҳужжат асосида олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугун бундайин ютуқларимиз борасида ҳар қанча фахр, ғурур билан сўзлаш мумкин.

Тошкент тиббиёт академиясида ҳам тилга олинаётган ислоҳотлар туфайли етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида академия жамоаси «Талабаликка бағишлов» дея номланган катта байрам тантанасини ўтказишди.

Мазкур тадбирнинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти бор. Негаки унда биринчи курсга қабул қилинган талабалар тантанали равишда қасамёд қабул қилдилар. Академиянинг битирувчи магистрлари эса уларга рамзий равишда шифокорларга керакли фонендоскопни ва талабалар имтиҳон дафтарчасини топширишди. Бу яқинда талаба бўлганларнинг замонавий илмларни эгаллаб, ўз касбининг етук мутахассислари бўлишларига ишора.

Пировардида шуни айтиш лозимки, жорий йилда академияга – даволаш иши, тиббий профилактика, стоматология, олий ҳамширалик иши факультетларига 700 нафар талаба қабул қилинган.

Ишонамизки, бугун талабалик мақомига эришган ёшларимиз эртага мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар жараёнида янада фаол қатнашиб, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синога муносиб авлод эканликларини исботлашажак.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНЛАР

Мана, ниҳоят ҳаяжон ила кутилган, кўпчилик китобсевар ҳарбийларимизнинг қалбини тўлқинлантирган кун ҳам етиб келди. Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида барча ҳарбий қисм ва муассасаларда, гарнизон ва округларда кўтаринкилик билан ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхон» танловининг якунловчи босқичи ҳам ниҳоясига етди. Беллашувларда кўплаб «рақибларни» доғда қолдириб, танловнинг финал босқичига етиб келган ўн икки нафар иштирокчи гуруҳларга бўлинган ҳолда учта шарт бўйича ўзаро куч синашдилар.

Машҳур ёзувчи ва шоирлар, уларнинг асарлари, китоб қаҳрамонлари ҳақидаги савол-жавобларга зукколик билан жавоб берган, халқ донолиги намунаси бўлган мақол ва маталларни яхши билишини, сўз бойлигини намойиш эта олган посбонларнинг энг саралари сараланди.

Нуфузли ҳайъат аъзолари якдиллик билан шартнома бўйича оддий аскар Дилдора Каттабобоевани ғолиб деб топишди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса капитан Мухторжон Қурбонов ва шартнома бўйича оддий аскар Дилафрўз Холиқоваларга насиб этди. Ғолиблар нафақат ҳарб илми борасида, ўз мутахассислиги бўйича балки миллий ва жаҳон адабиётидан ҳам яқиндан хабардор эканликларини, юксак инсоний фазилатларни ўзида жамлаган кўплаб асар қаҳрамонлари ҳаёти, ҳис-туйғулари уларга яхши таниш эканлигини муносиб даражада кўрсатдилар.

Ғолиблар Мудофаа вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Назокат ЗИКРИЛЛАЕВА.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

БЎЛАЖАК ПОСБОНЛАР ШАКЛЛАНАР БУНДА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятан осойишталигимизни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай хавф-хатарга зарба бера олишга қодир бўлган профессионал армияни шакллантиришга қаратилгандир. Албатта, бу ўринда ёшларни миллий истиқлол ғояси ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти катта.



Шу боис бугун келажагимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, маънан етук ва интеллектуал салоҳияти юксак бўлишларига барча жабҳаларда кенг эътибор қаратилмоқда. Бўлажак посбонлар ҳарбий кўникмаларнинг илк босқичларини ўзлаштирадиган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотп ўқув муассасаларида ҳам курсантларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, юртга фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида ўқув-тарбиявий ишлар такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, бу йўналишдаги ишлар Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаш раиси томонидан тасдиқланган 35 соатлик «Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик» ҳамда 10 соатлик «Ҳуқуқшунослик асослари» фанларининг чуқур ўқитилиши билан ҳам характерланади. Чунки ушбу фанлар бўйича дастурга киритилган мавзулар ўқувчиларнинг маънавий олами ва дунёқарашини, мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва сиёсий воқеаларига нисбатан муносабатини, буюк аждодларимиз қолдирган бой тарихий меросларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган.

Шунингдек, тасдиқланган режалар асосида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида маънавий, тарбиявий, ҳуқуқий мавзуда суҳбат ва маърузалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, илм-фан намоёндалари ва таниқли кишилар ҳамда спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, «Меҳрибонлик уйи» ва ҳарбий қисмларга ташрифлар, ҳарбий қисм аскарлари билан ҳамкорлик алоқалари, «Очиқ эшиклар куни», взводлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» каби тадбирлар ўтказиб келинаётгани кўзда тутилган мақсадларга хизмат қилмоқда.

Курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш ва уларни чиниқтириш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари машғулотлардан кейин оммавий спорт ишлари олиб борилмоқда. Бунда улар спортнинг турникда тортилиш, тўсиқлар орасидан югуриш, граната улоқтириш, 100 метрга югуриш, ҳаво милтиғидан ўқ отиш турлари бўйича машқ қиладилар. Бундан ташқари байрамлар ва муҳим саналарга бағишлаб, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича взводлар ўртасида мусобақалар ҳам ўтказилади.

Шунингдек, «Курсант кўпкураши» бўйича ўқув муассасалари ўртасида ўтказиладиган республика мусобақалари бўлажак посбонларни ҳар тарафлама тоблаб, ўзига хос синовдан ўтказади, десак хато қилмаймиз. Курсантлар орасидан етишиб чиқаётган ва нуфузли мусобақалар ғолибига айланаётган илғорлар эса спортнинг ёшлар ўртасида тобора оммалашишига хизмат қилянти.

Жумладан, жорий йилнинг август ойида Чирчиқ шаҳрида «Курсант кўпкураши» бўйича ўтказилган республика биринчилиги мусобақасининг турникда тортилиш машқи бўйича ташкилотнинг Жиззах вилоят кенгаши автомобилчилар тайёрлаш мактаби курсантлари Асил Ишмирзаев ҳамда Алишер Бойбўтаевлар фахрли иккинчи ўринларни эгаллашиб, Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган дипломга сазовор бўлишди.

Булардан ташқари Жиззах вилоят кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда спортнинг техник ва амалий турларидан авто, мото, ёзги биатлон, милтиқдан отиш, моделизм, лайлак-варрак учириш каби турлари сезиларли даражада ривожлантирилгани қувонарлидир. Ушбу турлар бўйича мунтазам равишда шаҳар, туман ва вилоят биринчилиги мусобақаларида терма жамоалар иштирок этиб келишади. Жумладан, автомобилчилар тайёрлаш мактаби негизида ва Бахмал туман кенгашида бир нечта жамоалар иштирокида спортнинг «Пневматик милтиқдан ўқ отиш» бўйича, Ғаллаорол туман кенгашида 8 та жамоа иштирокида «Ёзги биатлон» бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари, Жиззах шаҳрининг «Наврўзбулоқ» пойгагоҳида «Мотопойга» мусобақаси ташкиллаштирилгани фикримизнинг далилидир.

Спортнинг «Ёзги биатлон» тури бўйича Халқаро тоифадаги спорт устаси, Республика миллий терма жамоаси аъзоси, бир неча бор республика чемпионати ва мусобақалари ғолиби, Ўзбекистон чемпиони Анузар Юнусов жорий йил баҳорида Наманган шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида «Спринт» йўналишида биринчи ўринни эгаллаб, иккита олтин, июль ойида Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль совриндори бўлгани вилоят ёшлари учун ифтихордир.

Бир сўз билан айтганда, бундайин саъй-ҳаракатлар бўлажак юрт посбонларини ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Х.АТАЕВ,
МК «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах вилоят кенгаши.



Студентка факультета международных экономических отношений Ташкентского государственного института востоковедения Евгения Балтаева родилась под знаком Близнецов.

Отличница учебы, владеет английским и испанским языками.

Профессионально занимается спортивными танцами. Ее хобби – восточная музыка, большой теннис и горные лыжи. Считает, что в человеке все должно быть красиво. Ценит в людях порядочность, целеустремленность и любовь к Родине.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Иффат – виждоний поклик, номус, ҳаё дегани. Қиз табиатига хос покизалик, ҳаё-иболилик, майинлик, нафислик, малоҳат, ҳушёрлик каби фазилатлар унинг ҳуснига ҳусн, латофатига латофат қўшади. Қизнинг ҳусни – ярим бойлик, ақли эса хазинадир.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Вы практически решили все накопившиеся проблемы. Посвятите больше времени отдыху. Может поступить интересная и важная информация. Возможно, вам удастся наладить все виды сотрудничества, какие только понадобятся.

ТЕЛЕЦ

Постарайтесь не перегружать себя на работе. Можете достичь цели благодаря поддержке друзей и сослуживцев. Не стоит отказываться от помощи. Проверяйте все документы, которые к вам поступают, прежде чем их подписать.

БЛИЗНЕЦЫ

Вам необходимо сосредоточиться. Для успеха на этой неделе крайне важен удачный старт. Не спешите с инициативой, постарайтесь спокойно выполнять свои повседневные обязанности. Тревога за близких отчасти верна.

РАК

Проявив мудрость и сдержанность, вы успешно справитесь с разнообразными проблемами. Не поддавайтесь эмоциям – чувства могут заставить вас неоправданно рискнуть. Желательно не обсуждать серьезных дел с начальством.

ЛЕВ

Во всех делах потребуется соблюдать порядок в отчетности. Постарайтесь не вступать в конфликт с блюстителями порядка. Прилив энергии и прекрасное самочувствие заставят вас решительно действовать.

ДЕВА

Могут осуществиться давно отложенные проекты. События на работе будут достаточно непредсказуемы. Проявите инициативу и активность. Предстоит достаточно трудная работа, но усилия будут щедро вознаграждены.

ВЕСЫ

Наступает хорошее время для творческих проектов. Появится возможность выхода на более высокий профессиональный уровень. Проявите немного мягкости и ласки по отношению к близким людям.

СКОРПИОН

Ваши успехи в профессиональной деятельности достойны восхищения. Есть вероятность поступления ценной для вас информации из совершенно неожиданного источника. Благоприятное время для завершения незаконченных дел.

СТРЕЛЕЦ

Постарайтесь помогать окружающим, но не взваливайте все проблемы на себя. Блесните очарованием в обществе. Посетите интересную выставку, концерт, спектакль – такие мероприятия обогатят вас новыми впечатлениями.

КОЗЕРОГ

Постарайтесь усмирить свои амбиции, иначе ваш авторитет может оказаться под угрозой. Вам необходимо проверять поступающую информацию. Не время отстраняться от действительности и уходить в мир иллюзий.

ВОДОЛЕЙ

Пришло время показать, чему вас научила жизнь. Однако будьте осторожнее, не поддавайтесь искушению подвергнуть жестокой критике все и вся. Лучше вложить лишнюю энергию в созидательную деятельность.

РЫБЫ

Вы можете стать центром всеобщего внимания. К вашим идеям будут прислушиваться, но, может быть, не всегда легко можно будет найти партнеров для их реализации. Друзья помогут развеяться и подарят интересные идеи.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

МОДАЛАР КАШФИЁТИНИНГ МОҲИР УСТАСИ

ХОШИДА КОМИЛОВА ОМИЛОВА



Кейинги пайтда жаҳонда энг жадал ривожланаётган соҳа сифатида мода саноатини таъкидласак, янглишмаган бўламиз. Чунки бугун замонавийлиги билан урф бўлган либослар коллекциясининг ўрнини эртага кашф қилинажак латиф либослар эгаллаши ҳеч гап эмас. Шу боис дизайнерлар ўз ижод намунасининг бардавомлигини сақлаб қолиш учун уни янада мукаммал яратишга интилади. Ахир янги мода яратишдаги кичкина хатолик ҳам либоснинг сифатига жиддий таъсир қилади.

Бугун жаҳон мода саноатида ўзбек миллий либосларининг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, табиий матоларимиздан тайёрланган бежирим либосларимиз ёки зардўзлик санъатининг бетакрор намуналари ҳар қандай инсонни ўзига ром айлайди. Бу борада эса миллий либосларимиз моҳир усталарининг маҳоратини алоҳида таъкидламоқ лозим. Ҳаётини миллий мода санъатига бахшида этган Холида опа Комилова мана бир неча йилдирки, бу йўналишда самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг яратган санъат асарлари хорижлик мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Илк бора 1984 йилда Испанияда ташкиллаштирилган Савдо-саноат ярмаркасида ёш ўзбек модельерининг миллий зардўзлик анъаналари асосида тикилган либослари кўпчилик мутахассисларни қизиқтириб қолди. Шундан сўнг ижодкорнинг янги-янги коллекциялари АҚШ, Канада, Польша, Финляндия, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Греция сингари мамлакатларда ҳам муваффақиятли намойиш этилди. Модельернинг ижодида халқимизнинг миллий анъаналарига катта эътибор қаратилиб, уларнинг замонавий дизайн билан уйғунликда олиб борилганлиги ушбу либосларнинг ўзига хослигини таъминлаган. Замонавий мода саноатининг турли йўналишларида фаолият юритаётган Холида опанинг ижодда янада юксак чўққиларни забт этишида ўзи фаолият юритаётган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Модалар театрининг очилиши муҳим роль ўйнайди, десак хато қилмаган бўламиз.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган дизайнерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1990 йилда Ўзбекистон дизайнерлари уюшмаси ташкил этилиб, унга бу соҳада анча билим ва тажрибага эга бўлган Холида Комилова раис этиб тайинланди. Бироз кейинроқ эса «Осиё рамзи» республика модельерлар ассоциацияси тузилди. Ўзбек миллий мода саноатини жаҳонга олиб чиқиш мақсадида қилинаётган бу эзгу ишларда Холида опанинг беназир ҳиссаси бор.

– Ёшлигимдан модага қизиқаман, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Холида Комилова. – Бу соҳада ўқиб, илмий ишлар қилганлигим боис, айни пайтдаги фаолиятим ҳам мода билан бевосита боғлиқдир. Ўқув жараёнида қилинган ишларни Мода театрида амалга оширамиз. Айни пайтда мазкур театрда институтнинг талабалари ва аспирантлари, миллий либосларнинг дизайнларини яратиш бўйича мукаммал билим олишади.

– Яқинда Хитойда бўлиб ўтган халқаро мода фестивалида қатнашган экансизлар. Умуман, нуфузли фестивалларда ижодий ишларингизни қандай кутиб олишмоқда?

– Хитойда ўтказилган «Буюк ипак йўли» фестивали ҳақида айтадиган бўлсак, Мода театримиз ушбу танловда бу йил тўртинчи бора иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритиб қайтди. Ҳар йили юқори ўринни бизнинг мамлакатимиз қўлга киритаётганлиги боис келгуси йилга яна таклиф қилишди. Замонавий руҳда яратилган тарихий либосларимиз фестиваль ҳакамларига ниҳоятда манзур бўлди. Айниқса, Прет-о-порте йўналиши талабларига жавоб бера оладиган либосларимиз табиий матолардан тикилганлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб турди. Бундан ташқари 2005 йил Польшада ўтказилган халқаро ярмаркада ҳам либосларимиз муносиб қарши олинди. Ҳатто талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, бизнинг композициямиз мамлакат миқёсида уч марта намойиш қилинди. Жорий йил ёш дизайнерларимиз Чехияда ўтказилган «Подиум – 2007» халқаро танловида ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб қайтишди. Институтимиз талабалари Шаҳзода Насриддинова ҳамда Мадина Мухторова ҳайъат аъзолари эътиборига иккита коллекцияни – миллий услубдаги «Келажакка назар» ва трикотаждан тайёрланган замонавий ёшлар либосларини тақдим этишиб, юқори ўринга сазовор бўлишди. 2004 йил Россиянинг Пятигорск шаҳрида ўтказилган ёш дизайнерлар халқаро танловида ҳам «Либосда бўлган миллийлик» номинациясида театримиз жамоаси биринчи ўринни қўлга киритишганди.

–Бугун жаҳон мода саноатида ўзбек дизайнерлик мактабининг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз? Умуман, уни янада юксалтириш учун яна нима ишлар қилиш лозим?

– Азалдан бизнинг ҳудудда мода саноати тараққий этган. Бугун эса бу анъаналар давом этмоқда. Қандай йирик танловларга ташриф буюрмайлик, бизнинг либосларимиз назардан четда қолмаган. Авангард ёки этнографик йўналишларни олсак, улар кўпчилик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Дизайнеримиз томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар эса ўзбек модасининг жаҳонда ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Кейинги пайтда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Модалар уйининг ташаббуси билан ўзбек модасини юксалтириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. «Болажонлар – ширинтойлар» болалар либоси, Миллий либослар фестивалларини анъанавий равишда вилоятларда ҳам ташкиллаштирсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бундай фестивалларни орқали жойлардаги ёш истеъдодларни кашф қилиш баробарида янги-янги ижод намуналари яратилади.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Қўшиқларда Ватан мадҳи


Ёш шоира Гулшода Қурбонованинг мазкур шеъри юртга бўлган меҳрдан, муҳаббатдан озиқланишини ҳис этиш қийин эмас. Ўйлаймизки, шеър сиз азиз муштарийларга ҳам манзур келади.

ТУМОР АЙЛАЙ ЯПРОҒИНГНИ

Ватан недур? Кўнглим менинг,
Онам менинг – мунглим менинг,
Мушфиққина синглим менинг!
Дил қаърида нурсан, Ватан,
Қуёш каби ҳурсан, Ватан.

Дилимдаги зорим бўлдинг,
Тоғим бўлдинг, орим бўлдинг,
Инжум, ганжим, борим бўлдинг,
Жаҳолатга берксан, Ватан,
Менинг учун эрксан, Ватан.

Булоқлардек меҳринг бордир,
Оппоқ тонгдек сеҳринг бордир.
Дилда ўчмас муҳринг бордир,
Менинг учун улуғ Ватан,
Бағри нурга тўлуғ Ватан.



Тумор айлай япроғингни,
Кўзга суртай тупроғингни.
Асрай чаман, боғ-роғингни,
Мен туғилган ерсан, Ватан,
Гулшодага шеърсан, Ватан.

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

САРДОРЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

Ҳижрий 159 йил[1] кузи. Найза бўйи кўтарилган қуёш ёғдусида чўл бағридаги кичик кўл соҳилида жойлашган исёнчилар қароргоҳи антиқа манзара касб этган. Саёз жойларида қамиш ва қўғалар, қирғоғида тўп-тўп юлғунлар ўсиб ётган кўлнинг кунчиқар томонида чодир, олачиқ, қамиш капа, саксовул ва юлғун шохларидан тикланган чайлалар – бари бетартиб ва аралаш-қуралаш ҳолида эди. Бир чеккада ҳатто бир неча серҳашам ўтов тикилган. Қароргоҳда аксарияти бир хилда оқ бўздан либос кийган, аммо турлича қуролланган, яъни қўлларида қилич ва найзадан тортиб, паншаха ва сўйилгача тутган одамлар кўринарди. Улар чодирлар орасидаги ялангликларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, турфа қуроллар билан машқ қилишар эди. Қароргоҳ яқинида эса бир тўп отлиқлар ерни чангитиб, отда елиб бораётиб саксовуллар тепасига бойланган нишонларга камондан ўқ узишмоқда.

Офтоб тафти кучайгач, тепаликлардаги сергак соқчилар ва отларни сувлоққа олиб бораётган жангчилардан бошқа барча соя жой излаб, ўзларини чодир ва капаларга ура бошлашди. От ва эшак минган чўпонлар кўлнинг нариги соҳилидаги қўралардан тонг саҳарда ўтлатиш учун олиб чиқилган қўйэчкилар сурувини яйловдан қайтариб, суғориш учун кўл тарафга ҳайдаб келишарди. Сурув ортидан кўтарилган оппоқ чанг-тўзон камбар кўл сатҳи оша қароргоҳга довур етиб келарди.

Қароргоҳнинг қоқ ўртасидаги дўнгликка сардор Ҳакимнинг чодири тикилган. Эшик вазифасини ўтовчи қанор парда куну тун кўтариғлик турар ва сардор ҳар дам қароргоҳни кузата оларди. Ҳаким намат устида чўккалаб ўтириб, олдидаги уста келтирган янги яроғ-аслаҳани кўздан кечирар, қаршисида қуролсоз темирчи тик турарди. Сардор ҳар бир қуролни қўлига олиб, дастаси қанчалик мустаҳкамлигини текширар, тиғининг обдорлигини туйнукдан тушаётган ёруққа солиб кўрарди. Қиличлар, найза учлари, пайконлар[2] бир тутам қуёш нурига тутилганда совуқ ялтиллаб кетарди. Ҳаким ўрта бўйли ва қадди хиёл букик бўлса-да, яроғ дастасини узун бармоқлари билан маҳкам қисиб ҳавода сермаганида дев билан олишишга шайланган паҳлавонга ўхшаб кетарди. Ниҳоят, у сўнгги қилични тўп устига қўйди. Сардорнинг мошгуруч соқол қоплаган қорамтир юзида, тийрак қўй кўзларида қониқиш ва мамнунлик ифодаси жилва қилди.

– Олдингиларга кўра булар анча дуруст, – деди ҳаким хавотир билан кутиб турган темирчига. – Айниқса, қиличлар соз. Найза учларига бақувват дасталар ясаб кийгизиш лозим. Шунда яна ўн бешта жангчимизни қуроллантириб оламиз. Тангри сенга ва шогирдларингга қувват берсин.

– Қуллуқ, сардор, – енгил таъзим қилди темирчи. – Яроғ ясашни ҳам ўрганса бўларкан. Бир пайтлар ўроқ, кетмон ясардим. Энди уларни эритиб, қилич ва найза ясаяпмен. – Шундай дея у хўрсиниб қўйди.

– Начора, мен ҳам бир пайтлар мато тўқувчи эдим, – деди ҳаким унинг ҳолатини англаб. – Зап тўқир эдим лекин занданачини[3]. Мен тўқиган матодан тикилган либосларни нафақат Бухорою Самарқанд, ҳатто Бағдоду Дамашқда ҳам кийишарди, десам лоф эмас. Шом[4] ва Румга[5] мол элтадиган савдогарлар менга бир йил олдин буюртма беришарди. Аммо зулм туфайли биз дўкону дастгоҳ ва ота касбимиздан жудо бўлиб, саҳро ўртасида макон тутдик. Энди то ғаним устидан зафар қозониб, юртимизга ўзимиз эга бўлмагунча, мен сардорлик қилишим ва сен қурол ясашинг лозим.

– Эрк кураши талаб айлар экан, ўз болғамни эритиб яроғ ясамоққа ҳозирмен. Қароргоҳда бир дона ўроқ ё кетмон қолмади. Барисини эритиб аслаҳа қуйдик.

– Темир қозонларни ҳам эритинглар. Ошни мис қозонларда навбати билан пиширириб олаверишади. Ҳа-я, мисдан ҳам яроғ ясаса бўладими? Қароргоҳда мис буюмлар анча-мунча бор-ку!

– Бўлади. Лекин унча ўткир бўлмайди ва тез ишдан чиқади. Тўғри, озгина қалайи аралаштирилса, жезга айланиб, анча мустаҳкам бўлади.


– Унда тез ишга киришинглар. Қароргоҳдаги барча мис буюмларни йиғиб, сизга элтиб беришадур. Ма, буни ҳам ола кет. Сувни сопол кўзадан ичсам ҳам бўладур.

Шундай дея чодир бурчагидаги мис кўзани узатди. Темирчи қорнига нақшлар солинган кўзани қўлида айлантириб кўраркан, афсусланиб деди:

– Жуда нафис. Қўли гул уста ясаган буни!

– Шундоқ бўлсаям, уни эритиб, ханжарми, найзами яса. Қурол керак бизга!

Темирчи таъзим қилиб, кўзани кўтарганча чодирдан чиқди. Ёлғиз қолган ҳаким, бу қуролларни биринчи навбатда кимларга берсам экан, дея йигитларни бир-бир кўз олдидан ўтказа бошлади. Бу йигитлар деҳқон, чўпон ё косибдан чиққан, ҳозирда ҳаким учун аввалги касблари эмас, балки яроқни



қанчалик ишлата олишлари муҳим эди.

Ҳаким асли қадимий Зандана қишлоғидаги тўқувчилар маҳалласининг оқсоқоли эди. Қишлоқ аҳли асосан ҳунармандлар бўлиб, қўли гул Зандана тўқувчилари юз йиллар бурун ихтиро қилган бир мато олам аҳлига манзур бўлган ва шуҳрати етти иқлимга ёйилган. Уни тўқиш вилоятнинг бошқа қишлоғу шаҳарларига ҳам ёйилди, аммо барча ерда илк чиққан жойи номи билан занданачи деб аташарди. Асрлар давомида олис ўлкаларга ҳам карвон-карвон мато чиқариши натижасида Зандана қишлоғи обод бўлиб, кичикроқ шаҳарга ўхшарди.

Қутайба Моваройуннаҳрни фатҳ этгач, Зандана қишлоғи халифалик хирожини мато билан тўлайдиган бўлди. Занданачи халифа саройида ҳам қадрланиб, аъёнлардан тортиб, ҳарамдаги хонимларгача шу матодан либос тиктира бошладилар. Катта саройнинг эҳтиёжи ҳам, албатта, катта. Халифанинг солиқлари йилдан-йилга ошиб, уларни тўлаш тобора оғирлашиб борди. Ҳаким оқсоқол сифатида тўқувчиларни ноҳақ солиқлардан ҳимоя қилишга уринди. Бағдоддаги халифа саройининг эҳтиёжига яраша мато жўнатиб туришни фарз билган Бухоро волийси ҳукмдорларга эмас, балки қора халққа қайишадиган оқсоқолни йўқотиш чорасини кўрди. Навбатдаги қўшимча солиқлардан бош тортган ҳаким ва яна бир неча саркаш тўқувчи ҳибсга олинди. Улар қатл этилиши, камида қул қилиб сотилиши керак эди-ю, аммо моҳир усталикларини ҳисобга олиб, Бухородаги «Байт ут-тироз» корхонасининг тутқунлари сафига қўшиб қўйишди. Корхонада маҳбус косиблар калава, ипак ва юнгдан гиламлар, дарпардалар, жойнамозлар, ипак ва зарбофт матолар тўқишар, бўёқчилар уларни кўк, сариқ, зангор ва қизил рангларга бўяшарди. Бўёғи қуриб, тайёр бўлган ёрқин ва нафис буюмларни той-той қилиб туяларга юклаб, дорулхилофат Бағдодга – халифа хазинасига жўнатишарди.

(Давоми бор).

Изоҳлар:
1. Мелодий 775 йил.
2. Пайкон – ўқ учи.
3. Занданачи – мато номи.
4. Шом – Сурия.
5. Рум – ҳозирги Туркия ҳудуди.

ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Республика Киночилар уйида "Телевидение ва кинода спорт" мавзуидаги фестиваль якунланди. Тадбир Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Кино ва телевидениеда спорт" халқаро федерацияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни спортга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуалари, мактабларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вакилларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз довруғини оламга таратаётгани бу соҳага кўрсатилаётган эътиборнинг амалий натижасидир.

Икки кун давом этган фестивалда спорт мавзуига бағишланган фильмлар намойиш этилди.

"Ўзбектелефильм" студияси режиссёрларидан Эркин Мирзаевнинг "Рингда Руслан Чагаев", Қўчқор Каримовнинг "Кўпкари", Людмила Гармашнинг "Биз биргамиз" ҳамда Назиха Камолованинг "Ғалабалар инъикоси" фильмлари ўз йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси режиссёри Аҳрор Акбархўжаевнинг "Универсиада–2007" ҳамда Миллий телерадиокомпаниянинг "Спорт" телеканали режиссёри Елена Мирзаеванинг "Тўмарис. Сўнгги сўз" фильмлари ҳам совринли ўринни эгаллади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РОДИНА, ВОСПЕТАЯ В КАРТИНАХ

Выставка творческих работ наманганских художников, посвященная 16-летию независимости Узбекистана, открылась в областном краеведческом музее. Она организована по инициативе Наманганского областного Союза художников Академии художеств Узбекистана.

В экспозиции представлены работы более десяти художников из разных городов и районов области, объединенные общей темой: «Чувство Родины глазами художников».

– Подобные выставки помогают выявлению новых талантов, различных граней творчества, – говорит секретарь Академии художеств Узбекистана, заслуженный деятель искусств Владимир Бурмакин. – Здесь можно проследить результаты творческого роста художников, у каждого из которых есть свой почерк, своя индивидуальная манера.

Пейзажи и портреты, выполненные наманганскими художниками Пулатом Джалиловым, Эркином Азизом, Равшаном Юлдашевым, Алижоном Турдиалиевым и другими, воспевают неповторимость и самобытность родного края, наши достижения на пути строительства новой жизни, показывают величие народа и страны.

Художественная выставка в музее будет работать в течение месяца. Она станет своеобразным мастер-классом для юных и начинающих художников, которые смогут здесь ближе познакомиться с творчеством своих наставников, а с помощью преподавателей художественных факультетов вузов и колледжей – обсудить направления развития этого вида искусства.

Ильхом РАЗЗАКОВ, корр.УзА.

Творчество наших читателей

НАСЛЕДИЕ ТЕМУРА ВДОХНОВЛЯЕТ

Земля в тысячелетие
рождает
Лишь раз, как он,
великих сыновей –
Что это так,
воочию подтверждает
История всей правдою
своей...
Считалось для Темура
смыслом жизни,
Которым, как известно,
дорожил:
Он за короткий срок
свою Отчизну
В могучую державу
превратил.
В далекие междоусобья
годы
Почет непререкаемый
снискал
За то, что независимость,
свободу
Он первым в Туркестане
утверждал!
Спасая страны от
порабощенья,
Народы он сближал
между собой.
И памятник Темуру
в знак почтенья
Во Франции воздвигнут –
«За спасенье»...
Сегодня не узнать Отчизну
нашу –
Такого не увидеть
и во сне –
Она в расцвете сил,
богаче, краше,
И в завтрашнем уверены
мы дне...
Не зря – Темур великий,
говорят,
Политик, полководец,
дипломат,
Какого дела, где б
он ни касался –
В любом из них –
великим оставался.
Наследие Темура
вдохновляет,
Звездой нам путеводною
горит,
Его заслуга тем и впечатляет,
что миру он
Всему принадлежит!

Николай БУРТЫШЕВ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4090. **Адади** 25050.